

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**15-сон**  
**(827)**  
**2018 йил**  
**16 апрель**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

302. «Давлат харидлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ–472-сон Қонуни
303. ««Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелдаги ЎРҚ–473-сон Қонуни
304. «Жамоатчилик назорати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ–474-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

305. «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва содалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги ПФ–5409-сон Фармони

306. «Сирдарё» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПФ–5412-сон Фармони
307. «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПФ–5414-сон Фармони
308. «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПФ–5415-сон Фармони
309. «Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги ПҚ–3662-сон қарори
310. «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ–3665-сон қарори

#### *Учинчи бўлим*

311. «Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 апрелдаги 278-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

314. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги 217-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 753-1*)
315. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги 218-мх-сон «Тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг намунавий шаклларининг 6-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2848-3*)
316. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 5 апрелдаги 4, 2-мб-сон «Юридик шахсларнинг номига давлатнинг расмий номини, шунингдек ундан ҳосила сўзларни қўшиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш ки-

ритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2633-3*)

317. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 29 мартдаги 66-сон «Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2361-1*)
318. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2018 йил 4 апрелдаги 01-102-сон «Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2490-2*)
319. Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 31 мартдаги 83-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти базасида идоравий ўқотар курол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2997*)
320. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 31 мартдаги 84-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти базасида идоравий ўқотар курол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2740-1*)
322. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 6 апрелдаги 72, 288-В-5-сон «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1675-5*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 7 апрелдан 13 апрелгача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

## 302 Давлат харидлари тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2018 йил 25 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда  
маъқулланган

### 1-боб. Умумий қоидалар

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

ривожлантириш давлат дастурларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган лойиҳаларни, шунингдек давлат буюртмачиларининг хўжалик фаолиятини рўёбга чиқаришда амалга ошириладиган давлат харидларига;

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетлари ва бошқа давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан донор мамлакатлар, халқаро, ҳукуматга қарашли бўлган ва ҳукуматга қарашли бўлмаган чет эл ташкилотлари билан тузилган шартномалар доирасида тақдим этиладиган чет эл грантлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб этиладиган чет эл кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат харидларига нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ давлат харидлари стратегик субъектлари амалга оширадиган давлат харидларига, ривожлантириш давлат дастурларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган лойиҳаларни рўёбга чиқаришда амалга ошириладиган давлат харидлари бундан мустасно;

давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфсиз-

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 10 апрелда эълон қилинган.

лигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун амалга ошириладиган давлат харидларига, шунингдек давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидларига;

фавқулодда вазиятлар юз берган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларига;

агар донор мамлакатларнинг, тегишли халқаро, ҳукуматга қарашли бўлган ва ҳукуматга қарашли бўлмаган чет эл ташкилотларининг тартиб-таомилларида ёки Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида чет эл кредитларини ва чет эл грантларини тақдим этиш шартларида товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши сайловига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг референдумларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун амалга ошириладиган давлат харидларига;

суд муҳокамаларида иштирок этиш учун адвокат (вакил) тайинланиши билан боғлиқ давлат харидларига;

нархлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий белгиланган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларига нисбатан татбиқ этилмайди.

## **2-модда. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

## **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**давлат буюртмачиси** — давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс;

**давлат хариди** — товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш;

**давлат харидларининг субъектлари** — давлат буюртмачиси, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси, давлат харидларининг ижрочиси, харид комиссияси, махсус ахборот портали оператори ва эксперт;

**давлат харидлари тўғрисидаги шартнома** — давлат харидлари бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида давлат буюртмачиси ва давлат харидларининг ижрочиси ўртасида тузиладиган битим;

**махсус ахборот портали** — операторнинг давлат харидлари ўтказилишини, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, давлат харидлари якунлари, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифлари ҳақидаги ахборотнинг ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборотнинг электрон шаклда жойлаштирилишини ва қўрилишини, шунингдек электрон давлат харидлари ўтказилишини таъминловчи веб-сайти ва махсус электрон платформаси;

**махсус ахборот портали оператори** — давлат харидларининг субъектларига харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш, махсус ахборот порталига эълонларни, буюртманомаларни ҳамда давлат харидлари ва уларнинг якунлари тўғрисидаги бошқа ахборотни жойлаштириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи махсус ваколатли юридик шахс;

**харид қилиш тартиб-таомили** — давлат хариди бўйича хатти-ҳаракатлар мажмуи;

**эксперт** — хулоса бериш учун махсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс;

**электрон давлат харидлари** — электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион каби махсус ахборот порталининг дастурий-техник комплекси орқали ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат харидларини амалга ошириш усуллари;

**эълон** — давлат харидларини амалга ошириш усули, ушбу харидларнинг талаблари ва шартлари, таклифларни тақдим этиш муддатлари ҳамда тартиби кўрсатилган, давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига жойлаштириладиган бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги ахборот.

#### **4-модда. Давлат харидларининг асосий принциплари**

Давлат харидларининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

давлат буюртмачисининг касбий маҳорати;

асосланганлик;

молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги;

очиқлик ва шаффофлик;

тортишув ва холислик;

мутаносиблик;

давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги;

коррупцияга йўл қўймаслик.

Давлат харидларининг асосий принциплари давлат харидлари жараёнининг барча босқичларида қўлланилиши керак.

#### **5-модда. Давлат буюртмачисининг касбий маҳорати принципи**

Давлат буюртмачисининг касбий маҳорати тегишли бўлинмалар ходимларига нисбатан соҳа бўйича маълумоти бўлиши, малакасини мунтазам равишда ошириши ҳамда босқичма-босқич амалий тажрибага эга бўлиб бориши тўғрисида талаблар белгилаш йўли билан таъминланади.

Давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгар бўлган шахсни белгилаши шарт.

Манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда, харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгар бўлган шахс бажариладиган вазифалардан четлаштирилиши лозим.

### **6-модда. Асосланганлик принципи**

Давлат харидлари давлат буюртмачисининг ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишни таъминлайдиган ҳақиқий талаблари ва эҳтиёжларини самарали қаноатлантириш учун давлат харидларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги, товарни (ишни, хизматни) танлашнинг, унинг истеъмол хусусиятларининг (тавсифининг), сифат кўрсаткичлари ва қийматининг асосланганлиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

### **7-модда. Молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги принципи**

Давлат харидлари:

давлат буюртмачисининг давлат харидларини ўтказиш харажатларини ва товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қийматини ҳисобга олиш;

давлат харидлари учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, шу жумладан товарларни (ишларни, хизматларни) олишдан кўрилган наф, уларнинг сифати ва қиймати ўртасидаги мақбул нисбатни (фойдаланиш даври харажатларини ҳисобга олган ҳолда) таъминлаш;

давлат харидларини мақбул муддатларда ўтказиш имконини берадиган оқилона ва тежамкор усулда амалга оширилиши керак.

### **8-модда. Очқлик ва шаффофлик принципи**

Давлат харидларининг очқлиги ва шаффофлиги:

тегишли давлат органларига, давлат харидлари субъектларига ва жамоатчиликка давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ, ўз вақтида, эркин ва бепул фойдаланиш имкониятини таъминлаган ҳолда уни махсус ахборот порталига жойлаштириш, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

харид қилиш тартиб-таомилларига доир ҳужжатларни ва ҳисоботларни тузиш ҳамда бут сақлашни таъминлаш орқали амалга оширилади.

### **9-модда. Тортишув ва холислик принципи**

Давлат харидларидаги тортишув харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари ўртасида тортишув, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқишда ҳамда холис ва асосли мезонлар асосида энг мақбул вариант фойдасига яқуний қарор қабул қилишда беғаразлик ва шаффофлик механизмларидан фойдаланиш ҳисобидан қўллаб-қувватланади.

Давлат харидларининг холислиги харид қилиш тартиб-таомиллари иш-

тирокчиларининг таклифларини кўриб чиқишдаги ва энг мақбул вариант фойдасига яқуний қарор қабул қилишдаги беғаразликни назарда тутди.

Давлат харидларининг холислиги:

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларига тенг имкониятларни таъминлашга;

давлат харидлари субъектлари ўртасида рақобатни ва уларга нисбатан беғаразликни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга;

давлат харидлари жараёнида шикоятлар, низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқишнинг ҳамда тегишли чора-тадбирлар кўришнинг очик, ошкора ва тортишув механизмларига асосланади.

### **10-модда. Мутаносиблик принципи**

Давлат харидларида мутаносиблик:

давлат харидларини амалга ошириш усулининг товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавф-хатарига, қийматига, хусусиятига ва мураккаблигига;

талабларнинг харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари малакасига оид маълумотларга, таклифларни баҳолаш мезонлари ва усулларининг товарларга (ишларга, хизматларга);

давлат харидлари субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги уларнинг ўз вазифаларига мослиги билан таъминланади.

### **11-модда. Давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги принципи**

Давлат харидлари мақсадлар, принциплар ва ёндашувларнинг ягоналигига, давлат харидлари жараёни барча босқичларининг яхлитлиги ва ўзаро алоқадорлигига ҳамда давлат харидлари барча субъектларининг ҳамкорлигига асосланади.

Давлат харидларининг ягоналиги ва яхлитлиги:

давлат харидларини тартибга солувчи ягона ва яхлит норматив-ҳуқуқий база ҳамда уни бир хилда қўллаш;

давлат харидларининг давлат харидлари тўғрисидаги барча ахборотни тўплаш, унга ишлов бериш ва уни таҳлил қилишни ҳамда барча манфаатдор шахсларга ундан фойдаланишни таъминлайдиган ягона, яхлит ва комплекс ахборот тизими мавжудлиги;

давлат харидларини амалга ошириш механизмлари, тартиб-таомиллари ва усулларини бирхиллаштириш;

давлат харидларига оид ҳужжатларни бирхиллаштириш;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ягона миллий классификаторини жорий этиш;

давлат харидларини режалаштириш ва амалга оширишни, давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларни (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) тузиш ва ижро этишни, мониторингни ва назоратни амалга оширишни, низолар ҳамда келишмовчиликлар устидан шикоят қилиш ва уларни кўриб чиқишни, давлат харидлари субъектларининг касбий маҳорати

даражасини ва масъулиятини оширишни ташкил этиш имконини берадиган ягона инфратузилманинг мавжудлиги билан таъминланади.

### **12-модда. Коррупцияга йўл қўймаслик принципи**

Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказишга доир талаблар давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги керак. Бунда коррупциянинг олдини олишга қаратилган чоратадбирлар устувор бўлади.

### **2-боб. Давлат харидлари соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

### **13-модда. Давлат харидлари соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсадлари**

Давлат харидлари соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсадлари:

давлатнинг стратегик мақсадлари ва вазифаларига эришиш;

ривожлантириш давлат дастурларини ижро этиш;

давлатнинг ижтимоий вазифаларини бажариш;

давлат хизматлари кўрсатиш;

бюджет ташкилотларининг, бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун давлат харидлари субъектларига қулай муҳитни шакллантиришдан, шунингдек давлат харидларини амалга оширишда коррупцияга ва қонун ҳужжатларининг бошқача бузилишларига қарши курашишдан иборат.

Давлат харидларини амалга оширишда ижтимоий-иқтисодий сиёсат устуворликлари, шу жумладан юқори технологик ва инновацион ишлаб чиқаришларнинг яратилиши, қулай экологик вазиятнинг сақланиши ҳисобга олинади.

### **14-модда. Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади) давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органдир.

Ваколатли орган давлат харидлари соҳасини давлат томонидан тартибга солишни амалга оширади.

Ваколатли орган:

давлат харидлари соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тизимини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришнинг самардорлиги ва шаффофлигини ошириш бўйича чоралар кўради;

махсус ахборот порталининг операторини ва унинг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти қоидаларини белгилайди;

таклифни баҳолаш ва таққослаш усулларини ҳамда мезонларини, шу-

нингдек давлат харидларини амалга ошириш усулини танлаш тартибини ва уларнинг тартиб-таомилини белгилайди;

иктисодий жиҳатдан энг фойдали таклифни баҳолаш усулини қўллаш тартибини (баҳолашнинг нархга асосланмаган мезонларини) белгилайди;

давлат харидлари бўйича ахборотни жойлаштириш, ошкор қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини ҳамда ҳажмларини, шунингдек товарга (ишга, хизматга) ҳамда давлат харидларини амалга ошириш усулига қараб эълон қилишга доир қўшимча талабларни белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги эълонларнинг, хабарнинг, харид қилиш ҳужжатларининг, харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиси таклифининг, харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш учун буюртманомаларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасининг намунавий нусхаларини тасдиқлайди;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини шакллантириш тартибини белгилайди;

давлат харидларидаги шартнома мажбуриятларини бажариш масалаларига доир низолар ва келишмовчиликларни, Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Ваколатли орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **15-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

давлат харидлари соҳасида бюджет тизими бюджетлари маблағларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомиллари турларини такомиллаштириш ва уларнинг қўлланилишини кенгайтириш бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини назарда тутувчи таклифлар тайёрланишини мувофиқлаштиради;

ваколатли орган билан биргаликда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг давлат харидлари соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради ҳамда уларга йўналиш беради, уларнинг фаолияти устидан назоратни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **3-боб. Давлат харидларининг субъектлари**

#### **16-модда. Давлат буюртмачилари**

Ушбу Қонун мақсадлари учун давлат буюртмачилари деганда қуйидагилар тушунилади:

- 1) бюджет буюртмачилари:  
давлат органлари;

бюджет ташкилотлари;

харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтирила-  
диган бюджет маблағларини олувчилар;

давлат мақсадли жамғармалари;

2) корпоратив буюртмачилар:

давлат корхоналари;

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ  
бўлган юридик шахслар;

устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи  
50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга те-  
гишли бўлган юридик шахслар.

Давлат буюртмачиси:

мустақил равишда ёки ихтисослашган ташкилотни жалб этган ҳолда  
товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини белгилаш, бундан қонун  
ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно;

давлат харидларини амалга оширишда ўз расмий веб-сайтига ёки ўзи-  
нинг юқори турувчи органи расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахбо-  
рот воситаларига эълон жойлаштириш;

харид қилиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ  
этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини узайтириш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда харид қилиш тартиб-та-  
омиллари иштирокчилари таклифларининг амал қилиш муддатини муайян  
даврга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан уларга мурожаат қилиш;

иккинчи босқич якунлари бўйича тендер тарзида харид қилиш тартиб-  
таомилини ўтказишда ғолиб билан нархни пасайтириш тўғрисида музокара-  
ларга киришиш ҳуқуқига эга.

Давлат буюртмачиси қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномалар-  
га мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат буюртмачиси:

ушбу Қонунга мувофиқ харид қилиш тартиб-таомили турини танлаш  
тўғрисида қарор қабул қилиши;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат харидларини амалга  
ошириши;

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белги-  
ланган тартибда ва муддатларда махсус ахборот порталига жойлаштириши;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг товарлар (ишлар,  
хизматлар) ва давлат харидларининг тартиб-таомиллари билан боғлиқ сўров-  
лари бўйича уларга қонун ҳужжатларига мувофиқ тушунтиришлар бериши;

харид қилиш тартиб-таомилларининг ғолиб деб топилган иштирокчила-  
ри билан шартномалар тузиши, шунингдек уларнинг ижро этилишини таъ-  
минлаши;

бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялашти-  
риш манбалари ва миқдорлари мавжудлиги тасдиқланган тақдирдагина мах-  
сус ахборот порталига ва бошқа оммавий ахборот воситаларига жойлашти-  
риши шарт.

Давлат буюртмачисининг зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **17-модда. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси**

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таоми-лида давлат харидларини ижро этиш учун талабгорлар сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) бўлиши мумкин.

Иштирокчи:

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;

муайян давлат харидлари тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ва тушунтиришлар олиш;

харид комиссияси томонидан таклифлар очилаётганда белгиланган тартибда иштирок этиш;

харид қилиш тартиб-таомиллари бузилган тақдирда давлат харидлари натижалари устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

давлат харидлари тартиб-таомилларида кўрсатилган ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ таклифларга ўзгартишлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Иштирокчи:

давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

давлат харидлари тўғрисидаги ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши;

ғолиб деб топилган тақдирда давлат буюртмачиси билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

Иштирокчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **18-модда. Давлат харидлари ижрочиси**

Харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича ғолиб деб топилган ва у билан шартнома тузилган иштирокчи давлат харидлари ижрочисидир (бундан буён матнда ижрочи деб юритилади).

Ижрочи:

давлат буюртмачиси билан тузилган шартномани ижро этиш жараёнида тушунтиришлар олиш учун унга мурожаат қилиш;

етказиб берилган товар (иш, хизмат) учун ҳақ олиш;

шартнома шартларига мувофиқ ва (ёки) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Ижрочи:

давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

шартномани унинг шартларига мувофиқ ижро этиши;  
шартномани ижро этиш жараёнида давлат буюртмачисига ёки ваколатли давлат органига унинг сўрови бўйича тушунтиришлар ва ахборот бериши шарт.

Ижрочи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **19-модда. Харид комиссияси**

Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомиллари ғолибини танлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган коллегиал органдир.

Харид комиссияси ишининг асосий мақсади иштирокчиларнинг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича ҳолис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат.

Харид комиссияси давлат буюртмачиси ҳузурида доимий фаолият кўрсатадиган, давлат буюртмачисининг тегишли қарорлари билан шакллантириладиган ва тарқатиб юбориладиган органдир.

Харид комиссияси тоқ сонли аъзолардан иборат бўлади, унинг аъзолари таркиби ва сони харид қилиш тартиб-таомилининг турига боғлиқ бўлади ҳамда олинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Харид комиссияси аъзолари ҳолис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили ғолибини танлашдан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак.

Харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қилади, у харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилади, шунингдек харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди. Харид комиссияси раиси йўқлигида унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.

Харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг масъул котиби ташкил этади.

Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас.

Харид комиссиясининг мажлислари юзма-юз ёки сиртдан (сўров орқали, барчанинг иштирокисиз) ўтказилиши мумкин. Юзма-юз мажлислар конференциялар (видеоконференциялар ва ҳоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.

Мажлис ўтказилган санада бир давлат хариди бўйича қиймати энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан кам миқдордаги товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди бўйича харид комиссиясининг қарорлари харид комиссиясининг сиртдан ўтказиладиган мажлисида, қиймати энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан ортиқ миқдордаги давлат хариди бўйича харид комиссиясининг қарорлари эса харид комиссиясининг фақат юзма-юз мажлисида қабул қилиниши мумкин.

Қиймати энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан ортиқ миқдордаги давлат харидлари ўтказилганда харид комиссияси таркибига давлат буюртмачисининг вакилларида ташқари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» республика лойиҳалаштириш институтининг вакиллари киритилади.

Ваколатли орган харид комиссиясининг мажлисига ўз вакилини кузатувчи сифатида иштирок этиш учун юборишга ҳақлидир.

Харид комиссиясининг юзма-юз мажлиси ўтказилиши учун харид комиссияси аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи иштирок этиши зарур.

Қарор харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Харид комиссиялари аъзоларида иштирокчилар билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўтарилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

Агар харид комиссиясига мазкур комиссия аъзосининг аффилиланганлиги мавжудлиги тегишли масала юзасидан қарор қабул қилингунига қадар маълум бўлиб қолган бўлса, унинг ўзи эса ўзини ўзи рад этмаган бўлса, бундай аъзонинг мазкур масала бўйича овоз беришига йўл қўйилмайди.

Агар харид комиссиясига тегишли масала бўйича овоз берган мазкур комиссия аъзосининг аффилиланганлиги мавжудлиги қарор қабул қилинганидан кейин маълум бўлиб қолган бўлса, бундай аъзонинг овози мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади.

Харид комиссияси қўйидаги вазифаларни бажаради:

танлов (тендер) ҳужжатларини келишади;

таклифлар қабул қилинадиган муддатларни белгилайди;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини белгилайди;

таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

малака танловини ўтказиши, агар танлов (тендер) ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

харид қилиш тартиб-таомилларини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ижрочисини ва захира ижрочисини белгилайди ёки савдони амалга оширмаган деб топади.

Харид комиссияси ижрочини аниқлаш тартиб-таомиллари давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.

Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар барча иштирокчилар учун мажбурийдир.

Харид қилиш тартиб-таомиллари:

хўжалик фаолияти доирасида ўтказилганда харид комиссияси давлат буюртмачисининг вакиллари орасидан, зарур бўлган тақдирда овоз бериш ҳуқуқига эга экспертлар жалб этилган ҳолда шакллантирилади;

лойиҳа фаолияти доирасида ўтказилганда харид комиссияси вазифаларини белгиланган тартибда ташкил этиладиган лойиҳани амалга оширувчи гуруҳ бажаради, у харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш натижалари тўғрисида қарорлар қабул қилади.

## **20-модда. Махсус ахборот портали оператори**

Махсус ахборот портали оператори:

махсус ахборот порталининг узлуксиз ишлашини, унга жойлаштирилган ахборотнинг бут сақланишини ва бир бутунлигини, мазкур порталнинг тегишли давлат бошқаруви органларининг расмий веб-сайтлари ва ахборот тизимлари билан белгиланган тартибда уйғун ишлашини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотнинг электрон шаклда сақланишини, шу жумладан электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар сақланишини таъминлайди;

махсус ахборот порталида давлат бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини ташкил этади;

махсус ахборот порталини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аппарат-техника воситаларига жойлаштиради;

ваколатли орган, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» республика лойиҳалаштириш институти билан ҳамкорликни амалга оширади.

Махсус ахборот портали оператори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

Махсус ахборот портали оператори:

иштирокчи, ижрочи сифатида давлат харидларида иштирок этишга, уларнинг аффилиланган шахси бўлишга;

давлат харидларини амалга ошириш ва нарх белгилаш жараёнига аралашишга, контрагентларни танлашда ва шартномалар тузишда давлат харидлари субъектларининг эркинлигини чеклашга, шунингдек давлат харидлари субъектларининг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклашга, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

ўтказиб бериладиган, олинладиган ва сақланадиган электрон ҳужжатлар ҳамда электрон хабарларнинг ишончлилигини, шунингдек агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилишга ёки текширишга;

давлат харидлари субъектлари томонидан жойлаштириладиган электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларнинг мазмунини ўзгартиришга ҳақли эмас.

Махсус ахборот портали оператори давлат харидлари субъектларининг

ушбу операторга бериладиган электрон ҳужжатлари ва электрон хабарларининг, шу жумладан бўлажак давлат харидлари тўғрисида махсус ахборот порталида жойлаштириладиган ахборотнинг мазмуни билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

#### **4-боб. Давлат харидлари жараёнига доир умумий талаблар**

##### **21-модда. Давлат харидлари жараёни**

Давлат харидлари жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:  
давлат харидларини режалаштириш;  
харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш;  
шартномани тузиш ва бажариш;  
давлат харидлари мониторинги.

##### **22-модда. Давлат харидларини режалаштириш**

Давлат харидларини режалаштириш давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади ва харидларни тизимлаштиришдан, давлат харидларини режалаштириш ҳамда бюджет ва инвестиция жараёнларидаги режалаштириш ўртасида ўзаро алоқани таъминлашдан иборат бўлади.

##### **23-модда. Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари**

Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари қуйидагилардан иборат:

электрон дўкон;  
бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион;  
танлов;  
тендер;  
ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари.  
Давлат харидлари электрон шаклда амалга оширилиши мумкин.  
Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ваколатли орган томонидан белгиланади.

##### **24-модда. Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот**

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот жумласига қуйидагилар киради:  
давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари;  
давлат харидларининг режа-жадваллари;  
давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар;  
ҳужжатларнинг шакллари;  
харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиш учун зарур бўлган намунавий шартномалар;  
давлат харидларининг якунлари тўғрисидаги ахборот;  
Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри;  
Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг қарорлари;

давлат харидлари бўйича статистик ахборот.

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталида эълон қилинади.

Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ, холис ва ишончли бўлиши керак.

### **25-модда. Баҳолаш мезонлари ва тартиб-таомилларига тааллуқли қоидалар**

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларига тааллуқли баҳолаш мезонлари:

нарх;

етказиб бериш базиси;

етказиб бериш муддатлари;

тавсифномалар ва сифат кўрсаткичлари;

тўлов ва кафолатлар шартлари;

муайян даврда фойдаланиш, эксплуатация қилиш ва таъмирлаш харажатларини назарда тутати.

Давлат буюртмачиси томонидан белгиланадиган давлат хариди шартларида қуйидагилар бўлиши керак:

ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган барча баҳолаш мезонлари;

барча баҳолаш мезонларининг нисбий қиммати;

баҳолаш тартиб-таомиллари доирасида баҳолаш мезонларини қўллаш тартиби.

Ҳолиб бўлган таклифни баҳолаш ва аниқлашда давлат буюртмачиси фақат харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган баҳолаш мезонлари ва тартиб-таомилларидан фойдаланади ҳамда бу мезонлар ва тартиб-таомилларни ушбу ҳужжатларда баён этилган тартибда қўллайди.

### **26-модда. Давлат харидлари қийматини баҳолашга тааллуқли қоидалар**

Давлат харидлари қийматининг бозор нархларига мувофиқлигини баҳолаш учун давлат буюртмачиси очиқ ахборот манбаларидаги маълумотлардан фойдаланади.

### **27-модда. Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидлари тавсифига ва шартнома шартларига тааллуқли қоидалар**

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди тавсифи холис, функционал ва умумий хусусиятга эга бўлади. Тавсифда товарлар (ишлар, хизматлар) давлат харидининг тегишли техник, сифат ва эксплуатация қилиниш хусусиятлари кўрсатилади.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидлари тавсифи таснифларни, режаларни, чизмаларни, эскизларни, талабларни ҳамда синовлар ва синов усуллари, қадоқлаш, тамғалаш ҳақидаги ёки мувофиқлик сер-

тификати, шунингдек шартли белгилар ва атамалар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олиши мумкин.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди тавсифига аниқ товар белгисига ёки номига, патентга, конструкцияга ёки моделга, у мансуб бўлган муайян манбага ёки ишлаб чиқарувчига доир талаблар ёки ҳавола-лар киритилмаслиги керак, бундан товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди хусусиятларини таърифлашнинг бошқа етарлича аниқ усули мавжуд бўлмаган ҳоллар мустасно ва бунда товарларни (ишларни, хизматларни) бошқа бир ишлаб чиқарувчининг эквивалент товарлари (ишлари, хизматлари) билан алмаштириш имконияти тўғрисидаги эслатма киритилиши керак.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди тавсифида қуйидагилар бўлиши керак:

товарларнинг сони;

бажарилиши (кўрсатилиши) керак бўлган ишлар (хизматлар);

товарлар етказиб берилиши лозим бўлган ёхуд ишлар бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилиши керак бўлган жой;

товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишнинг мақбул ёки талаб этилган муддатлари, агар улар мавжуд бўлса.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидига доир ҳужжатларда харид қилинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат буюртмачиси томонидан белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш имконини берадиган кўрсаткичлар бўлиши керак. Бунда шундай кўрсаткичларнинг энг кўп ва (ёки) энг кам қийматлари, шунингдек ўзгартирилиши мумкин бўлмаган кўрсаткичларнинг қийматлари кўрсатилади.

Зарур бўлган ҳолларда давлат буюртмачиси товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) кафолат муддатига ва (ёки) уларнинг сифатига бериладиган кафолат ҳажмига, товарга кафолат хизмати кўрсатишга, товардан фойдаланиш харажатларига, товарни монтаж қилиш ва созлашнинг мажбурийлигига, товардан фойдаланувчи ва унга хизмат кўрсатувчи шахсларни ўқитишга доир талабларни белгилайди.

Машиналар ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчи ижрочи аниқланган тақдирда давлат буюртмачиси давлат харидига доир ҳужжатларда товарнинг кафолат муддатига ва (ёки) унинг сифатига бериладиган кафолат ҳажмига, товарга кафолат хизмати кўрсатишга, товарга кафолат муддати мобайнида хизмат кўрсатиш харажатларига, шунингдек товарни монтаж қилиш ва созлашга, агар бу товарнинг техник ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, талаблар белгилайди. Янги машиналар ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчи ижрочи аниқланган тақдирда давлат буюртмачиси давлат хариди тўғрисидаги ҳужжатларда ушбу товарни ишлаб чиқарувчининг ва (ёки) етказиб берувчининг кафолатини тақдим этишга ҳамда бундай кафолатнинг амал қилиш муддатига нисбатан қўшимча равишда талаблар белгилайди. Бундай кафолатни бериш ушбу товар билан бирга амалга оширилади.

Агар товарларнинг давлат хариди тавсифида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, етказиб берилаётган товар янги бўлиши керак.

Товарни ишлаб чиқарувчига, иштирокчига доир талабларни, шу жумладан иштирокчининг малакасига қўйилган талабни товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди тўғрисидаги ҳужжатларга (шу жумладан товарнинг, ишнинг ёки хизматнинг сифатига, техник хусусиятларига доир талаблар, товарнинг функционал хусусиятларига (истеъмол қилиш хусусиятларига) доир талаблар шаклида) киритишга йўл қўйилмайди.

### **28-модда. Давлат харидларининг тили**

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот давлат тилида, шунингдек давлат буюртмачисининг ихтиёрига кўра бошқа тилларда эълон қилинади ва тарқатилади.

### **29-модда. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар**

Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:  
шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;  
шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;  
солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

### **30-модда. Иштирокчиларга қўшимча талаблар қўйиладиган давлат хариди**

Давлат буюртмачиси зарур бўлганда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иштирокчиларга қўшимча талаблар белгилашга ҳақли.

Иштирокчиларга қўйиладиган қўшимча талаблар ушбу Қонунда белгиланган принципларга зид бўлмаслиги керак.

Иштирокчиларга қўйиладиган қўшимча талаблар давлат хариди тўғрисидаги ахборотда у эълон қилинган пайтда кўрсатилган бўлиши керак.

Иштирокчиларга қўшимча талаблар қўйиладиган давлат харидида иштирок этиш учун иштирокчилар аккредитация тартиб-таомилидан ўтади.

Иштирокчиларни аккредитациядан ўтказиш тартиби ваколатли орган томонидан белгиланади.

### **31-модда. Биргаликдаги давлат харидлари**

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) биргаликдаги давлат харидларини шакллантириш икки ва ундан ортиқ давлат буюртмачисининг давлат харидлари бўйича режаларига кўра амалга оширилади.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) биргаликдаги давлат харидларини шакллантириш бир давлат дастурида ёки лойиҳалар портфелида иштирок этаётган давлат буюртмачиларида амалга оширилиши керак.

**32-модда. Таклифларни таъминлаш**

Давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилига нисбатан иштирокчилар томонидан таклифларнинг гаров, кафолат, закат тарзида ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши зарурлиги тўғрисида талаб белгилашга ҳақли.

Харид қилиш тартиб-таомилига нисбатан иштирокчилар томонидан таклифларнинг таъминланиши зарурлиги тарзидаги талаб барча иштирокчиларга тааллуқли бўлади ва давлат харидларининг шартларида кўрсатилади.

Давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилига нисбатан иштирокчилар томонидан таклифларнинг таъминланиши зарурлиги тарзида талаб белгилаган тақдирда, таклифлар юборилгунига қадар иштирокчи таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўровга дарҳол жавоб беради.

Давлат буюртмачиси таклифни таъминлаш суммаси тўланишини талаб қилмайди ва таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатни дарҳол қайтаради ёки қуйидаги воқеалардан бири юз берганидан кейин унинг қайтарилишини таъминлайди:

таклифни таъминлашнинг амал қилиш муддати тугаши;

давлат харидлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилиши таъминланиши, агар бундай таъминлаш давлат хариди шартларида талаб этилса;

давлат харидларининг бекор қилиниши;

таклифларни юборишнинг охириги муддати тугагунига қадар таклифнинг чақириб олинishi, агар давлат хариди шартларида бундай қайтариб олишга йўл қўйилмаслиги айтиб ўтилмаган бўлса.

**33-модда. Музокаралар олиб боришни тақиқлаш**

Харид қилиш тартиб-таомиллари амалга оширишда давлат буюртмачисининг махсус ахборот портали оператори билан ва махсус ахборот портали операторининг иштирокчи билан музокаралар олиб боришига йўл қўйилмайди.

**34-модда. Иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш шартлари**

Давлат буюртмачиси ёки махсус ахборот портали оператори қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:

иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг бажарилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

иштирокчи рақобатлашувда адолатсиз устунликка эга бўлса ёки қонун ҳужжатларини бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса.

Давлат буюртмачисининг ёки махсус ахборот портали операторининг иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарори ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ҳисоботга киритилади ҳамда улар ҳақида тегишли иштирокчига дарҳол хабар берилади.

### **35-модда. Голиб бўлган таклифнинг акцепти ҳамда акцепт учун асослар**

Давлат буюртмачиси ўтказилган харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича голиб бўлган таклифнинг акцепти тўғрисида бир иш куни ичида қарор қабул қилади.

Голиб бўлган таклифнинг акцепти қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин, агар:

давлат харидлари бекор қилинмаган бўлса;

голиб бўлган таклифни юборган иштирокчи четлатилмаган бўлса;

харид қилиш тартиб-таомили бузилмаган бўлса.

### **36-модда. Давлат харидини бекор қилиш**

Давлат буюртмачиси голиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда давлат буюртмачиси махсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қилади.

Давлат буюртмачиси давлат хариди бекор қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди, бундан давлат хариди давлат буюртмачисининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида бекор қилинган ҳоллар мустасно.

### **37-модда. Махфийлик**

Давлат буюртмачисининг ёки махсус ахборот портали операторининг ходими ўзининг ижрочилар ёки исталган шахс билан муносабатларида, агар ахборотни ошкор этмаслик давлат хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса ёки бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунга зид бўлса, қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашга тўсқинлик қилса, ижрочиларнинг қонуний тижорат манфаатларига зарар етказса ёхуд инсофли рақобатга тўсқинлик қилса, ваколатли орган бу ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, ҳеч бир ахборотни фош этмайди. Ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда ушбу қарор шартларига риоя этилади.

Иштирокчи харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиб, таклифда ўзи кўрсатган барча маълумотларнинг, таклифларини қабул қилиш муддати тугаганидан кейин эълон қилинишига розилик билдиради.

### **38-модда. Одоб-ахлоқ қоидалари**

Давлат буюртмачилари ва махсус ахборот портали оператори давлат харидларини ўтказиш учун Одоб-ахлоқ қоидаларини қабул қилиши керак, унда қуйидагилар назарда тутилади:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чора-тадбирлари;  
касбий тайёргарликни текшириш тартиб-таомиллари ва унга доир талаблар.

Давлат буюртмачилари, махсус ахборот портали оператори ходимларининг, харид комиссияси аъзоларининг одоб-ахлоқи қоидаларида касбга доир ва хизматдан ташқари фаолиятда одоб-ахлоқнинг ягона принциплари ва қоидалари, касбий тайёргарликка доир ягона талаблар белгиланади.

Давлат буюртмачисининг ва махсус ахборот портали операторининг масъул шахслари, харид комиссияси аъзолари томонидан иштирокчилар ҳамда ижрочилардан моддий ва номоддий бойликларни олиш тақиқланади.

Одоб-ахлоқ қоидалари давлат буюртмачиларининг ёки уларнинг юқори турувчи органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши лозим.

### **39-модда. Манфаатлар тўқнашуви**

Давлат буюртмачисининг, махсус ахборот портали операторининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек харид комиссиясининг аъзолари харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлиши мумкин бўлган исталган шахсий нафни бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқига эга эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар:

шахсий манфаатдор эмаслигини, шунингдек ўз оила аъзоларининг манфаатдор эмаслигини кафолатлаши керак, акс ҳолда шахсий манфаатдорлик ҳамда бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўрта-сида зиддият юзага келади ёки келиши мумкин;

манфаатларнинг исталган потенциал, тахмин қилинаётган ёки мавжуд тўқнашуви ҳақидаги ахборотнинг ошкор этилишини кафолатлаши керак.

Мавжуд ёки тахмин қилинаётган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар топган, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар бу ҳақда бевосита раҳбарга хабар қилиб, бир вақтнинг ўзида ваколатли органни хабардор этиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар унинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

### **40-модда. Давлат харидлари жараёнидаги чекловлар**

Давлат харидлари жараёнида қуйидагиларга йўл қўйилмайди:  
иштирокчиларни камситишга, бошқа иштирокчиларга зарар етказган ҳолда бир иштирокчига имтиёзлар ёки преференциялар беришга;  
манфаатлар тўқнашувига;

давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланмаган усулларини қонунга хилоф равишда танлашга, давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказишга, давлат харидларида иштирокчиларнинг иштирок этиши тўғрисидаги ахборотни ошкор этишга, уларнинг сонини асоссиз равишда чеклашга ёки уларнинг малакасига қўйилган талабларни оширишга, рақобатга йўл қўймасликнинг, уни чеклашнинг ёки бартараф этишнинг бошқа шакллариغا, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно;

нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида иштирокчиларнинг олдиндан тил бириктиришига;

ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш ёки тарқатишга, шунингдек давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни асоссиз равишда чеклашга;

давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланган усулларини четлаб ўтиш мақсадида давлат харидлари ҳажмини қисмларга бўлиб ташлашга;

иштирокчиларнинг сунъий тарзда пасайтирилган нархлар бўйича таклифлар беришига, кейинчалик шартномани имзолашни ёки уни тегишли тарзда ижро этишни рад этишига;

давлат хариди таркибига технологик ва функционал жиҳатдан ўзаро бири бири билан боғлиқ бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) киритишга; фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупциянинг намоён бўлишига;

молиялаштириш манбалари ва ҳажмлари мавжудлиги тўғрисида тасдиқларга эга бўлмаган ёки ажратилган маблағлар ҳажмидан ортиқ миқдордаги давлат харидларини амалга оширишга.

#### **41-модда. Давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар реестри**

Махсус ахборот портали оператори махсус ахборот порталидан фойдаланиш воситасида давлат буюртмачилари томонидан тузилган шартномалар реестрини (бундан буён матнда шартномалар реестри деб юритилади) юритади.

Шартномалар реестрига қуйидаги ҳужжатлар ва ахборот киритилади: давлат буюртмачисининг номи;

молиялаштириш манбаси;

ижрочини аниқлаш усули;

харид қилиш тартиб-таомилининг натижалари сарҳисоб қилинадиган сана ва шартнома тузиш асосларини тасдиқловчи ҳужжатнинг реквизитлари;

шартнома тузилган сана;

товар (иш, хизмат), шартнома баҳоси ва уни ижро этиш муддати, товар (иш, хизмат) бирлигининг нархи, у келиб чиққан мамлакатнинг номи ҳамда ижро этилган шартномага доир товарни ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги ахборот;

ижрочи солиқ тўловчининг номи, фирма номи (агар мавжуд бўлса), жойлашган ери (юримдик шахс учун — почта манзили), фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса), яшаш жойи (жисмоний шахс учун), идентификация рақами ёки чет эллик шахс учун тегишли чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижрочи солиқ тўловчининг ўхшаш идентификация рақами, бундан тарихий, бадий ёки бошқа маданий аҳамиятга эга бўлган ва давлатнинг музей, ахборот-кутубхона, архив фондларини, кино фондларини, фотосуратлар фондларини ва шунга ўхшаш фондларни тўлдириш учун мўлжалланган маданий қимматликларни, шу жумладан музей ашёларини ва музей коллекцияларини, шунингдек ноёб ва қимматбаҳо нашр-

ларни, қўлёзмаларни, архив ҳужжатларини (шу жумладан уларнинг қўчирма нусхаларини) етказиб берадиган жисмоний шахс тўғрисидаги ахборот мустасно;

шартномани ўзгартириш тўғрисидаги ахборот, шартноманинг ўзгартирилган шартлари кўрсатилган ҳолда;

шартномани ижро этиш тўғрисидаги ахборот, шу жумладан шартнома учун ҳақ тўлаш, шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тегишли тарзда бажармаганлик муносабати билан молиявий санкциялар (жарималар, пенялар) ҳисобланиши тўғрисидаги ахборот;

шартномани бекор қилиш тўғрисидаги ахборот, бекор қилиш сабаблари ва асослари кўрсатилган ҳолда.

Шартномалар реестридаги ахборот тўлов ундирилмаган ҳолда танишиб чиқиш учун очиқ бўлиши керак.

Шартномалар реестрини юритиш тартиби ваколатли орган томонидан белгиланади.

Қайси шартномалар тўғрисидаги ахборот шартномалар реестрига киритилмаган бўлса, ўша шартномалар учун ҳақ тўланмайди.

#### **42-модда. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри**

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри ваколатли орган томонидан шакллантириладиган рўйхатдан иборат бўлиб, унга қуйидаги маълумотлар киритилади:

харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича белгиланган шартларда давлат буюртмачиси билан шартнома тузишни ва давлат харидларини амалга оширишни рад этган ёки бошқача усулда бўйин товлаган харид қилиш тартиб-таомиллари қолиблари тўғрисидаги;

мажбуриятларни бажармаганликда ёхуд тегишли тарзда бажармаганликда белгиланган тартибда айбдор деб топилган ижрочилар ҳақидаги, бундан мажбуриятлар бартараф этиб бўлмайдиган кучлар оқибатида бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳоллар мустасно;

суднинг қарорига кўра фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилган ижрочилар тўғрисидаги.

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган ижрочи уч йил давомида давлат харидларида иштирок эта олмайди, бу муддат тамом бўлгач ижрочи Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестридан чиқариб юборилган ҳисобланади.

Ижрочилар Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритиш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

### **5-боб. Электрон дўкон**

#### **43-модда. Электрон дўкон тушунчаси**

Электрон дўкон махсус талаблар татбиқ этилмайдиган истеъмол товарларининг ва бошқа товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харид-

ларини амалга ошириш учун мўлжалланган махсус ахборот порталидаги махсус майдончадир.

Электрон дўконда қуйидаги давлат харидлари амалга оширилиши мумкин:

бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг икки юз эллик бараваридан (бюджет буюртмачилари учун энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан) ошмайдиган, бироқ бир йилда бир давлат буюртмачиси учун энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз баравари миқдордаги суммадан кўп бўлмаган товарлар;

бир давлат буюртмачиси учун энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан ошмайдиган миқдордаги ишлар, хизматлар.

#### **44-модда. Электрон дўконнинг ишлаш ва ундан фойдаланиш тартиби**

Электрон дўкон иштирокчиларнинг таклифларидан шакллантирилади. Иштирокчининг электрон дўконга қўйилган таклифи давлат буюртмачиларига юборилган оммавий офертадир.

Иштирокчи электрон дўконга жойлаштирилган ўз таклифида қуйидагиларни кўрсатади:

таклиф этилаётган товарнинг номи;

сотиш нархи;

товарнинг энг кўп ва энг кам тўпи;

товарнинг русуми ва техник параметрлари (техник паспорт ёки бошқа ҳужжат асосида);

товарнинг фотосурати;

товар етказиб бериладиган (иш бажариладиган, хизмат кўрсатиладиган) ҳудуд;

товарни ишлаб чиқарувчи ва товар келиб чиққан мамлакат тўғрисидаги ахборот;

кафолат шартлари ва муддати тўғрисидаги ахборот;

товар ишлаб чиқарилган йил;

товарнинг яроқлилиқ муддати;

ишни бажариш, хизматни кўрсатиш муддати;

зарур бўлганда, лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжат ёки сертификат мавжудлиги тўғрисидаги ахборот.

Давлат буюртмачиси электрон дўконда иштирокчиларнинг оферталарини ўрганиш йўли билан ўзи учун зарур бўлган товарни (ишни, хизматни) танлайди ва товар (иш, хизмат) танлангач, нархлар сўрови механизмидан фойдаланади.

Махсус ахборот портали автоматик режимда, нархлар сўрови механизмини амалга оширган ҳолда электрон дўконда ўхшаш товарларни (ишларни, хизматларни) таклиф этаётган барча иштирокчиларга харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш тўғрисида таклифлар юборилишини таъминлайди.

Иштирокчилар нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф

махсус ахборот портали томонидан юборилган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соат ичида ўз таклифларини беришга ҳақли.

Иштирокчиларнинг манзилига юборилаётган нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф давлат буюртмачиси томонидан танланган иштирокчининг офертасига ҳаволани ўз ичига олади.

Харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш таклифини олган иштирокчи давлат буюртмачиси томонидан танланган оферта нархидан пастроқ нарх бўйича таклиф киритишга ҳақли.

Иштирокчилар томонидан берилган нарх бўйича таклифларни таққослаш махсус ахборот портали томонидан автоматик режимда амалга оширилади.

Махсус ахборот портали давлат буюртмачиси ва энг паст нархни таклиф қилган ижрочи ўртасида тузилган битимни рўйхатдан ўтказди.

Иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлардан давлат буюртмачиси ёки иштирокчилар якунлар сарҳисоб қилингунига қадар фойдалана олмайди. Ижрочининг номи голиб аниқланган пайтда махсус ахборот порталида акс этирилади.

Махсус ахборот портали шартномани давлат буюртмачиси томонидан танланган иштирокчининг офертасида баён этилган шартларга мувофиқ ҳамда иштирокчилар томонидан таклиф этилган энг паст нархда шакллантиради.

Агар махсус ахборот порталида рўйхатдан ўтказилган иштирокчиларнинг ҳеч бири дастлабки таклифдан пастроқ нархни таклиф қилмаса, махсус ахборот портали давлат буюртмачиси ва ижрочи ўртасидаги битимни рўйхатдан ўтказди.

Агар харид қилиш тартиб-таомили якунига кўра электрон дўконда товар (иш, хизмат) мавжуд эмаслиги сабабли шартнома тузилмаган бўлса, давлат буюртмачиси мустақил равишда танланган етказиб берувчи билан шартнома тузиш орқали тўғридан-тўғри харидни амалга оширишга ҳақли. Бунда ушбу Қонуннинг 43-моддасида белгиланган давлат харидларининг суммаларга оид мезонлари амал қилади. Тўғридан-тўғри харид натижасида тузилган шартнома у тузилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай махсус ахборот порталига жойлаштирилиши лозим. Тўғридан-тўғри харид учун жавобгарлик давлат буюртмачисининг зиммасида бўлади.

### **6-боб. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион**

#### **45-модда. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион тушунчаси**

Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион (бундан буён матнда аукцион деб юритилади) давлат харидларининг рақобатли усули бўлиб, уни ташкил этишда нарх иштирокчини танлашнинг ягона мезони бўлади ва бунда мазкур норма товарларни белгиланган сифат стандартларига мувофиқ ҳолда етказиб бериш талабини бекор қилмайди.

Товарни эълонда баён этилган шартлар асосида энг паст нарх бўйича етказиб беришни таклиф қилган иштирокчи аукционнинг голиби бўлади.

#### **46-модда. Аукционни ўтказиш мезонлари**

Аукцион воситасидаги давлат хариди қўйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

товарнинг стандарт хусусиятларга эга бўлиши;

товарнинг техник, эксплуатация қилиниш хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини баҳолаш ҳамда таққослаш заруратининг мавжуд эмаслиги; хизматларнинг, ишларнинг давлат хариди объекти бўлмаслиги;

товарнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан кам бўлиши. Бюджет буюртмачилари учун аукциондаги давлат харидлари бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак.

#### **47-модда. Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон**

Аукцион фақат электрон шаклда ўтказилади.

Аукционда иштирок этиш учун давлат буюртмачиси махсус ахборот порталига эълон жойлаштиради.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон аукцион амалга оширилишидан камида ўн кун аввал жойлаштирилиши керак.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

давлат буюртмачисининг номи ва манзили;

аукционнинг биринчи ва охири куни (аукцион ўтказиладиган давр);

аукцион предметининг бошланғич нархи;

аукцион предметининг хусусиятлари (аукцион предметининг таснифи);

аукцион предметини лотлар бўйича бўлиб чиқиш ва ҳар бир лотнинг ҳажми;

товарларни етказиб бериш муддатлари ва шартлари;

товарлар етказиб бериладиган жой (манзил);

лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг мавжудлиги ҳақида талаб (зарур бўлганда);

товарнинг ўзига хос хусусий параметрларини ифодаловчи алоҳида шартлар.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълоннинг ва давлат буюртмачиси буюртманомасининг матнига аукцион предметига тааллуқли бўлмаган ва иштирокчилар ўртасида рақобатни чеклайдиган талабларни киритиш тақиқланади.

Махсус ахборот порталига жойлаштирилган аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон автоматик равишда буюртмачининг буюртманомаси этиб ўзгартирилади.

#### **48-модда. Аукционни ўтказиш тартиби**

Аукцион махсус ахборот порталида бошланғич нархни кадам-бакадам пасайтириш йўли билан ўтказилади.

Аукционни ўтказиш, киритилган таъминот суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича аукциондан фойдаланиш, аукцион ғолибларини аниқлаш, битимни рўйхатдан ўтказиш ва шартномани шакллантириш махсус ахборот портали томонидан автоматик режимда амалга оширилади.

Аукционни ўтказиш чоғида иштирокчилар аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон чоп этилган кундан эътиборан ва у тамом бўладиган пайтга қадар бутун муддат ичида нарх бўйича таклифларни чекланмаган миқдорда беришга ҳақли.

Иштирокчиларнинг номи ва улар билан боғланишга доир маълумотлар аукцион ғолиби аниқланмагунига қадар махсус ахборот порталида акс эттирилмайди.

Аукцион чоғида махсус ахборот портали иштирокчилар томонидан берилган таклифлар орасидан энг паст нарх кўрсатилган таклифни автоматик равишда танлаб олади, бу нарх махсус ахборот порталида акс этирилади ва аукционнинг барча иштирокчилари — давлат буюртмачилари ва ижрочилар учун очиқ бўлади.

Аукцион тугайдиган вақт келганда махсус ахборот портали аукцион ўтказилган вақт давомида берилган таклифлар орасида энг паст нархни таклиф қилган таклифни автоматик равишда аниқлаб олади. Энг паст нарх кўрсатилган таклифни берган иштирокчи аукцион ғолиби сифатида махсус ахборот портали томонидан саралаб олинади. Ижрочининг номи махсус ахборот порталида акс эттирилиб, ушбу тизим тузилган битимни автоматик равишда қайд этади ва давлат буюртмачисининг буюртманомасида баён этилган шартларга мувофиқ шартномани шакллантиради.

Агар аукционда бир нафар иштирокчи иштирок этган бўлса ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса, аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланади ва ғолиб аниқланмайди, давлат буюртмачиси аукционни беш кунга узайтиради. Аукционни узайтириш аввалги аукцион тамом бўлган пайтдан эътиборан уч кун ичида давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади. Бундай ҳолда, агар харид қилиш тартиб-таомили яқунларига кўра аукцион ўтказилмаган деб топилган бўлса, давлат буюртмачиси аукционни узайтирмай, ушбу Қонуннинг 52 — 57-моддаларида назарда тутилган тартиб-таомил бўйича танловни қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда ўтказишга ҳақли:

ушбу Қонуннинг 46-моддасида белгиланган давлат харидларининг суммаларига оид мезонлар амал қилади;

танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон иштирокчиларнинг таклифлари қабул қилинадиган муддатнинг тамом бўлиш санасидан камида ўн кун олдин давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига жойлаштирилади;

давлат харидини амалга ошириш учун камида беш кишидан иборат таркибда харид комиссияси тузилади.

## **7-боб. Танлов**

### **49-модда. Танлов тушунчаси**

Танлов деганда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни так-

лиф қилган иштирокчи голиб деб топиладиган харид қилиш тартиб-таомилини амалга оширишнинг тури тушунилади.

Давлат хариди тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ва танлов ҳужжатларини жойлаштириш орқали чекланмаган доирадаги шахсларга маълум қилинади.

### **50-модда. Танлов ўтказиш мезонлари**

Танлов воситасидаги давлат хариди қўйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил ва аниқ таърифини таърифлаш имконияти мавжуд;

голибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади;

товар қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан йигирма беш минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этади;

хизматларнинг, ишларнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан йигирма беш минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этади.

Бюджет буюртмачилари учун танловдаги давлат харидлари:

товарнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этиши керак;

ишларнинг, хизматларнинг қиймати энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этиши керак.

Агар инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари билан давлат буюртмачиларига тендерни ўтказмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш ҳуқуқи берилган тақдирда, харид қилиш тартиб-таомили давлат харидининг суммасидан қатъи назар танлов ўтказиш орқали амалга оширилади.

### **51-модда. Танлов ўтказишда харид комиссияси**

Давлат харидини танлов ўтказиш орқали амалга ошириш учун камида беш нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссияси тузилади.

Шартномани бажариш бўйича энг яхши шартлар танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш бўйича эълон қилинган мезонлар асосида харид комиссияси томонидан аниқланади.

### **52-модда. Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон**

Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон танлов иштирокчиларининг таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан камида ўттиз кун аввал давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига жойлаштирилади.

Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қўйидаги ахборот бўлиши керак:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва нархи;  
танлов ўтказиладиган жой манзили;  
танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;  
давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан алоқада бўлиш учун боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсининг ёки бошқа ходимларининг номи, лавозими ва манзили;  
танлов ҳужжатлари қоидаларини изоҳлаш учун сўров бериш шакли;  
таклифларни бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;  
танлов таклифларини расмийлаштиришга доир талаблар.  
Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ахборот ҳам бўлиши мумкин.

### **53-модда. Танлов ҳужжатлари**

Танлов ҳужжатлари давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон билан бир вақтда жойлаштирилади.

Танлов ҳужжатларида қуйидагилар бўлиши керак:

танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;  
шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби ҳақидаги ахборот;

танловда иштирок этиш учун таклиф қайси тилда тайёрланиши кераклиги бўйича талаб;

танлов иштирокчиларига танлов ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;

агар товарнинг (ишнинг, хизматнинг) муқобил вариантларига йўл қўйилса, лотни алмаштириш бўйича муқобил таклифларни баҳолаш тартибининг тавсифи;

техник топшириқ;

ушбу Қонунга мувофиқ иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби.

Танлов ҳужжатларида давлат буюртмачиси ҳар бир товар (иш, хизмат) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин. Бундай ҳолда давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилининг турли объектлари товарларини (ишларини, хизматларини) етказиб бериш учун танловнинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир объект учун фақат битта қолиб аниқланиши мумкин. Ҳар бир товар (иш, хизмат) учун қолиб харид қилиш тартиб-таомили шартларига кўра алоҳида-алоҳида аниқланади.

Танлов ҳужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади.

Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни,

хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Танлов ҳужжатларида давлат буюртмачиси танлов иштирокчиларининг таклифларида барча товарлар (ишлар, хизматлар) (лотлар) бўйича таклиф бўлиши кераклигини белгилаб қўйиши мумкин. Бундай ҳолда фақат битта ижрочи танлов ғолиби бўлиши мумкин, агар таклифда танловнинг барча лотлари бўйича ахборот бўлмаса, таклиф тегишли эмас деб топилади.

Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қиймати энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан ошган ҳолларда танлов бўйича техник топшириқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази билан келишиб олиниши лозим.

#### **54-модда. Танлов иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби**

Махсус ахборот порталида эълон қилинган танлов иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартибда танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади.

Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

Танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танловга таклифларни қабул қилиш махсус ахборот порталида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

Агар таклифлар бериш муддати тугаган пайтда харид комиссияси томонидан танлов иштирокчиларидан танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлов ўтказилган деб топилади.

Танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда танлов ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолатда давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилини айна ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айна ўша мезонларга ва талабларга

мувофиқ такроран амалга ошириши шарт. Товарга (ишга, хизматга) нисбатан баҳолаш шартлари, мезонлари ва талабларни ўзгартириш зарурати пайдо бўлганда харид комиссияси асосларни келтирган ҳолда тегишли қарорни қабул қилади.

Танлов иштирокчиси бундай таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

### **55-модда. Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш**

Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

Агар таклиф ушбу Қонуннинг ва танлов ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

Агар таклифни киритган танлов иштирокчиси ушбу Қонунда белгиланган талабларга мос келмаса ёхуд танлов иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танловда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

Танлов ғолибини танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида аниқлаш учун харид комиссияси рад этилмаган таклифларни баҳолашни амалга оширади.

Эълонда танловни ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда харид комиссияси танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очади. Танлов иштирокчисининг ваколатли вакили конвертларни очиш тартиб-таомили чоғида ҳозир бўлишга ҳақли.

Танлов ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.

Агар танлов ҳужжатларида танловнинг ҳар бир товари (иши, хизмати) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилиши назарда тутилган бўлса, харид комиссияси ғолибни танловнинг ҳар бир предмети бўйича аниқлайди.

Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қайд этилади.

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қуйидаги ахборот бўлиши керак:

танлов таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт тўғрисидаги;

ҳозир бўлган харид комиссияси аъзоларининг ва танлов иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби ҳақидаги;

таклифлари кўриб чиқилган танлов иштирокчилари тўғрисидаги;  
таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад  
этилган танлов иштирокчилари ҳақидаги;

танлов ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги;

танлов ғолибининг номи (юримдик шахслар учун), фамилияси, исми,  
отасининг исми (жисмоний шахслар учун), турган жойи (почта манзили).

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссияси-  
нинг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у  
имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида  
эълон қилинади.

Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳо-  
лаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов  
натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юбо-  
ришга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан  
эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтириш-  
ларни тақдим этиши шарт.

Давлат буюртмачиси берилган таклифларни қабул қилиш тугайдиган  
пайтга қадар уларни муҳокама қилишга ҳақли эмас.

#### **56-модда. Тендер ўрнида танлов ўтказиш хусусиятлари**

Ушбу Қонун 50-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар-  
да танлов қўйидаги хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади:

танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон иштирокчилардан таклифлар  
қабул қилинадиган муддат тугайдиган санадан камида ўн кун олдин давлат  
буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига жойлаштирилади;

давлат харидини амалга ошириш учун ушбу Қонуннинг 60-моддасида  
назарда тутилган тартибда харид комиссияси тузилади.

#### **57-модда. Танлов натижалари бўйича шартнома тузиш**

Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи  
билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган так-  
лифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

### **8-боб. Тендер**

#### **58-модда. Тендер тушунчаси**

Тендер деганда давлат харидини икки босқичда амалга оширишнинг  
рақобатли тартиб-таомили орқали ижрочини аниқлаш усули тушунилади.  
Бунда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган  
тендер иштирокчиси ушбу тартиб-таомил натижалари бўйича ғолиб деб  
топилади.

Давлат хариди ҳақидаги ахборотни давлат буюртмачиси тендер ўткази-  
лиши тўғрисидаги эълонни ва тендер ҳужжатларини махсус ахборот порта-  
лига жойлаштириш орқали шахсларнинг чекланмаган доирасига маълум  
қилади.

Шартномани бажаришнинг энг яхши шартлари тендер иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш бўйича эълон қилинган мезонлар асосида харид комиссияси томонидан аниқланади.

### **59-модда. Тендер ўтказиш мезонлари**

Тендер воситасидаги давлат хариди қўйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

голибни аниқлаш мезонлари товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) нафақат пул билан баҳоланишини, балки миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳоланишини ҳам ўз ичига олади;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг йигирма беш минг бараваридан ортиқ миқдорни ташкил этади.

Бюджет буюртмачилари учун тендердаги давлат харидлари бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг олти минг бараваридан ортиқ суммани ташкил этиши керак.

### **60-модда. Тендерни ўтказишда харид комиссияси**

Шартномани бажаришнинг энг яхши шартлари тендер иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш бўйича эълон қилинган мезонлар асосида харид комиссияси томонидан аниқланади.

Давлат харидини тендер ўтказиш орқали амалга ошириш учун камида етти нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссияси тузилади, комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» республика лойиҳалаштириш институтининг вакиллари киритилиши шарт.

### **61-модда. Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон**

Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон тендер иштирокчиларидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида ўттиз кун олдин ва кўпи билан қирқ беш кун олдин махсус ахборот порталига давлат буюртмачиси томонидан жойлаштирилади.

Тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қўйидаги ахборот бўлиши керак: товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва нархи;

тендер ўтказиладиган жой манзили;

тендер иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;

давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан алоқада бўлиш учун боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсининг ёки бошқа ходимларининг номи, лавозими ва манзили;

тендер ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш учун сўров бериш шакли;

таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

тендер таклифларини расмийлаштиришга доир талаблар.

Тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ахборот ҳам бўлиши мумкин.

**62-модда. Тендер ҳужжатлари**

Тендер ҳужжатлари махсус ахборот порталига тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон билан бир вақтда давлат буюртмачиси томонидан жойлаштирилади.

Тендер ҳужжатларида қуйидагилар бўлиши керак:

тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот; шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби ҳақидаги ахборот;

тендерда иштирок этиш учун таклиф қайси тилда тақдим этилиши кераклиги бўйича талаб;

тендер иштирокчиси таклифининг техник ва нархга оид қисми, уларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги ахборот;

тендер иштирокчиларига тендер ҳужжатлари қодаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;

техник топшириқ;

ушбу Қонунга мувофиқ тендер иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби.

Тендер ҳужжатларида давлат буюртмачиси ҳар бир товар (иш, хизмат) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин. Бундай ҳолда давлат буюртмачиси турли товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун тендернинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир товар (иш, хизмат) учун фақат битта ғолиб аниқланиши мумкин. Ҳар бир товар (иш, хизмат) учун ғолиб харид қилиш тартиб-таомили шартларига кўра алоҳида-алоҳида аниқланади.

Тендер ҳужжатларига унинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади.

Давлат буюртмачиси тендерда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин тендер ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу тендерда таклифлар бериш тугайдиган муддат тендер ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

Тендер иштирокчиси тендер ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда давлат буюртмачисига тендер ҳужжатлари қодаларига доир тушунтиришлар бериш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, тендер ҳужжатлари қодаларига доир тушунтиришларни белгиланган шаклда юбориши шарт. Тендер

хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Тендер хужжатларида давлат буюртмачиси тендер иштирокчиларининг таклифларида харид қилиш тартиб-таомилларининг барча объектлари бўйича таклиф бўлиши кераклигини назарда тутиши мумкин. Бундай ҳолда фақат битта ижрочи тендер қолиби бўлиши мумкин, агар таклифда тендернинг барча товарлари (ишлари, хизматлари) бўйича ахборот бўлмаса, таклиф тегишли эмас деб топилади.

Тендер хужжатларининг экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази томонидан амалга оширилади.

### **63-модда. Тендер иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби**

Махсус ахборот порталида эълон қилинган тендер иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартибда, тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади.

Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

Тендер иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Тендер иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Тендерга таклифларни қабул қилиш махсус ахборот порталида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

Агар таклифлар бериш муддати тугаган вақтда харид комиссияси тендер иштирокчиларидан тендер хужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олган бўлса, тендер ўтказилган деб топилади.

Тендерда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда тендер ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолатда давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилини айни ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айни ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт. Товарга (ишга, хизматга) нисбатан баҳолаш шартлари, мезонлари ва талабларни ўзгартириш зарурати пайдо бўлганда харид комиссияси асосларни келтирган ҳолда тегишли қарорни қабул қилади.

Тендер иштирокчиси бундай таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

### **64-модда. Тендер иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш**

Тендер иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш

муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан олтмиш кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

Агар таклиф ушбу Қонуннинг ва тендер ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

Агар таклифни киритган тендер иштирокчиси ушбу Қонунда белгиланган талабларга мос келмаса ёки тендер иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

Тендер иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида тендерда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида тендер ғолибини аниқлаш учун харид комиссияси рад этилмаган таклифларни баҳолашни амалга оширади.

Эълонда тендерни ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда харид комиссияси тендер иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун навбатма-навбат очади.

Биринчи босқичда тендер иштирокчиси таклифининг техник қисми баҳоланади. Харид комиссиясининг тендер таклифининг техник қисмини баҳолаш бўйича қарори баённома билан расмийлаштирилади, баённомада тендернинг биринчи босқичи ғолиблари аниқланади. Тендер иштирокчисининг ваколатли вакили таклифлар солинган конвертларни очиш тартиб-таомилида ҳозир бўлишга ҳақли.

Тендернинг биринчи босқичи ғолиблари тендернинг иккинчи босқичига қўйилади.

Тендернинг иккинчи босқичида таклифнинг нархга оид қисми очилади ва баҳоланади. Харид комиссиясининг тендер таклифининг нархга оид қисмини баҳолаш бўйича қарори баённома билан расмийлаштирилади, баённомада тендернинг иккинчи босқичи ғолиби аниқланади. Тендер иштирокчисининг ваколатли вакили таклифлар солинган конвертларни очиш тартиб-таомилида иштирок этишга ҳақли.

Агар таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф тендер ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса, тендер ўтказилмаган деб топилади.

Тендер ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган тендер иштирокчиси ғолиб деб топилади.

Агар тендер ҳужжатларида тендернинг ҳар бир товари (иши, хизмати) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилиши назарда тутилган бўлса, харид комиссияси ғолибни тендернинг ҳар бир предмети бўйича аниқлайди.

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш баённомасида қайд этилади.

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қуйидаги ахборот бўлиши керак:

тендер таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт тўғрисидаги;

хозир бўлган харид комиссияси аъзоларининг ва тендер иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби ҳақидаги;

таклифлари кўриб чиқилган тендер иштирокчилари тўғрисидаги;

таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган тендер иштирокчилари ҳақидаги;

тендер волиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги;

тендер волибининг номи (юримдик шахс учун), фамилияси, исми, отасининг исми (жисмоний шахс учун), турган жойи (почта манзили).

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

Тендернинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига тендер натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида тендер иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

Давлат буюртмачиси берилган таклифларни қабул қилиш тугайдиган пайтга қадар уларни муҳокама қилишга ҳақли эмас.

### **65-модда. Тендер натижалари бўйича шартнома тузиш**

Тендер натижалари бўйича шартнома тендер ҳужжатларида ва шартнома тузилаётган тендер иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

### **9-боб. Ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари**

#### **66-модда. Ягона етказиб берувчи тушунчаси**

Табийй монополия субъекти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида фармонларида, қарорларида ва фармойишларида ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган субъектлар, шунингдек давлат томонидан харид қилинаётган, бозорда муқобиллари мавжуд бўлмаган ноёб товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи ягона етказиб берувчидир.

#### **67-модда. Ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат хариди**

Ягона етказиб берувчидан товар (иш, хизмат) олиш зарур бўлган тақдирда, у ва давлат буюртмачиси ўртасида махсус ахборот порталида рўйхатга олинмиши лозим бўлган тўғридан-тўғри шартнома тузилади.

Ягона етказиб берувчи билан давлат харидлари қуйидаги алоҳида ҳолларда амалга оширилади:

бозорда муқобиллари бўлмаган ва фақат ягона етказиб берувчидан харид қилиш мумкин бўлган техник жиҳатдан мураккаб товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;

маданий қимматликларни олиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосидаги давлат харидлари;

табiiй монополия субъекти товарларининг (ишларининг, хизматларининг) давлат хариди;

ўз ваколатларига мувофиқ фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ёки уларнинг тасарруфидаги давлат муассасалари ва ташкилотлари томонидан бажарилиши мумкин бўлган ишларга ёки кўрсатилиши мумкин бўлган хизматларга эҳтиёж пайдо бўлиши;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган тарифлар бўйича давлат хариди.

Ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда ягона етказиб берувчи билан давлат харидларини амалга оширишнинг бошқа ҳоллари ҳам белгиланиши мумкин.

#### **68-модда. Ягона етказиб берувчилар реестри**

Ягона етказиб берувчилар реестри ваколатли орган билан келишилган ҳолда махсус ахборот портали оператори томонидан юритиладиган ахборот ресурсидир.

Ягона етказиб берувчилар реестри ягона етказиб берувчи билан давлат харидини амалга ошириш учун рухсат этилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатидан ва ягона етказиб берувчилар рўйхатидан иборат бўлади.

#### **10-боб. Харид қилиш тартиб-таомилларини мониторинг ва назорат қилиш**

#### **69-модда. Давлат харидлари соҳасидаги мониторинг ва назорат**

Давлат харидлари соҳасидаги мониторинг давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, давлат харидларининг ушбу Қонунда белгиланган мақсадлари, принциплари ва чекловлари амалга оширилишини давлат харидларининг ўтказилиши ҳақидаги ахборотни тўплаш, умумлаштириш, тизимлаштириш ва баҳолаш воситасида доимий асосда амалга ошириладиган кузатиш тизимидан иборат бўлади.

Давлат харидлари соҳасидаги назорат мазкур соҳада қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидан иборат бўлади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистик ва бошқа ахборотни таққослаш ва таҳлил қилиш орқали амалга ошириладиган текширув-

лар давлат органларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан назорат қилишнинг асосий шаклидир.

Давлат харидлари соҳасидаги мониторинг ва назорат тегишли ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш чоғида қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган текширувлар ўтказилишига ва ҳисобот бериш шаклларини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

### **70-модда. Харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назорати**

Ушбу Қонуннинг ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўғри қўлланилиши устидан давлат назоратини куйидагилар ўз ваколатлари доирасида амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

Ушбу Қонуннинг ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўғри қўлланилиши устидан давлат назоратини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатли давлат органлари ҳам ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

### **71-модда. Харид қилиш тартиб-таомиллари устидан жамоатчилик назорати**

Харид қилиш тартиб-таомиллари устидан жамоатчилик назорати, давлат харидларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш, давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишларининг олдини олиш ва уларни аниқлаш ҳамда давлат буюртмачиларини, ваколатли давлат органларини аниқланган қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш мақсадида амалга оширилади.

Харид қилиш тартиб-таомиллари устидан жамоатчилик назорати очиқлик ва шаффофлик принципларини рўйга чиқариш воситасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли.

Жамоатчилик назоратини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари:

давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлашга;

харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш ва шартномаларни

бажаришнинг бориши тўғрисида ахборот тақдим этиш ҳақидаги сўровларни давлат буюртмачиларига юборишга;

харид қилиш тартиб-таомиллари юзасидан мустақил мониторингни ва давлат харидлари самарадорлигини баҳолашни, шу жумладан уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлигини баҳолашни амалга оширишга;

текширув тадбирларини ўтказиш ташаббуси билан давлат органларига мурожаат қилишга;

давлат буюртмачиси, ваколатли орган, харид комиссиялари ва уларнинг аъзолари ҳаракатларида (ҳаракатсизлигида) қоидабузарликлар аниқланган ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга;

қонун ҳужжатларига мувофиқ судга мурожаат қилишга ҳақли.

Жамоатчилик назоратини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **72-модда. Лойиҳага доир фаолият бўйича давлат харидларининг самарадорлиги ва натижадорлиги таҳлили**

Лойиҳага доир фаолият бўйича амалга оширилган давлат харидлари самарадорлиги ва натижадорлиги таҳлили ваколатли орган томонидан ўтказилади.

Ўтказилган таҳлил натижалари билан давлат буюртмачисининг раҳбари ёки лойиҳани бошқариш бўйича давлат буюртмачиси томонидан тайинланган вакил имзо қўйган ҳолда танишиб чиқади.

Давлат харидлари самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан лойиҳадан кейинги мониторинг лойиҳа бўйича давлат хариди тугалланганидан кейин уч йил ичида ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

#### **11-боб. Шикоятларни кўриб чиқиш**

#### **73-модда. Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия**

Махсус ахборот портали оператори томонидан шикоятларни адолатли, тезкор ва самарали кўриб чиқиш мақсадида доимий равишда фаолият кўрсатадиган Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия тузилиб, унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколатли орган билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Ҳар бир иштирокчи, шунингдек назоратни амалга ошираётган шахслар давлат буюртмачисининг, ваколатли органнинг, харид комиссиясининг, унинг аъзоларининг, махсус ахборот портали операторининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан, агар бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) иштирокчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган бўлса, суд тартибида ёки ушбу бобда белгиланган тартибда Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

**74-модда. Шикоятларни бериш ва кўриб чиқиш тартиби**

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия шикоятни қабул қилиб олганда шикоят келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида у ҳақда давлат буюртмачисини хабардор қилади ҳамда харид қилиш тартиб-таомилини ўн кунгача бўлган умумий муддатга тўхтатиб туради.

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия шикоятни давлат буюртмачиси ва иштирокчининг иштирокида кўриб чиқади. Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия шикоят олинганидан кейин етти иш куни ичида қарор чиқариши ва ахборотни махсус ахборот порталига жойлаштириши керак.

Қабул қилинган қарорда ошкор этилиши иштирокчининг (ижрочининг) тижорат манфаати бузилишига олиб келадиган ёки инсофли рақобатга хавф соладиган ахборот бўлмаслиги керак, бундан Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия ушбу ахборотни эълон қилиш тўғрисида қарор чиқарган ҳоллар мустасно.

Иштирокчининг шикояти асосли деб топилган тақдирда, Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қуйидаги чораларни кўради:

давлат буюртмачисининг қонунга хилоф ҳаракатларига, қарорларига ёки у томонидан қонунга хилоф тартиб-таомиллар бажарилишига доир тақик белгилайди;

давлат буюртмачисининг қонунга хилоф қарорларини, шу жумладан давлат харидлари тўғрисидаги ҳужжатлар шартларини бузадиган қарорларини қисман ёки тўлиқ бекор қилади;

харид қилиш тартиб-таомилларини тугатиш ҳақида қарор чиқаради; ижрочини Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритади.

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия шартнома тузилганидан кейин шартноманинг давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текшириш учун шикоятларни кўриб чиқиши мумкин. Бундай ҳолда Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия унинг ижро этилишини етти иш кунгача бўлган муддатга тўхтатиб туради.

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг қарорлари давлат харидларининг барча субъектлари томонидан ижро этилиши шарт.

Ижрочи Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг қарори устидан суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

**12-боб. Якунловчи қоидалар****75-модда. Низоларни ҳал этиш**

Давлат харидлари соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**76-модда. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**77-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**78-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**79-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 9 апрель,  
ЎРҚ-472-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**303 «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2018 йил 6 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги 176–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5-6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 7-8, 202-модда; 2003 йил, № 9-10, 140, 149-моддалар; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 250-модда; 2008 йил, № 4, 193-модда; 2012 йил, № 9/1, 241-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 12, 769-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 11 апрель,  
ЎРҚ–473-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 12 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҚОНУНИ

**Давлат мукофотлари тўғрисида**  
(янги таҳрири)

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат мукофотларини таъсис этиш, улар билан тақдирлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Давлат мукофотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Давлат мукофотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида давлат мукофотларини таъсис этиш, улар билан тақдирлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

**3-модда. Давлат мукофотлари**

Давлат мукофотлари фуқароларни уларнинг мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, тинчлик ва барқарорликни сақлашга, мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, социал, илмий, интеллектуал, маънавий салоҳиятини ҳамда мудофаа қудратини оширишга қўшган ҳиссаси, давлат ва халқ олдидаги фаолиятнинг ижтимоий, хайрия, гуманитар соҳаларидаги ҳамда бошқа соҳалардаги хизматлари учун рағбатлантиришнинг олий шаклидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тақдирланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет давлатларнинг мукофотлари билан тақдирланиши мумкин.

Давлат мукофотлари билан айрим ҳолларда фуқаролар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳарбий бўлинмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижодий жамоалари ҳамда бошқа юридик шахслари, шунингдек чет эл юридик шахслари мукофотланиши мумкин.

**4-модда. Давлат мукофотларини таъсис этиш**

Давлат мукофотлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан таъсис этилади.

Давлат мукофотлари тўғрисидаги низомлар ва давлат мукофотларининг тавсифлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг расмий номлари давлат тилида белгиланади.

## **2-боб. Давлат мукофотлари тизими**

### **5-модда. Давлат мукофотларининг турлари**

Давлат мукофотлари қуйидагилардан иборат:

- «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони;
- Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари;
- Ўзбекистон Республикасининг орденлари;
- Ўзбекистон Республикасининг медаллари;
- Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи.

### **6-модда. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони**

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони олий даражадаги мукофотдир ва у бир марта берилади.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахсларга олий мукофот белгиси — «Олтин Юлдуз» медали ва унга доир гувоҳнома топширилади.

### **7-модда. Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари**

Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари қуйидагилардан иборат:

- «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»;
- «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»;
- «Ўзбекистон ифтихори»;
- «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»;
- «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»;
- «Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси»;
- «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»;
- «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»;
- «Ўзбекистон Республикаси халқ шоири»;
- «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»;
- «Ўзбекистон Республикаси халқ хофизи»;
- «Ўзбекистон Республикасида коммунал, маиший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим»;
- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»;
- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»;
- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»;
- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»;
- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»;
- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»;
- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи»;
- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор»;  
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор»;  
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи»;  
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»;  
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»;  
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»;  
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»;  
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»;  
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»;  
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»;  
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»;  
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»;  
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи».

Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилган шахсларга белгиланган намунадаги кўкрак нишони ва унга доир гувоҳнома топширилади.

### **8-модда. Ўзбекистон Республикасининг орденлари**

Ўзбекистон Республикасининг орденлари қуйидагилардан иборат:

«Мустақиллик» ордени;  
«Амир Темур» ордени;  
«Жалолиддин Мангуберди» ордени;  
«Буюк хизматлари учун» ордени;  
«Эл-юрт ҳурмати» ордени;  
«Фидокорона хизматлари учун» ордени;  
«Меҳнат шуҳрати» ордени;  
I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени;  
I ва II даражали «Шон-шараф» ордени;  
«Дўстлик» ордени;  
«Мардлик» ордени.

### **9-модда. Ўзбекистон Республикасининг медаллари**

Ўзбекистон Республикасининг медаллари қуйидагилардан иборат:

«Жасорат» медали;  
«Содиқ хизматлари учун» медали;  
«Келажак бунёдкори» медали;  
«Шуҳрат» медали.

### **10-модда. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи**

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи белгиланган намунадаги Фахрий ёрлиқнинг жилдга солинган бланкаси тарзида бўлади.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссия**

Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида доимий ишлайдиган маслаҳат ва кенгаш органи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва фахрий унвонларини бериш масалаларини ҳал этиш бўйича конституциявий ваколатлари амалга оширилишини, шунингдек геральдика соҳасида ягона давлат сиёсати юртилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг таркиби, ваколатлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

**3-боб. Давлат мукофотларига тақдим этиш, улар билан тақдирлаш ва уларни топшириш****12-модда. Давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир тақдимнома**

Давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир тақдимнома Ўзбекистон Республикаси Президентига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Конституциявий суди, Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Марказий банки, Давлат хавфсизлик хизмати, Ҳисоб палатаси, Марказий сайлов комиссияси раислари, Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, бошқа республика муассасаларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари республика органларининг раҳбарлари томонидан киритилади. Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, шунингдек чет эл юридик шахсларини тақдирлашга доир тақдимнома Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда киритилади.

Давлат мукофотларига тақдим этиш ташаббуси билан чиқиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, тақдимномага илова қилинадиган ҳужжатларнинг рўйхати, шунингдек давлат мукофотларига доир гувоҳномаларнинг намуналари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат мукофотлари билан тақдирлаш ташаббуси билан мустақил равишда чиқишга ҳақлидир.

**13-модда. Давлат мукофотлари билан тақдирлаш тартиби**

Давлат мукофотлари билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини давлат мукофотлари билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ташаббуси билан амалга оширилади.

Давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг айни бир ордени, медали ва Фахрий ёрлиги билан такроран тақдирлаш, шунингдек такроран фахрий унвон бериш амалга оширилмайди, бундан даражаларга эга бўлган давлат мукофотлари мустасно.

Даражаларга эга бўлган давлат мукофотлари билан тақдирлаш кетма-кетликда — қуйи даражадан юқори даражагача амалга оширилади.

Фуқароларни навбатдаги давлат мукофотига тақдим этиш, қоида тариқасида, аввалги тақдирланган пайтидан эътиборан камида уч йил ўтгач амалга оширилади. Алоҳида ҳолларда, фуқаролар навбатдаги мукофотга аввалги тақдирланган вақтидан қатъи назар тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш шахснинг вафотидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин.

#### **14-модда. Давлат мукофотларини топшириш**

Давлат мукофотларини топшириш тантанали вазиятда амалга оширилади.

Давлат мукофотларини топшириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Раиси, Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Конституциявий суди, Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Марказий банки, Давлат хавфсизлик хизмати, Ҳисоб палатаси, Марказий сайлов комиссияси раислари, Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, бошқа республика муассасаларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси дипломатик корпусининг вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти шунга ваколат берган бошқа шахслар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президентига давлат мукофотларини топшириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ва Қонунчилик палатасининг Спикери томонидан амалга оширилади.

Давлат мукофотлари билан тақдирланган шахсларга бир вақтнинг ўзида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

Шахс вафот этгандан кейин мукофотланган тақдирда давлат мукофоти мукофотланган шахснинг яқин қариндошларидан бирига уни тақиб юриш ҳуқуқи берилмаган ҳолда топширилади.

Давлат мукофотлари вафот этган мукофотланган шахснинг ёки вафотидан кейин мукофотланган шахснинг яқин қариндошларидан бирининг розилиги билан давлат музейларига топширилиши мумкин.

Агар мукофотланган шахснинг яқин қариндошлари бўлмаса, унинг вафотидан кейин давлат мукофоти ва унга доир гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг Раиси томонидан берилган ҳолда амалга оширилади.

публикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссияга топширилади.

#### **4-боб. Давлат мукофотларидан фойдаланиш**

##### **15-модда. Давлат мукофотларини тақиб юриш**

Давлат мукофотлари билан тақдирланган шахслар умуммиллий байрамлар ва тантанали тадбирлар вақтида олий мукофот белгиси — «Олтин Юлдуз» медалини, Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларига доир кўкрак нишонларини, орденларини ва медалларини кўкрагининг чап томонига тақиб юради, қадагичсиз орденлар бундан мустасно. Тақдирланган шахслар давлат мукофотларини бошқа ҳолларда ҳам тақиб юриши мумкин.

Олий мукофот белгиси — «Олтин Юлдуз» медали Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларига доир кўкрак нишонларидан, орденларидан ва медалларидан юқорига тақилади.

Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларига доир кўкрак нишонлари ушбу Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган кетма-кетликда Ўзбекистон Республикаси орденлари ва медалларидан олдин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси орденлари ушбу Қонуннинг 8-моддасида кўрсатилган кетма-кетликда Ўзбекистон Республикаси медалларидан олдин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси медаллари ушбу Қонуннинг 9-моддасида кўрсатилган кетма-кетликда тақилади.

Кўкракнинг ўнг томонида Ўзбекистон Республикасининг қадагичсиз орденлари қуйидаги кетма-кетликда тақилади:

«Мустақиллик» ордени;

«Амир Темура» ордени;

«Жалолитдин Мангуберди» ордени.

«Буюк хизматлари учун» ордени бўйинга осиладиган муҳайяр лентада белгиланган тартибда тақилади.

Шахсда чет давлатларнинг мукофотлари бўлса, улар Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларидан кейин жойлаштирилади.

Тақдирланган шахслар кундалик тақиб юриш учун давлат мукофотлари ўрнига планкалардаги ленталарни тақиб юриши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг орденлари ва медаллари ўрнига ленталар тақиб юриш учун планкалар бир оз бўртиб чиққан, орден ва медаллар қадагичларининг рангига мос келадиган ленталар билан қопланган тўғри бурчакли металл пластинкалардан иборат бўлади. Ҳар бир планканинг бўйи 12 мм, эни 24 мм.

Планкалардаги ленталарни тақиб юриш қоидалари олий мукофот белгиси — «Олтин Юлдуз» медалига, «Мустақиллик», «Амир Темура», «Жалолитдин Мангуберди» орденларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларига доир кўкрак нишонларига нисбатан қўлланилмайди.

Алоҳида ҳоллар ва кундалик тақиб юриш учун орденларнинг белгилан-

ган тартибда тайёрланган фракбоп кичкина кўчирма нусхалари назарда тутилади.

Орденларнинг фракбоп кичкина кўчирма нусхаларини тақиш чоғида давлат мукофотларини тақиб юришнинг ушбу Қонунда назарда тутилган умумий қоидаларига риоя этилади.

Тақдирланган шахсларга алоҳида ҳолларда давлат мукофотлари елкага ёки бўйинга осиладиган лентада топширилади.

#### **16-модда. Давлат мукофотларининг тасвирларидан фойдаланиш**

Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан тақдирланган Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳарбий бўлинмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижодий жамоалари ҳамда бошқа юридик шахслари, шунингдек чет эл юридик шахслари давлат мукофотларининг қабарикли тасвирини биноларда жойлаштириши, давлат мукофотларининг тасвирини ўз даврий босма нашрларида акс эттириши мумкин.

#### **17-модда. Давлат мукофотларини сақлаш тартиби**

Тақдирланган шахслар давлат мукофотларини ва уларга доир гувоҳномаларни эҳтиёткорлик билан сақлаши, уларнинг бут сақланишини таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан тақдирланган Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳарбий бўлинмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижодий жамоалари ҳамда бошқа юридик шахслари, шунингдек чет эл юридик шахслари давлат мукофотларининг ва уларга доир гувоҳномаларнинг бут сақланишини таъминлаши лозим.

Давлат мукофоти ва унга доир гувоҳнома йўқолган тақдирда, ушбу мукофотга бўлган ҳуқуқ сақланиб қолади.

Давлат мукофотлари ҳарбий вазиятда, табиий офат натижасида ёки давлат мукофоти йўқолишининг олдини олиш имкониятини истисно этадиган бошқа шароитларда йўқолган тақдирда, уларнинг дубликатлари берилиши мумкин. Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган давлат мукофотларининг дубликатлари берилмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссия қарорига кўра мазкур мукофотларнинг мум нусхалари берилиши мумкин.

Давлат мукофоти ва унга доир гувоҳнома бошқа шароитларда йўқолган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссия тақдирланган шахсга давлат мукофоти билан тақдирланганлик тўғрисида белгиланган тартибда маълумотнома беради.

Давлат мукофотини ва унга доир гувоҳномани йўқотган тақдирланган шахс вафот этган тақдирда, ушбу мукофот ва гувоҳноманинг дубликатлари берилмайди.

**18-модда. Давлат мукофотларини Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш**

Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларига тегишли бўлган давлат мукофотларини ҳамда уларга доир гувоҳнома-ларни олиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Вафот этган тақдирланган шахснинг доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетаётган яқин қариндошлари мазкур мукофотларга бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатганидан кейин давлат мукофотларини олиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Давлат мукофотларига бўлган ҳуқуқ тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланмаган бўлса, уларни олиб чиқиш тақиқланади.

Қимматбаҳо металлдан тайёрланган давлат мукофотларини олиб чиқиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**19-модда. Давлат мукофотлари билан тақдирланган шахсларга бериладиган имтиёзлар ва пул тўловлари**

Давлат мукофотлари билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлардан фойдаланади, пул тўловлари ёки эсдалик совғалари олади.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бирликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳарбий бўлинмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижодий жамоалари ҳамда бошқа юридик шахслари, шунингдек чет эл юридик шахслари тақдирланганда пул тўловлари ажратилмайди.

**5-боб. Яқунловчи қоидалар****20-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларини (премияларини), эсдалик ва кўкрак нишонларини, идоравий мукофотларни таъсис этиш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан давлат мукофотлари бўлмаган Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари (премиялари), давлат ва жамият тарихидаги муҳим саналарга ва воқеаларга аталган эсдалик ва кўкрак нишонлари таъсис этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан идоравий мукофотлар таъсис этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бирликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссия билан келишилган ҳолда, ўзларининг ички ҳужжатлари билан ходимларни рағбатлантиришнинг ҳар хил турларини, шу жумладан унвонларни, эсдалик ва кўкрак нишонларини, идоравий мукофотларни белгилаши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари (премиялари), эсда-

лик ва кўкрак нишонлари, идоравий мукофотлар улар тўғрисидаги низомларга мувофиқ давлат мукофотларидан кейин тақилади.

**21-модда. Давлат мукофотларидан маҳрум этиш**

Давлат мукофотлари билан тақдирланган шахслар қўйидаги ҳолларда улардан маҳрум этилиши мумкин:

шахс оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинганда — суднинг тақдимномасига биноан;

шахс ўз шаъни ва кадр-қимматини бадном этувчи хатти-ҳаракат содир этганда — тақдирлаш тўғрисида тақдимнома киритиш ҳуқуқига эга бўлган орган ёки ташкилотнинг тақдимномасига биноан.

Давлат мукофотларидан маҳрум этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади.

Давлат мукофотларидан маҳрум бўлганлик белгиланган имтиёзлар бекор қилинишига сабаб бўлади.

Давлат мукофотидан маҳрум этилган шахсга тегишли давлат мукофоти ва унга доир гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссияга қайтарилиши лозим.

Қонунга зид равишда ҳукм қилинган ва тўлиқ оқланган шахсларнинг давлат мукофотларига бўлган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тикланади.

**22-модда. Давлат мукофотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Орденни, медални, фахрий унвонга доир кўкрак нишонини қонунга зид равишда тақиб юриш, сотиб олиш, сотиш, алмашиш ёки ўзга тарзда ҳақ эвазига бериш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Ташқи кўриниши давлат мукофотларига ўхшаш бўлган эсдалик ва кўкрак нишонларини, идоравий ёки бошқа мукофотларни таъсис этиш ҳамда тайёрлаш тақиқланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйган Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари, шунингдек эгаси аниқланмаган давлат мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссияга топширилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**304 Жамоатчилик назорати тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2017 йил 15 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда  
маъқулланган

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади) фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қонун ҳужжатларида касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланиши мумкин.

Референдумларга, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, шунингдек мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, суд ишларини юритиш, жазоларни ижро этиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**3-модда. Жамоатчилик назорати субъектлари**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектларидир.

Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

**4-модда. Жамоатчилик назоратининг объекти**

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг:

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга;

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 13 апрелда эълон қилинган.

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлашга;

ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга;

давлат хизматларини кўрсатишга;

ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объектидир.

#### **5-модда. Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари**

Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: қонунийлик;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги;

жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиқлиги;

жамоатчилик назорати субъектларининг холислиги ва беғаразлиги; жамоатчилик назорати натижаларининг ишончлилиги;

жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашувига ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслиги.

#### **6-модда. Жамоатчилик назоратининг шакллари**

Жамоатчилик назоратининг шакллари қуйидагилардан иборат:

давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар;

давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;

жамоатчилик муҳокамаси;

жамоатчилик эшитуви;

жамоатчилик мониторинги;

жамоатчилик экспертизаси;

жамоатчилик фикрини ўрганиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.

Жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларида ҳам амалга оширилиши мумкин.

#### **7-модда. Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар**

Жамоатчилик назорати субъектлари давлат органларига аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилишга, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга сўровлар юборишга ҳақли.

Жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари ва сўровлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари томонидан кўриб чиқилади.

Жамоатчилик назорати субъектларининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи, агар мазкур ахборот шахсга доир маълумотлар ёхуд давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чекланиши мумкин.

**8-модда. Давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш**

Жамоатчилик назорати субъектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари ўзининг очиқ ҳайъат мажлисларида жамоатчилик назорати субъектлари иштирок этиши учун шароитлар яратади.

**9-модда. Жамоатчилик муҳокамаси**

Ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилиш жамоатчилик муҳокамасидир.

Жамоатчилик муҳокамасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамаси турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик муҳокамасининг иштирокчилари жамоатчилик муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли. Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ахборот воситалари орқали ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамасининг ташкилотчиси жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалалар, муҳокамани ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади. Бунда ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан жамоатчилик муҳокамасининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлайди.

**10-модда. Жамоатчилик эшитуви**

Давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш жамоатчилик эшитувидир.

Жамоатчилик эшитувини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик эшитуви турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик эшитуви оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик эшитувининг иштирокчилари жамоатчилик эшитувига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли.

Жамоатчилик эшитувининг ташкилотчиси жамоатчилик эшитувига киритилаётган масалалар, эшитувни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади. Бунда ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик эшитувига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан жамоатчилик эшитувининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлайди.

### **11-модда. Жамоатчилик мониторинги**

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатиш жамоатчилик мониторингидир.

Жамоатчилик мониторингини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик назоратининг бошқа субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик мониторинги оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик мониторинги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик мониторингининг ташкилотчиси жамоатчилик мониторингининг объекти, уни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади.

### **12-модда. Жамоатчилик экспертизаси**

Жамоатчилик экспертизаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборатдир.

Жамоатчилик экспертизасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси тегишли соҳада зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни жамоатчилик асосида жалб этиши ҳам мумкин.

### **13-модда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш**

Жамоатчилик фикрини ўрганиш турли ижтимоий гуруҳларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишига,

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этишдан иборатдир.

Жамоатчилик фикрини ўрганишни нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказиши мумкин.

**14-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш**

Фуқаролар йиғини:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини;

ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг, жойлардаги таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини;

тегишинча оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ахборотини;

тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларига доир ҳисоботларини эшитади.

**15-модда. Жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Жамоатчилик назорати субъектлари:

жамоатчилик назоратини амалга ошираётганда тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқишга, уларни ташкил этишга, шунингдек уларда иштирок этишга;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органларидан сўраб олишга;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра таклифлар ва тавсиялар тайёрлашга ҳамда уларни тегишли давлат органларига кўриб чиқиш учун юборишга;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборишга;

давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилишга;

жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилишга ҳақлидир.

Жамоатчилик назорати субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Жамоатчилик назорати субъектлари:

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши;

давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслиги;

фуқароларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашшига йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг махфийлигига риоя этиши шарт.

Жамоатчилик назорати субъектларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **16-модда. Давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Давлат органлари:

жамоатчилик назорати субъектларидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисида ва унинг натижалари ҳақида ахборот олишга;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра тайёрланган якуний ҳужжатларда кўрсатилган таклифлар ва тавсияларга нисбатан асослантирилган эътирозларини жамоатчилик назорати субъектларига юборишга;

ўзи амалга ошираётган фаолият устидан жамоатчилик назорати масалаларига доир ахборотни ўз расмий веб-сайтларида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида жойлаштиришга;

жамоатчилик назоратини ўтказиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли.

Давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари:

жамоатчилик назорати субъектларига жамоатчилик манфаатига дахлдор бўлган ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этиши;

ўзига жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган мурожаатлар ва сўровларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши, мурожаатларга ва сўралаётган ахборотга жавоблар тақдим этиши, бундан давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар ёхуд топширилиши жамоат тартибига ва фуқароларнинг ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган маълумотлар мустасно;

жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган таклифлар ва тавсияларни, шунингдек якуний ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқиши шарт.

Давлат органларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**17-модда. Жамоатчилик назоратининг натижалари**

Жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра баённома, хулоса, маълумотнома шаклида ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда яқуний ҳужжат тайёрланиши мумкин.

Яқуний ҳужжат ахборот ва тавсия хусусиятига эга бўлади.

Яқуний ҳужжатда баён этилган ахборот, тавсия ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади ҳамда улар юзасидан қонуний қарорлар қабул қилинади.

**18-модда. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**19-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**20-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**21-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 апрель,  
ЎРҚ-474-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **305** Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида\*

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ республикада давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг устуворлигини янада кучайтириш, бизнес ташаббуслар, стартапларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс институционал ва таркибий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қабул қилинаётган чоралар самарадорлиги ва натижадорлиги етакчи халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликларининг ижобий баҳоларида ҳолисона акс эттирилмоқда. Жаҳон банкнинг «Бизнесни юритиш — 2018» ҳисоботида Ўзбекистон тадбиркорлик учун янада қулай шароитлар яратиш бўйича ислохотчи давлатлар қаторида жаҳонда биринчи ўнталикка кирди.

Шу билан бирга, бир қатор йўналишларда тадбиркорлик соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг бюрократлашган методлари ҳали ҳам сақланиб қолмоқда, бу эса, ўз навбатида, маҳаллий бизнеснинг рақобатдошлигини жадал ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитига янги технологиялар ва инновацияларни татбиқ қилиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончни мустаҳкамлашга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

биринчидан, тадбиркорлик фаолияти соҳасида замонавий талабларга жавоб бермайдиган, умрини ўтаб бўлган кўп миқдордаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари сақланиб қолмоқда;

иккинчидан, бизнес жараёнларини бошқаришнинг бозор механизмлари жуда секинлик билан татбиқ этилмоқда, шу жумладан, тартибга солиш функциялари ҳаддан ташқари марказлашган, ўзини ўзи тартибга солиш ва жамоатчилик назорати механизмлари суст даражада қолмоқда;

учинчидан, тадбиркорлар ханузгача айрим ваколатли органлар томонидан лицензия ва рухсатнома бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмий-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 апрелда эълон қилинган.

лаштиришда маъмурий тартиб-таомилларнинг чўзилиш ҳолатлари билан тўқнашмоқда;

тўртинчидан, ваколатли давлат органлари ўртасида лицензия ва рухсат бериш хусусиятидаги ҳужжатларни тубдан қисқартириш, маъмурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш ва очиқлик даражасини оширишга қаратилган ўзаро ҳамкорлик зарур даражада олиб борилмаяпти.

Бизнесни юритишдаги ортиқча бюрократик жараёнларни тубдан қисқартириш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг бозор ҳамда ҳуқуқий механизмларини мунтазам равишда изчил мустаҳкамлаб бориш, республикада инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган кучларни жамлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли Фармониға мувофиқ:

1. Қўйидагилар тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари борасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг соддалаштирилган механизмларини белгилаш, шаффофликни таъминлаш, бизнес билан ўзаро муносабатларда ҳуқуқий аниқликни мустаҳкамлаш ва давлат органлари томонидан асоссиз маъмурий назоратни бекор қилиш орқали лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонунчиликни жадал такомиллаштириш;

лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари сонини босқичма-босқич қисқартириш, жамоатчилик назорати, ўзини ўзи тартибга солиш, сертификатлаш, аккредитациялаш, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни суғурталаш, техник тартибга солиш ва бошқа замонавий усуллар орқали тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг муқобил усулларидан кенг фойдаланиш;

давлат бошқаруви жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий қилиш, шу жумладан, лицензиялар ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда идоралараро ҳамкорлик механизмларидан (G2G), шунингдек, «ягона дарча» тамойилидан (G2B), энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг таркибий бўлинмалари орқали кенг фойдаланиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг:

2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензияланадиган фаолият ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг айрим тур-

ларини, шу жумладан, уларнинг баъзи турларини бирлаштириш йўли билан 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ бекор қилиш;

2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялар ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларини 3-иловага\* мувофиқ қисқартириш;

2018 йил 1 июндан бошлаб фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш бўйича функцияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан тегишли давлат органларига 4-иловадаги\* рўйхатга мувофиқ ўтказиш;

2018 йил 1 июндан бошлаб лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш функциясини республика давлат бошқарув органларидан уларнинг ҳудудий бошқармаларига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларидан туман (шаҳар) ҳокимликларига 5-иловадаги\* рўйхатга мувофиқ ўтказиш;

2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасида лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни 6-иловага\* мувофиқ амалга ошириш бўйича таклифлари қабул қилинсин.

3. 2018 йил 1 июндан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ тиббиёт ва фармацевтика фаолияти, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият, кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари ва телерадиоэшиттиришларни тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотишни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиялардан ташқари, фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган барча лицензиялар амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилди.

#### 4. Белгилаб қўйилсинки:

лицензияланадиган фаолият тури доирасида бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар)нинг аниқ рўйхати фаолиятнинг тегишли турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомларда кўрсатилади;

агар лицензияловчи орган лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати давомида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, лицензия даъвогари кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг лицензияловчи органни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда аризада кўрсатилган фаолият турини амалга оширишга ҳақлидир. Бунда лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг ёзма хабарномаси олингандан кейин беш иш куни ичида унга лицензия бериши шарт.

#### 5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

лицензияловчи ва бошқа ваколатли органлар билан биргаликда мазкур Фармон талабларини инобатга олган ҳолда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартиби ҳамда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни қайтадан кўриб чиқсин;

---

\* 1 — 6-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли вазирлик ва идоралар билан биргаликда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги барча низомларнинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

6. Лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли органлар раҳбарлари амалдаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартиби ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларнинг ушбу Фармон талабларига ўз вақтида мувофиқлаштирилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ваколатли органлар томонидан ушбу банд талабларининг бажарилиши бўйича тизимли мониторинг ўрнатсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

лицензиялар ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар сонини кескин камайтириш ишларини давом эттирсин, бунда зарур ҳужжатлар рўйхатини қисқартириш, маъмурий тартиб-таомилларнинг муддат ва қийматларини мақбуллаштириш орқали маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштиришга ва уларнинг шаффофлик даражасини янада оширишга, манфаатдор мақсадли аудиторияда сўровлар ўтказиш, бу борадаги илғор хорижий тажрибани танқидий ўрганиш, бизнес ҳамжамияти билан маслаҳатлар ўтказиш ҳамда етакчи халқаро экспертларни жалб қилиш асосида уларнинг рақобат муҳитига таъсирини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентига лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Савдо-саноат палатаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Р. Иноятов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 11 апрель,  
ПФ–5409-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**306 «Сирдарё» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Сирдарё вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда оқилона фойдаланишини таъминлаш, шу аснода янги иш ўринлари ташкил этиш ва маҳаллий аҳолининг даромадларини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги ПФ-4516-сонли Фармонига асосан Жиззах вилоятида «Жиззах» эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Жиззах» ЭИЗ деб аталади) Сирдарё вилояти Сирдарё тумани филиали ташкил этилгани ва унинг чегаралари тасдиқлангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Сирдарё» эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда «Сирдарё» ЭИЗ деб аталади) «Жиззах» ЭИЗ Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги филиали ва Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги кичик саноат зонаси негизида ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Қўйидагилар «Сирдарё» эркин иқтисодий зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

Сирдарё вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда маҳаллий минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш;

мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоклаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея, экологик жиҳатдан хавфсиз кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларни, шунингдек, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш;

эркин иқтисодий зона корхоналари ўртасида ҳамда бошқа маҳаллий корхоналар билан мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш асосида маҳаллий хом ашё ва материаллардан юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

«Сирдарё» ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунинг-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 апрелда эълон қилинган.

дек, ушбу ҳудудда сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш;

эркин иқтисодий зоналарнинг соҳа кадрларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этишда ва уларнинг эркин иқтисодий зонада жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташида қатнашиш.

4. Сирдарё вилояти эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгаши (Ғ.Ғ. Мирзаев) Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Сирдарё» ЭИЗнинг чегараларига аниқлик киритиш, кейинчалик кенгайтириш бўйича таклифларни икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ–3356-сон «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этилган Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашига киритилишини таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

«Сирдарё» ЭИЗ таркибига киритилган ер майдонлари Сирдарё вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг бевосита тасарруфида бўлади;

«Сирдарё» ЭИЗнинг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

«Сирдарё» ЭИЗ фаолият юритадиган муддат давомида унинг ҳудудида алоҳида солиқ ва божхона тартиблари амал қилади;

«Сирдарё» ЭИЗ иштирокчиси мақоми Сирдарё вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг қарори билан берилади;

собиқ Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги кичик саноат зонаси иштирокчиларига нисбатан, ушбу мақомни аввал олган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 мартдаги «Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида кичик саноат зонасини барпо этиш тўғрисида»ги ПҚ–2860-сонли қарорида кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлар сақланиб қолинади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ҳамда республика ва ҳудудий даражадаги муҳандислик-коммуникация хизматлари кўрсатувчилар эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг коммуникацияларга, уларни «Сирдарё» ЭИЗнинг ҳудудига белгиланган тартибда кафолатли уланишини таъминлайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан

биргаликда ҳар йили келгуси йиллар учун ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришда белгиланган тартибда уларга «Сирдарё» ЭИЗнинг муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар киритилишини назарда тутсин.

8. «Сирдарё» ЭИЗ фаолиятини оператив бошқарув функцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5032-сон Фармонига мувофиқ ташкил этилган «Сирдарё-фарм» ЭИЗ дирекцияси» давлат унитар корхонасига юклатилсин ва унинг номи «Сирдарё» ЭИЗ дирекцияси» давлат унитар корхонасига ўзгартирилиб, ҳодимлари сони 3 нафардан 5 нафарга оширилсин.

9. Белгилансинки, «Жиззах» ЭИЗ дирекцияси» давлат унитар корхонасининг ва «Жиззах» ЭИЗ иштирокчиларининг Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги «Жиззах» ЭИЗнинг филиали бўйича ҳуқуқ ва бурчлари белгиланган тартибда «Сирдарё» ЭИЗ дирекцияси» давлат унитар корхонаси ва «Сирдарё» ЭИЗ иштирокчиларига ўтади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сон Фармонининг 3-, 4- ва 5-бандлари қоидалари «Сирдарё» ЭИЗ иштирокчиларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4931-сонли Фармонининг 8-банди қоидалари «Сирдарё» ЭИЗ дирекциясига татбиқ этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги ПФ-4516-сон Фармонига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сирдарё вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши билан биргаликда:

бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда Сирдарё вилоятининг мавжуд минерал-хом ашё ресурсларини инобатга олган ҳолда, «Сирдарё» ЭИЗ ҳудудида импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турларини ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш бўйича аниқ таклифлар — «йўл харита»лари ишлаб чиқилишини таъминласин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвести-

циялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов ва Сирдарё вилояти ҳокими Ғ.Ғ. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 апрель,  
ПФ-5412-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги  
ПФ-5412-сонли Фармониغا  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиззах»  
эркин иқтисодий зонасини барпо этиш тўғрисида»ги 2013 йил  
18 мартдаги ПФ-4516-сонли Фармониغا киритиладиган  
ўзгартиришлар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиззах» эркин иқтисодий зонасини барпо этиш тўғрисида»ги 2013 йил 18 мартдаги ПФ-4516-сон Фармониغا қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

- а) 1-банднинг бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- б) 6-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Жиззах вилоят ҳокимлиги Жиззах вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг қарорларига асосан «Жиззах» ЭИЗда лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун белгиланган тартибда қуйидагиларни таъминласин»;

- в) 7-банддаги «Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги» сўзлари «Жиззах вилояти ҳокимлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**307 Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати  
органи фаолиятини тубдан такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат хизматларининг шаффофлигини ва улардан эркин фойдаланиш имкониятини, мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, экспорт-импорт операцияларининг мутаносиблигини таъминлаш тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш, аҳолининг турмуш шароити ва сифатини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, божхона назорати ва расмийлаштирувнинг мураккаб тартиб-таомиллари ва узоқ муддатлари, божхона органи ходимлари ўртасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарлик ва хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг сақланиб қолаётганлиги ислохотларнинг тўлиқ амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда.

Бундан ташқари, ташқи савдо операцияларини мониторинг қилиш соҳасида идоралараро ва халқаро ҳамкорликнинг султ ташкил этилганлиги контрабанда ва контрафакт маҳсулотларни олиб киришнинг олдини олиш вазифаларини самарали бажариш, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш схемаларини аниқлаш имконини бермаяпти.

Умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартлар асосида божхона органи фаолиятини ҳамда божхона маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, тадбиркорлик ва туризмни фаол ва жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Талон-торож қилиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва бошқа жиноятларни содир этганлик учун божхона органининг мансабдор шахсларига нисбатан прокуратура органи томонидан жиноят ишлари қўзғатилганлиги ва тергов олиб борилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси божхона органини ислох қилишнинг муҳим йўналишлари ҳисоблансин:

биринчидан, божхона органининг барча даражадаги тузилмалари вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда тақсимлаш, шунингдек, божхона органи марказий ва ҳудудий маҳкамаларининг самарали фаолият кўрсатишини ташкил қилишда соҳавий тузилмаларнинг мувофиқлаштирувчи роли ва услубий кўмагини кучайтириш;

иккинчидан, божхона органи тизимида коррупция кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш, халқнинг ишончини мустаҳкамлаш ва давлат божхона хизмати обрўсини ошириш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 апрелда эълон қилинган.

учинчидан, Олий ҳарбий божхона институти фаолиятини, юқори профессионал кўникмага, маънавий-ахлоқий сифатларга ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусига эга бўлган кадрларни тайёрлаш, танлаш ҳамда жой-жойига қўйиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

тўртинчидан, товарларни ноқонуний олиб киришнинг асосий шакллари ва услублари ҳамда божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш схемалари ҳақидаги маълумотларни аниқлаш, ўрганиш ва умумлаштириш орқали божхона тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш, бюджетнинг даромад қисмини ошириш;

бешинчидан, «ялпи» божхона назоратини ўтказишдан ҳар томонлама таҳлил асосида божхона назорати объектларини аниқлаш, шунингдек, ташки иқтисодий фаолият иштирокчилари учун маъмурий тўсиқларни камайтириш имконини берувчи хавфни бошқариш тизимига ўтиш;

олтинчидан, божхона назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари, услублари ва техник воситаларини татбиқ этиш ҳисобига Давлат чегара ўтказиш пунктларида божхона тартиб-таомилларини амалга оширишнинг давомийлигини қисқартириш;

еттинчидан, божхона органлари барча таркибий тузилмаларининг фаолияти ва идоралараро ахборот алмашинуви самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

саккизинчидан, хорижий давлатларнинг божхона органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, божхона иши соҳасида илғор тажрибани, халқаро норма ва стандартларни тизимли ўрганиш ва жорий қилиш.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) иловага\* мувофиқ тасдиқлансин:

божхона органларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича институционал ўзгаришлар, уларнинг вазифа ва функцияларини оптималлаштириш;

божхона органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

божхона назорати самарадорлигини ошириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

самарали идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, божхона органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш.

Вазирлик ва идоралар, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарлари Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан жавобгар эканлиги белгилансин.

4. 2018 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ:

товарларни божхона режимларига жойлаштиришда, шунингдек, хорижий

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

автоташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиш маршрутларини ўзгартиришга божхона органлари томонидан бериладиган рухсатномалар бекор қилинади;

бир ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида айнан бир хил товарларнинг божхона расмийлаштируви (жисмоний хусусияти, сифати, ишлаб чиқарувчиси, ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатура коди бўйича) даврий декларацияларни тақдим этиш орқали амалга оширилади;

айнан бир хил товарларга бир ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида карантин рухсатномалар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини, озон емирувчи моддалар ва улардан ташкил топган маҳсулотларни олиб кириш ҳамда олиб чиқиш учун рухсатномалар, мувофиқлик сертификати, ветеринар, гигиеник ва экологик сертификатлар бир календарь йилидан ошмаган муддатга бир маротаба тақдим этилади;

бож олинмайдиган савдо дўкони, эркин омбор ва божхона омбори фаолиятини лицензиялаш марказлаштирилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати томонидан амалга оширилади;

ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари божхона брокерларига мурожаат қилмасдан божхона юк декларацияларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида тўлдириш ва божхона органларига тақдим этиш ҳуқуқига эга;

импорт товарлари амалда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига етиб келишидан олдин, жумладан товарларни бевосита чегара ўтказиш пунктларида эркин муомалага чиқариш орқали инсофли ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини рағбатлантириш мақсадида ушбу товарларни дастлабки декларациялаш амалиёти жорий этилади;

божхона органлари солиқ органлари ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари билан биргаликда устав капиталида давлат улуши бўлган давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан импорт қилинаётган товарларнинг нархини ошириб кўрсатиш ҳолатлари бўйича мунтазам равишда мониторинг ўтказилади;

божхона омборларида уч йилдан ортиқ сақланиб келинаётган мол-мулклар божхона органлари томонидан ушлаб қолинади ва улар уч ой давомида талаб қилиб олинмаган ҳолларда суд қарори асосида давлат фойдасига ундирилади, кейинчалик белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан сотилади ёки йўқ қилинади;

божхона органлари тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги ва уларнинг ташқи савдо фаолияти қонунийлигини текшириш мақсадида товарлар ва транспорт воситалари эркин муомалага чиқарилгандан сўнг уларнинг божхона назоратини амалга оширади;

божхона органлари томонидан етакчи халқаро ташкилотлар услубиёти асосида мунтазам равишда товарлар божхона расмийлаштирувининг ўртача

вақти тизимли ўрганиб борилади, уларнинг натижалари эълон қилинади, шунингдек, ушбу соҳадаги кўрсаткичларни изчил яхшилаш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тузилмасида штат бирликларининг умумий сони доирасида қуйидагилар ташкил этилсин:

а) Божхона маъмуриятчилигининг илғор ва инновацион усулларини жорий этиш бошқармаси, унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Бутунжаҳон божхона ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ҳамда тавсияларини таҳлил қилган ҳолда божхона ишини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

божхона қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий нормаларни эркин, субъектив ва танлов асосида талқин қилиш ҳолатларини истисно этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

божхона соҳасида ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаб ва шарт-шароитларини тизимли таҳлил қилишни ташкил этиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат хизматлари кўрсатиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, божхона органларининг юридик ва жисмоний шахслар билан бевосита мулоқотсиз муносабатга киришиш шаклларини жорий этиш;

божхона иши ҳамда божхона органлари ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида илғор хорижий тажрибани ўрганиш, уларни Ўзбекистон Республикасида жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

б) Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси, унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

божхона органларида божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфи юқори бўлган товар ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини назорат қилиш учун куч ва воситаларни жамлашни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш;

хавфи юқори бўлган, шу жумладан дастлабки маълумотларни таҳлил қилиш ва тасодифий танлов асосида товар партияларини божхона назорати учун мақсадли танлаб олиш методологиясини ишлаб чиқиш;

виждонли ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини аниқлаш, уларга нисбатан содалаштирилган божхона тартиб-таомилларини қўллашнинг тартиб ва мезонларини ишлаб чиқиш;

хавфни бошқариш тизими самарали қўлланилишини доимий мониторинг қилиш, уни янада такомиллаштириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

в) Ташқи савдо операциялари ва божхона статистикаси мониторинги бошқармаси, унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ташқи савдо операцияларининг мониторингини ташкил этиш, экспорт-импорт шартномалари ижросини таҳлил қилиш, шунингдек, божхона органларига тааллуқли ташқи савдо операциялари ўтказилишида валюта қонунчилигига амал қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдосини ривожлантириш тенденциялари, шунингдек, мамлакатнинг савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлаш; товарларнинг ташқи савдоси бўйича божхона статистикасини юритиш, уларни шакллантиришнинг барча bosқичларида ҳаққонийлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

ташки савдо соҳасида статистик маълумотларнинг тўғрилигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликнинг белгиларини аниқлаш мақсадида хорижий давлатларнинг божхона хизматлари билан ахборот алмашиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда товарларнинг божхона назоратини танлов асосида ўтказишни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминласин;

қонун ҳужжатлари нормалари бир хилда қўлланилиши, божхона тартиб-таомиллари самарадорлиги, ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига мувофиқ товарларни тўғри таснифлаш, уларнинг божхона қийматини тўғри аниқлашни мониторинг қилиш ва баҳолашни назарда тутувчи божхона постлари фаолиятини назорат қилишнинг таъсирчан тизимини ишлаб чиқсин;

«Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти» ва «Тошкент-товар» божхона постларида божхона тартиб-таомилларини максимал даражада соддалаштириш, божхона тўловларининг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш, товарларнинг ноқонуний импорти ва контрабандани аниқлашга қаратилган божхона маъмуриятчилигининг замонавий услубларини қўллаш бўйича дастлабки лойиҳаларни амалга ошириш ишларини тезлаштириш ҳамда ижобий тажрибани бошқа божхона постларида қўллаш;

моддий рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини мувозанатли қўллаш имконини берувчи божхона постлари ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси:

юқори профессионал маҳорат, ахлоқий ва маънавий сифатларга эга, ҳар томонлама етук ва ватанпарвар ёшларни божхона органларига жалб этишга йўналтирилган кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг принципиал жиҳатдан янги тизимини яратиш;

ходимларнинг хизматга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, қонун бузилишининг барча кўринишларига нисбатан муросасиз муносабат муҳитини яратиш, жамоада соғлом муҳитни шакллантириш;

фидокорона хизмат қилаётган ходимларни ҳар томонлама рағбатлантириш, хизмат интизомини ҳамда қонунчилик талабларини қўпол равишда бузган ходимларни интизомий ва бошқа жавобгарликларга тортиш бўйича чоралар кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ой муддатда қуйидагилар бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

ҳудудларда «ягона дарча» тамойили асосида божхона, банк, логистик,

тезкор-лаборатория, фитосанитар, ветеринар, санитар-эпидемиологик, экологик, сертификатлаштириш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асо-сида бошқа хизматлар кўрсатадиган замонавий логистик марказларни ташкил этиш;

давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги чегара божхона постларини замонавий инспекциявий-кўрик мажмуалари ва бошқа божхона назоратининг техник воситалари билан жиҳозлаш;

темир йўл чегара божхона постларини давлат чегарасида темир йўл составлари кесишиш жойларига кўчириш ҳамда ушбу жойларда божхона ва бошқа турдаги давлат назоратини амалга ошириш учун зарур инфратузилмани ташкил этиш масаласини ўрганиш;

б) уч ой муддатда давлат чегара ўтказиш пунктларининг бино, иншоотлар ва автомобиль ўтиш пунктларининг ҳолатини ўрганиш ҳамда аниқ давлат органини белгилаш ва унга қўйидаги вазифаларни юклаш:

жорий таъмирлаш, капитал қурилиш, техник жиҳозлашни амалга ошириш, шунингдек, ёндош ҳудудларини ободонлаштириш;

янги ўтказиш пунктларини куриш;

давлат чегараси орқали автомобиль ўтказиш пунктларини босқичма-босқич балансга қабул қилиш.

9. 26 январь Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати ходимларининг куни этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ишлаб чиқсин:

божхона қонунчилигини либераллаштириш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва шаффофлигини таъминлаш, нормаларни қабул қилишда барча учун тушунарли ва турлича талқин қилиш имкониятини истисно этишга;

ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари томонидан божхона қонунчилигига риоя этилишининг рағбатлантириш механизминини яратишга;

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари нормалари, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойилларини, халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва стандартларини имплементация қилишга;

божхона маъмуриятчилиги соҳасида ривожланган мамлакатлар тажрибаси, шу жумладан тарифларни тартибга солиш ва божхона назоратини ташкил этишга.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

божхона органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 апрель,  
ПФ-5414-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **308 Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш жараёнида, биринчи навбатда, ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини, жумладан ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини сифатли ташкил этиш, изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг яхлит тизимини жорий этиш йўли билан амалга оширишни кўзловчи адлия органлари ва муассасаларига муҳим роль ажратилмоқда.

Сўнги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида, айниқса, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, уларнинг юридик хизматларини мувофиқлаштириш, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш масалалари бўйича адлия органлари ва муассасаларининг роли ва масъулиятини ошириш имконини берди.

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 апрелда эълон қилинган.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, адлия органлари ва муассасалари фаолиятида ҳуқуқий ислохотларнинг юқори самарадорлик даражасига эришишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, адлия органларининг туман (шаҳар) тузилмаларининг мавжуд эмаслиги бевосита жойлардаги ҳуқуқий муаммолар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда таъминланиш даражасининг чуқур ўрганилишига, жамиятдаги аниқ ҳуқуқий ҳолатдан келиб чиқиб манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда;

иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил қилиш ва унинг изчиллиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқий нормаларнинг ўзбошимчалик билан ва нотўғри талқин қилинишига йўл қўймаслик юзасидан жойларда давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш бўйича самарали ишлар йўлга қўйилмаган;

учинчидан, адлия органларига фаолият йўналишига мувофиқ бўлмаган ва бир-бирини такрорловчи, айниқса, шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш соҳасидаги вазифаларнинг юклатилганлиги давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга ошириш соҳасида уларга юклатилган биринчи даражадаги вазифаларни бажариш учун мавжуд куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш имконини бермаяпти;

тўртинчидан, амалга оширилаётган ислохотлар, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини тушунтириш бўйича жойларда адлия органларининг иши лозим даражада ташкиллаштирилмаган, бунинг натижасида эса аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти, айниқса, қишлоқ жойларда қониқарсиз даражада қолмоқда;

бешинчидан, юриспруденция соҳасида, аввало, халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини муносиб ифода этадиган мутахассисларнинг кескин етишмаслиги сақланиб қолмоқда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида талаб юқори бўлган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича юридик кадрлар тайёрлаш тизими мавжуд эмас;

олтинчидан, адлия органлари ва муассасалари ходимларини ижтимоий ва моддий рағбатлантиришнинг паст даражада эканлиги мазкур соҳага юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, барқарор кадрлар захирасини шакллантириш имконини бермаяпти ҳамда ходимларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятига салбий таъсир кўрсатмоқда;

еттинчидан, адлия органлари ва муассасалари фаолиятига янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, уларни замонавий воситалар ва ускуналар билан жиҳозлаш қониқарсиз ҳолатда қолмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда

давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг устувор йўналишлари деб қуйидагилар:

биринчи, адлия органларини «Одилона қонунларни қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш — демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир» деган концептуал ғояни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширилишини таъминлайдиган профессионал хизматга айлантириш;

иккинчи, адлия органлари фаолиятига, устувор равишда, танқидий таҳлил ва ҳуқуқий муаммоларни, аввало, бевосита жойларда ишларни самарали ташкил этиш йўли билан ҳал этишга асосланган, сифат жиҳатидан янги механизмларни жорий этиш;

учинчи, давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш, танқидий таҳлил асосида изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

тўртинчи, ҳуқуқий тарғибот ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишнинг замонавий ва таъсирчан услубларини жорий қилиш, уларга қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигига барҳам бериш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

бешинчи, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини, маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларининг сифатини комплекс ва танқидий таҳлил қилишда адлия органларининг ролини ошириш, бу соҳаларда қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

олтинчи, ўз фаолиятлари юзасидан жамоатчиликка тизимли равишда маълумотлар тақдим этиш йўли билан адлия органлари мансабдор шахсларининг ҳисобот бериш тартибини жорий этиш, уларнинг аҳолини ташвишга солувчи муаммоларга юзаки муносабатда бўлиши ҳолатларига чек қўйиш, шунингдек, уларнинг фаолиятини баҳолашнинг аниқ мезонларини белгилаш;

еттинчи, юридик кадрларни, айниқса, талаб қилинаётган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги мутахассисларни ўқитишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш, юридик кадрларни етакчи хорижий таълим муассасаларига тизимли равишда юбориш;

саккизинчи, халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини, халқаро жамоатчилик ва хорижий инвесторларни мамлакатда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар ҳақида хабардор қилиш механизмларини ташкил этиш;

тўққизинчи, адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг моддий-

техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларни ижтимоий ва моддий рағбатлантиришнинг янги механизмларини, шу жумладан уларни хизмат уйлари билан таъминлашни жорий этиш;

ўнинчи, адлия органлари ва муассасаларининг барча тузилмалари фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган касб-ҳунар коллежлари юридик хизматларининг штат бирликлари ҳисобидан, «республика — вилоят — туман (шаҳар)» уч поғонали принципи бўйича вертикал бошқарувни жорий этган ҳолда туманлар (шаҳарлар)да адлия бўлимлари ташкил этилсин.

Белгилансинки, касб-ҳунар коллежларининг тугатилаётган юридик хизматлари функциялари тегишли туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан амалга оширилади.

3. Туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимларининг асосий вазифалари этиб куйидагилар:

хокимларга ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг туманлар (шаҳарлар) тузилмаларига қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

давлат органлари ва ташкилотлари туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш бўйича фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини туманлар тузилмаларидаги ижрочиларга етказиш, «республика — вилоят — туман — маҳалла» принципи бўйича ҳуқуқий тарғибот ва аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигига барҳам бериш борасида, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари билан биргаликда чора-тадбирларни амалга ошириш;

туманлар (шаҳарлар) хокимлари ва халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларини қонун ҳужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш, унинг барқарорлиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) тузилмаларида ҳуқуқий ишларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, шунингдек, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва методик таъминлаш белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари тугатилсин.

5. 2018 йил 1 июлдан бошлаб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (кейинги ўринларда ФХДЁ деб юритилади) органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимини юритиш, ФХДЁнинг ҳудудий архивларига раҳбарлик бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги зиммасига юклатилган ҳолда, ФХДЁ органлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимиятлари тасарруфига ўтказилсин.

6. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра 2018 йилдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ахборот тақдим этади;

Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, ҳудудий адлия бошқармалари бошлиқлари ҳар ярим йил якуни бўйича тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига жойларда норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ахборот тақдим этади;

туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ҳар чоракда тегишлича туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларига туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ахборот тақдим этади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро арбитражлар ва суд ишлари масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида ваколатли давлат бошқаруви органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига:

давлат органлари ва ташкилотларига, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарига белгиланган тартибда халқаро арбитражлар ва суд ишлари масалалари бўйича бажарилиши мажбурий бўлган топшириқлар юбориш;

адлия органлари ва муассасалари, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида, шу жумладан халқаро арбитражлар ва суд ишлари бўйича ўқиш ва малакаларини ошириш учун ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларига юбориш ҳуқуқи берилсин.

8. Тошкент давлат юридик университетининг Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази негизда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштирилладиган, бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 25 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ташкил этилсин.

Қуйидагилар Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қонунчиликни ва унинг тармоқларини ривожлантириш соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий концепциялар ишлаб чиқиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг инновацион услублари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатлари қўлланилиш амалиётини таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш йўналишларини аниқлаш;

етақчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ҳафталик муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

бир ойлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

икки ойлик муддатда туман (шаҳар) ҳокимликларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

икки ойлик муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Р. Иноятов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 13 апрель,  
ПФ-5415-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**309 Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривож-  
лантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Мамлакатимизда давлат хизматларини кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсда бошланган ишлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди (кейинги ўринларда — Агентлик).

Ҳозирги вақтда нафақат тадбиркорларга, балки аҳолига ҳам энг зарур ва талаб юқори бўлган давлат хизматларини «ягона дарча» тамойили бўйича кўрсатиш мақсадида республиканинг ҳар бир туман ва шаҳарларини қамраб олган Халқ қабулхоналари ҳузуридаги давлат хизматлари марказларининг ягона тармоғи яратилди.

Шу билан биргаликда, амалга оширилган чора-тадбирлар ва эришилган ютуқларга қарамасдан давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида фойдаланилмаган имкониятлар ва ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

биринчидан, бир қатор ташкилотларда базавий ахборот тизимларини жорий этиш масалалари ва уларнинг идоралараро интеграция қилиниши паст даражада эканлиги давлат хизматларини қулай ва ўз вақтида кўрсатишни таъминламаяпти. Кўрсатиб ўтилган камчиликлар, айниқса, Мудофаа вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, «Ўзтрансгаз» АЖ ва барча даражадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқлидир;

иккинчидан, давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар, кўчмас мулк объектлари ва бошқа ҳужжатлар реестрлари алоҳида қоғоз кўринишида юритилиши, электрон архивларнинг мавжуд эмаслиги электрон давлат хизматларини кўрсатишда қийинчиликларга олиб келмоқда. Бу каби салбий амалиёт, айниқса, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давергеодезкадастр) ва «Ўзархив» агентлигига тегишлидир;

учинчидан, кўпчилик давлат хизматлари марказлари ханузгача юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланмаганлиги идоралараро электрон ҳамкорликнинг зарур даражада йўлга қўйилмаслигига сабаб бўлмоқда. Ушбу жиддий муаммоларни бартараф этиш учун Агентлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва «Ўзбектелеком» АЖ раҳбарлари таъсирчан чоралар кўрмаяпти;

тўртинчидан, давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органлар ва давлат хизматлари марказлари лозим даражада замонавий компьютер техникаси ва техник воситалар билан жиҳозланмаганлиги давлат хизматларини

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 апрелда эълон қилинган.

кўрсатишнинг илғор ва инновацион методларини жорий қилишга тўсик бўлмоқда;

бешинчидан, давлат хизматлари марказлари зарур бино ва хоналар билан таъминланмаганлиги талаб юқори бўлган кўплаб хизматларни кўрсатиш учун ташриф буюрувчиларни тўлиқ ва бир вақтда қамраб олишга имкон бермайди;

олтинчидан, рухсат бериш ва лицензиялаш жараёнларидан ўтиш ҳамон мураккаб ва ортиқча тартибга солинганлигича қолмоқда, давлат хизматларини олиш жараёнида ортиқча талаблар ва тўсиқларнинг мавжудлиги шаффоликнинг йўқолишига, ҳуқуқни турлича қўллаш амалиётига ва оқибатда суистеъмолчиликлар тез-тез содир этилишига ва бошқа қоидабузарликларга олиб келмоқда;

еттинчидан, ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг билим даражаси ва малакаси пастлигича қолмоқда, уларга ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш ва олишни ўргатиш бўйича ташкиллаштирилган тизим мавжуд эмас.

Аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатдан янги босқичга жадаллик билан ўтишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Маъмурий ислохотлар концепциясини изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Агентлик, Давергеодезкадастр, «Ўзархив» агентлиги, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги бошқа вазирлик ва идораларнинг иши қониқарсиз, деб топилсин.

2. Қуйидагилар кўрсатиб ўтилган вазирлик ва идоралар, давлат хизматларини кўрсатадиган бошқа ваколатли органларнинг биринчи даражали вазифалари этиб ҳисоблансин:

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини янада унификациялаш ва автоматлаштириш мақсадида ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини яратишга ягона технологик ёндашувни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан ривожлантириш ва жорий этиш;

вазирликлар ва идораларнинг архив фондини рақамли кўринишга ўтказиш ва тегишли ахборот ресурсларига киришга имконият беришга доир чоратадбирларни амалга оширишни янада жадаллаштириш;

ягона давлат реестрига киритилган барча давлат хизматлари бўйича бизнес жараёнларнинг реинжинирингини амалга ошириш орқали давлат хизматларини кўрсатиш жараёнидаги тартиботларни ва уларни кўрсатиш муддатларини тубдан қисқартириш, бланк ва шаклларни сезиларли даражада оптималлаштириш;

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнига жалб этилган ходимларнинг ўз лавозим мажбуриятларини сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажаришини таъминлаш, уларнинг масъулиятини кучайтириш, ҳозирги замон талабларига мувофиқ ишлаш кўникмаларини ва маданиятини ошириш, улар ишини объектив баҳолаш механизмларини жорий этиш;

юклатилган вазифа ва функциялардан келиб чиққан ҳолда муаммоларни ҳал қилишда давлат органлари ва ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатишда иштироклари бўйича ҳаракатларни бирлаштириш юзасидан масъулиятларини ошириш;

бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан устувор равишда аҳборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар, маълумотлар базаларини белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, электрон давлат хизматларини жорий этиш учун фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Агентлик замонавий давлат хизматларини жорий этиш масалаларига тегишли равишда ёндашмаётган давлат органларининг мансабдор шахсларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чораларини кўрсин.

3. Келгусида давлат хизматларини жорий этишни янада жадаллаштиришни таъминлаш ва уларни кўрсатишдаги заиф томонларни аниқлаш учун қуйидагича тартиб ўрнатилсин:

2018 йилнинг 1 июнидан иловадаги рўйхат бўйича давлат хизматлари марказлари томонидан тажриба тариқасида 70-100 турдаги талаб юқори бўлган давлат хизматлари кўрсатилади;

тажриба тариқасида жорий этиладиган давлат хизматлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати раҳбари томонидан тасдиқланадиган вақтинчалик маъмурий регламентлар қабул қилинади;

тажриба тариқасида жорий этиладиган давлат хизматлари рўйхати аҳолининг долзарб эҳтиёжлари асосида шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг таклифига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан тасдиқланади;

тажриба тариқасида жорий этиладиган давлат хизматлари рўйхатига киритилган давлат хизматлари фақат давлат хизматлари марказлари орқали тақдим этилади;

давлат хизматларини кўрсатиш тажриба тариқасида жорий этилган кундан бошлаб ваколатли орган томонидан давлат хизматларини кўрсатиш ҳақидаги аризаларни бевосита аризачилардан қабул қилиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йилнинг 1 июнига қадар давлат хизматларини тажриба тариқасида кўрсатиш натижаларига кўра, мазкур давлат хизматларини кўрсатишни республиканинг барча ҳудудларида жорий этиш ва давлат хизматлари марказларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

Ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Агентлик бюджетдан ташқари жамғармаси, Бюджетдан ташқари адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағ-

лари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда давлат хизматлари марказларини туман (шаҳар)нинг транспорт кесишувлари фуқаролар учун қулай бўлган марказий қисмида жойлашган биноларга, биринчи навбатда, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар биноларини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бериш орқали, кўчириб ўтказишни назарда тутаётган ҳуқуқат қарорини қабул қилсин.

Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига давлат хизматлари марказларининг янги биноларини фақат бюджетдан ташқари манбалардан, айниқса, давлат-хусусий шерикчилик асосида барпо этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат хизматларини кўрсатиш амалиётини танқидий ва чуқур ўрганиш, аҳоли орасида сўровлар ўтказиш орқали сифатига нисбатан норозилик келиб чиқаётган давлат хизматларини аниқлаган ва уларни такомиллаштириш бўйича зарур чораларни кўрган ҳолда ҳар чорақда талаб юқори бўлган давлат хизматларини баҳолаб борсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

2019 йил 1 январдан бошлаб электрон давлат хизматларини кўрсатиш доирасида идоралараро электрон ҳамкорлик амалга оширилаётганда жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, солиқ тўловчининг идентификация рақами ҳамда қўчмас мулк объектларининг кадастр рақамидан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади;

2018 йил 1 июлгача Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги «Янги технологиялар» илмий-ахборот маркази» ДУКнинг электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари ушбу қарорнинг иловасида кўрсатилган давлат хизматлари марказлари томонидан фуқароларга бепул берилади;

Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор, унинг пудратчи (субпудратчи) ташкилотлари ахборот тизимларини, ресурслари, маълумот базалари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқиш, шунингдек, Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларини зарур аппарат-дастурий комплекслари билан жиҳозлаш ишларини техник ва лойиҳа ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги «Лойиҳа ва импорт шартномаларини комплекс экспертизадан ўтказиш маркази» ДУКда тезлаштирилган тартибда келишгандан сўнг амалга оширади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда кейинчалик «Электрон ҳуқуқат» тизими билан интеграция қилиш мақсадида уч ой муддатда ўзларининг ахборот тизимларидаги фуқаролар шахсий маълумотлари тўғрисидаги ахборотларни янгилашни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давергеодезкадастр, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда кейинчалик «Электрон ҳукумат» тизими билан интеграция қилиш мақсадида уч ой муддатда ахборот тизимларидаги жисмоний шахсларнинг манзил маълумотларини жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ва кўчмас мулк объектлари кадастр рақамига боғлаган ҳолда янгилашни таъминласин.

9. Давергеодезкадастр:

тегишли аҳоли пунктлари, кўчалар, тор кўчалар ва бошқаларга уникал кодлар берган ҳолда кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантиришни ва юритишни таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда кўчмас мулк объектларининг манзиллари реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Адлия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда электрон давлат хизматларини кўрсатганлик учун бож, йиғим ва бошқа тўловларни онлайн тарзда амалга ошириш механизмини жорий этишни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

2019 йил 1 январгача бўлган муддатда барча давлат хизматлари марказлари оптик толали алоқа линияларига уланишини таъминласин;

2018 йил 1 сентябргача бўлган муддатда телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни сақлаш имкониятини яратган ҳолда қўнғироқларни қайта ишлаш тизimini яратсин ва амалга киритсин;

Агентлик билан биргаликда 2018 йил 1 декабрга қадар талаб юқори бўлган электрон давлат хизматларини кўрсатиш учун ихтисослашган мобиль илованинг ишлаб чиқиши ва жорий этилишини таъминласин;

Агентлик билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда ахборот тизимларини, ресурслари, маълумот базалари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқиш, шунингдек, Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларини зарур аппарат-дастурий комплекслари билан жиҳозлашни таъминласин;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан бирга уларнинг ахборот ва телекоммуникация тизимлари, маълумотлар базалари, сервер ва бошқа жиҳозларини хатловдан ўтказиб, «Электрон ҳукумат» тизими ва Агентликининг ахборот тизимларига интеграция қилсин, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорликни жорий этсин.

Мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбаси этиб Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш фонди маблағлари ва давлат органларининг бюджетдан ташқари маблағлари белгилансин.

12. Давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар қуйидагиларни таъминласин:

давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган, қоғоз шаклда сақланган маълумотларни, электрон маълумотлар базаларини шакллантириш ва идоралараро электрон ҳамкорликни йўлга қўйишни назарда тутган ҳолда, босқичма-босқич рақамли кўринишга келтириш;

ортиқча тартиботларни йўқотиш ва бюрократик унсурларни камайтиришни назарда тутган ҳолда кўрсатилаётган давлат хизматларини мақбуллаштириш, натижаларга кўра Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда уларни электрон шаклга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқиш;

ўзларининг идоравий ахборот тизимлари ва ресурсларини «Электрон ҳукумат» ва Агентлик ахборот тизимлари билан интеграция қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда чора-тадбирларнинг қисқа муддатларда ижро этилишини назарда тутган ҳолда мазкур банд ижросини таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин.

13. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларига моддий-техник воситаларни ўз вақтида харид қилиш, «Электрон ҳукумат» ва Агентлик тизимларига интеграция қилиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини яратиш ва такомиллаштириш, давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат хизматларини ўз вақтида ва сифатли йўлга қўйиш учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда ҳар чорак якунига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига давлат хизматларини йўлга қўйиш ва уларни электрон шаклга ўтказишда масъулиятсизликка йўл қўяётган аниқ шахсларни кўрсатган ҳолда мазкур қарорнинг амалга оширилиши бўйича маълумот киритиб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 июнига қадар Агентликнинг асослантирилган сўровлари бўйича халқаро молия институтларининг грантларини жалб қилган ҳолда давлат хизматлари марказларини зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аниқ таклифлар киритсин.

Агентлик 2018 йилнинг 1 майига қадар Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига давлат хизматлари марказларини зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш лойиҳаларини молиялаштириш бўйича асослантирилган таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вазирлик ҳузурида энг янги ахборот технологиялари ва рақамли ускуналар билан жиҳозланган бошқарув ходимлари сони 5 та штат бирлигидан иборат давлат муассасаси шаклидаги Ахборот-таҳлил мультимедиа марказини (кейинги ўринда — Мультимедиа маркази) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

16. Мультимедиа марказининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

аҳоли, айниқса, ёшларнинг, шунингдек, қишлоқ жойларида ҳуқуқий

тарғибот ва ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

замонавий технологиялар ва ижодий ёндашувлардан фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича инновацияларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка, тадбиркорлик субъектларига етказиш;

адлия органлари ва муассасалари фаолиятини кенг ёритиш бўйича ахборот-таҳлилий ва обзорли медиа материалларни, шу жумладан, аудио ва видеороликлар, теле ва радио кўрсатувлар, ижтимоий рекламалар, воқеа жойидан репортажларни тайёрлаш ҳамда эфирга, шунингдек, Интернет тармоғига узатиш;

давлат хизматларидан фойдаланиш тартиби бўйича жамоатчиликка маслаҳат ёрдамларини бериш, шу жумладан, қабул қилинган маъмурий регламентларнинг талабларини аниқ ва батафсил тушунтириш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ваколатли органлар томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятини ўрганишлар ва текширишлар, шунингдек, қўпол қоидабузарликлар ва тизимли камчиликлар, айбдорларга нисбатан кўрилган чоралар, аризачиларнинг қайта тикланган ҳуқуқлари тўғрисида аҳолини хабардор қилиш;

аҳолининг барча қатламлари билан мулоқот ўрнатиш, давлат хизматларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш, ижтимоий тармоқлар ва мобиль иловаларни кенг қўллаш орқали ушбу соҳанинг энг долзарб камчиликларини жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш.

#### 17. Белгилансинки:

Мультимедиа маркази фаолиятини молиялаштириш бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси, шунингдек, қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Мультимедиа марказига Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тайинланган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Мультимедиа марказининг бошқарув ходимларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказий аппарати ходимлари учун белгиланган моддий ва ижтимоий муҳофаза чоралари қўлланилади;

Мультимедиа марказининг бошқа мутахассислари (режиссёр, креатив муҳаррир, мухбир, тасвирчи, видеомонтажчи, АКТ мутахассиси, аппарат-студия комплекси муҳандиси ва бошқалар) меҳнат бозоридаги ҳақиқий конъюнктурани ҳисобга олган ҳолда шартнома асосида жалб қилинади.

#### 18. Мультимедиа маркази директорига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Мультимедиа марказига мазкур қарорнинг 17-банди бешинчи хатбошида кўрсатилган мутахассисларни шартнома асосида ишга жалб қилиш;

Мультимедиа марказига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида бошқа ташкилотлар билан хизматлар олиш ва кўрсатиш (ишларни бажариш, товарлар ва маҳсулотлар етказиб бериш) бўйича шартномалар тузиш.

19. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Мультимедиа марказининг устави тасдиқланиши ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Мультимедиа марказининг штат жадвалини тасдиқласин ҳамда юқори малакали мутахассислар билан тўлдирсин;

Мультимедиа марказини Адлия вазирлиги биносида жойлаштирсин, унинг ишини самарали ташкил этиш мақсадида алоқа воситалари, кенг қамровли Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти билан, шунингдек, 2 та автомашина, шу жумладан, 1 та махсус автомашина сотиб олинишини таъминласин.

20. Давлат хизматлари марказлари ва бошқа ташкилотлар мутахассисларини жалб этган ҳолда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб барча ўрта ва касб-хунар таълим муассасаларининг охириги курсида (синфида) ёшларнинг зарур билим ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган «Давлат хизматларидан фойдаланиш маданияти» мавзусида ўқув семинарлари ва очик дарсларни ўтказиш амалиёти жорий этилсин.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази Агентлик ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ўқув семинарлари ва очик дарсларни ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Юристар малакасини ошириш марказида икки ой муддатда юзага келадиган низоли масалаларни ҳал қилиш, катта иш ҳажмига руҳий тайёргарлик, муомала ҳамда давлат хизматини кўрсатиш маданиятини оширишга қаратилган ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда доимий равишда давлат хизматлари марказлари раҳбар ва бошқа ходимлари ўқишини таъминласин;

давлат хизматлари марказлари ходимларининг Юристар малакасини ошириш марказида ўз вақтида ва тўлиқ ўқиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

22. Агентлик бир ой муддатда давлат хизматлари марказлари ходимлари томонидан фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали хизматлардан фойдаланишнинг қулайлиги ва устунлигини, жумладан, аҳолига мазкур тартибни чуқур ўргатиш орқали уларнинг Интернет тармоғидан мурожаат қилишини рағбатлантириш амалиётини жорий этсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат хизматлари марказлари орқали давлат хизматларини самарали жорий этганлиги учун давлат органларининг масъул раҳбарлари ва ходимларини ҳар чорак якуни бўйича Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдоридан рағбатлантириш механизмини жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу

қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

25. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 11 апрель,  
ПҚ-3662-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги  
ПҚ-3662-сонли қарорига  
ИЛОВА

**2018 йилнинг 1 июнидан тажриба тариқасида  
70 — 100 турдаги талаб юқори бўлган давлат хизматлари  
кўрсатиладиган давлат хизматлари марказлари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Давлат хизматлари марказлари номи
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	
1.	Нукус шаҳри давлат хизматлари маркази
<b>Андижон вилояти</b>	
2.	Андижон шаҳар давлат хизматлари маркази
<b>Бухоро вилояти</b>	
3.	Когон шаҳар давлат хизматлари маркази
<b>Жиззах вилояти</b>	
4.	Дўстлик тумани давлат хизматлари маркази
<b>Навоий вилояти</b>	
5.	Зарафшон шаҳар давлат хизматлари маркази
<b>Наманган вилояти</b>	
6.	Наманган шаҳар давлат хизматлари маркази
<b>Самарқанд вилояти</b>	
7.	Пастдарғом тумани давлат хизматлари маркази
<b>Сирдарё вилояти</b>	
8.	Сирдарё тумани давлат хизматлари маркази

Т/р	Давлат хизматлари марказлари номи
<b>Сурхондарё вилояти</b>	
9.	Термиз шаҳар давлат хизматлари маркази
<b>Қашқадарё вилояти</b>	
10.	Шахрисабз тумани давлат хизматлари маркази
<b>Тошкент вилояти</b>	
11.	Чирчиқ тумани давлат хизматлари маркази
<b>Фарғона вилояти</b>	
12.	Қўқон шаҳар давлат хизматлари маркази
<b>Хоразм вилояти</b>	
13.	Хонқа тумани давлат хизматлари маркази
<b>Тошкент шаҳри</b>	
14.	Юнусобод тумани давлат хизматлари маркази

Изоҳ: мазкур Рўйхатга давлат хизматлари марказлари бино ва хоналарининг тайёрлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати раҳбари томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **310 Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5414-сон Фармонига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\*\*;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати тузилмаси 2-иловага\*\*;

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси бошқарув аппаратларининг намунавий тузилмаси 3-иловага\*;

чегара божхона постларининг намунавий тузилмаси 4-иловага\*;

ташқи иқтисодий фаолият божхона постларининг намунавий тузилмаси 5-иловага\*;

Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси аппаратлари штатларининг чекланган сони 6-иловага\*;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг божхона постлари рўйхати 7-иловага\*;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг фаолияти тугатилаётган божхона постлари рўйхати 8-иловага\*;

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низом 9-иловага\*;

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг Интизомий устави 10-иловага\*;

2018 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси божхона органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда Йўл харитаси деб юритилади) 11-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Йўл харитасини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимларининг (мутахассис, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) умумий чекланган штатлар сони 4 248 нафар, шу жумладан Қўмита марказий аппарати ходимларининг сони 240 нафар этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисига:

зарур ҳолларда, давлат божхона хизмати органлари ташкилий-штат тузилмаларига белгиланган умумий штат бирликлари доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Олий ҳарбий божхона институти илмий-педагогик ходимлари, шунингдек, ўқув-услубий жараёнига жалб этилган мутахассисларга ўқув машғулотларини ўтказганлик учун иш ҳақини соатбай тўлашнинг ўрнатилган миқдоридан 50 фоиз юқори белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига юкланган вазифаларни бажариш доирасида давлат органларининг, илғор лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва

---

\* 3 — 11-илвалар рус тилидаги матнда берилган.

хорижий компанияларнинг малакали мутахассисларини маслахатчилар сифатида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Давлат божхона сиёсатининг устувор йўналишлари келишилган ҳолда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси қўйидагилар учун шахсан жавобгар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

божхона органларига ҳар томонлама ривожланган ҳамда юксак маҳоратга эга, маънан етук ватанпарвар ёшларни жалб этишга қаратилган, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг принципиал жиҳатдан янги тизимини яратиш;

ходимларнинг хизматга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, қонун бузилишининг барча кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, ходимлар ўртасида соғлом муҳитни шакллантириш;

хизматни фидокорона олиб бораётган кадрларни ҳар томонлама рағбатлантириш, шунингдек, хизмат интизоми, қонун ҳужжатлари талабларини қўпол равишда бузган ходимларни интизомий ҳамда бошқа турдаги жавобгарликка тортилишини таъминлаш;

Олий ҳарбий божхона институти фаолиятини самарали ташкил этиш;

божхона органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, жамоатчилик, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари билан бевосита, мақсадли мулоқот ўрнатиш, шунингдек, фуқароларни шахсан қабул қилиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари қўйидагилар учун шахсан жавобгар ҳисобланади:

божхона иши ривожланишининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, божхона қонунчилиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, божхона соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат хизматлари кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, ахборотларни таҳлил қилиш ва ундан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш орқали божхона органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан бевосита алоқасиз мулоқот қилиш шаклларини жорий этиш;

хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ва самарали ишлашини таъминлаш, виждонли ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига нисбатан содалаштирилган божхона тартиб-таомилларини қўллаш тартибини шакллантириш;

божхона назоратининг замонавий усул, шакл ва техник воситаларини жорий этиш орқали товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш схемаларини аниқлаш;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосарлари қўйидагилар учун шахсан жавобгар ҳисобланади:

ташқи савдо операцияларини мониторинг қилиш, экспорт-импорт шартномалари ижросини таҳлил қилиш, товарлар экспорти прогнозларини бажариш, ташқи савдо операцияларини амалга оширишда валюта қонунчилигига риоя қилиш;

божхона статистикасининг шаклланиши ва ишончилиги, Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдоси ҳамда мамлакатнинг савдосидаги асосий ҳамкорлари — давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқалари ривожига ҳақида таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

статистик маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш, ташқи савдо соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш мақсадида хорижий мамлакатларнинг божхона хизматлари билан ахборот алмашиш;

товарларнинг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси бўйича тўғри таснифланишини баҳолаш, уларнинг божхона қийматини аниқлаш, божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш, шунингдек, ушбу масалаларда услубий ёрдам кўрсатишни назарда тутадиган божхона постлари фаолияти устидан ишончли назорат тизимини ишлаб чиқиш;

контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашишнинг ҳолати ва самарадорлиги, товарларни ноқонуний олиб кириш механизмларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, қонун бузилишининг олдини олиш бўйича самарали чоралар ишлаб чиқиш, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;

хорижий мамлакатлар божхона органлари ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш, божхона иши соҳасидаги илғор тажрибаларни тизимли ўрганиш ва жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Миллий кинология марказининг фаолиятини самарали ташкил этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив кўриб чиқиш, фуқароларни шахсан қабул қилиш;

божхона органларининг бино ва иншоотларини жорий ва капитал таъмирлаш, ходимларни компьютер ва бошқа ускуналар, алоқа ҳамда божхона назорати воситалари билан таъминлаш, юклатилган вазибаларни самарали бажаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

#### 6. Белгилаб қўйилсинки:

хизматда бўлиш чегараланган ёш сержантлар таркибидаги ходимлар учун — эллик ёш, офицерлар таркиби учун — эллик беш ёш, генераллар таркиби учун олтмиш ёшни ташкил қилади;

пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддати календарь ҳисобида йигирма йилни ташкил қилади, шундан имтиёзли ҳисобланадиган давр фақат ходимларга пенсия миқдорини ҳисоблашда инобатга олинади.

#### 7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси, Олий ҳарбий божхона институти, Ўзбекистон Республикаси Миллий кинология марказининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек,

божхона постлари бошлиқларининг шахсий жавобгарлик соҳасини белгиласин;

икки ой муддатда марказий аппарат ва таркибий тузилмаларни юклатилган вазифаларни профессионал даражада бажара оладиган, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 апрель,  
ПҚ-3665-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **311 Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида\***

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3221-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қўйидагилар:

Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар берганлик учун давлат божи миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Авиация ва темир йўл транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун аввал берилган лицензиялар уларнинг муддати тугагунига қадар амал қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Комиссия таркибини қайта кўриб чиқишни ҳисобга олган

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 апрелда эълон қилинган.

ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда авиация транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи Д.Б. Аҳмедов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 9 апрель,  
278-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 9 апрелдаги 278-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл  
транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш  
фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси деб аталади) томонидан амалга оширилади.

3. Аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйган ҳамда авария-қутқариш ва тиклаш ишларини амалга оширишни талаб этадиган табиий офатлар, эпидемиялар, йирик авариялар оқибатларини тугатиш ҳамда Ҳукумат қарорларига биноан мурувват юкларини етказиб бериш билан боғлиқ бўлган ташишларни амалга ошириш, шунингдек, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасида назарда тутилган ташкилотларга маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия (кейинги ўринларда лицензия деб аталади) олиш талаб этилмайди.

4. Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия олинган фаолият тури фақат лицензияни олган юридик шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Лицензияларни ёки уларга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

5. Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра, лицензия умуман фаолият турига ёхуд унинг қўйидаги қисмларига берилади:

маҳаллий йўналишда йўловчилар ташиш;

халқаро йўналишда йўловчилар ташиш;

маҳаллий йўналишда юклар ташиш;

халқаро йўналишда юклар ташиш.

6. Лицензия беш йил муддатга берилади. Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия беш йилдан кам бўлган муддатга берилиши мумкин.

7. Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

## **2-боб. Лицензия талаблари ва шартлари**

8. Қўйидагилар темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

конун ҳужжатларига, шунингдек, юкларни ташиш қоидалари, темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багажларни ташиш қоидаларига ҳамда темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида техник тартибга солиш, темир йўл транспортининг ҳаракатланувчи таркиби, объектлари ва техник воситаларини сақлаш, таъмирлаш, уларга хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларга мажбурий риоя қилиш;

ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган, темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида техник тартибга солиш, темир йўл транспортининг ҳаракатланувчи таркиби, объектлари ва техник воситаларини сақлаш, таъмирлаш, уларга хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва норматив ҳужжатларни билиш бўйича «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтган мансабдор шахсларнинг штатда мавжуд бўлиши;

локомотив, йўловчи ёки юк ташиш вагонининг тегишли темир йўл ҳаракатланувчи таркиби томонидан режали таъмирлаш турларидан ўтганлигини тасдиқловчи техник паспортининг (формуляри) мавжуд бўлиши;

темир йўлда ташишлар хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва экологияси, ҳаракатланувчи таркибни техник соз ҳолатда

сақлаш, унинг бутлигини таъминлаш, техник кўриқдан ўтказиш, техника хавфсизлигини таъминлаш, локомотивни рейсдан олдин техник кўриқдан ва тегишли ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича талаблар ва нормаларнинг бажарилиши;

йўловчилар ва юкларни ташишда фойдаланиладиган ҳаракатланувчи таркибнинг, шунингдек, ходимларнинг темир йўл транспортида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши;

ҳаракатланувчи таркибнинг хизмат муддати узайтирилганлиги тўғрисидаги зарур гувоҳномаларнинг, янгидан сотиб олинган ҳаракатланувчи таркиб учун сертификатларнинг, кириш йўлининг техник паспорти ҳамда кириш йўлида хизмат кўрсатиш, ҳаракатни ташкил этиш ва манёвр ишларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларнинг мавжуд бўлиши;

лицензияланадиган фаолиятнинг лицензияда кўрсатилган ҳаракат зонаси доирасида амалга оширилиши;

шартномалар тузишда — мижозларнинг талабига кўра ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш пайтида — назорат қилувчи органларга лицензияни тақдим этиш;

«Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг талабига кўра лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида юзага келадиган масалалар бўйича зарур ахборотни унга тақдим этиш.

### **3-боб. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар**

9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банкнинг номи ва юридик шахснинг банкдаги ҳисоб-рақами, юридик шахс амалга оширишни кўзлаётган фаолиятнинг лицензияланадиган тури (унинг бир қисми) ва фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат, шунингдек, аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилган ҳолда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда лицензия бериш тўғрисидаги ариза. Лицензия бериш тўғрисидаги аризада лицензия талабгорининг электрон манзили ҳам кўрсатилиши мумкин;

талабгорга мулк ҳуқуқи, бошқа ашёвий ҳуқуқлар ёки ижара шартномаси асосида тегишли бўлган ҳаракатланувчи таркибнинг ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги рўйхати;

темир йўл транспортида ташиш жараёнига жалб қилинган раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича рўйхати;

темир йўл транспортида ташиш жараёнига, кириш йўлларининг, ҳаракатланувчи таркибнинг техник ҳолатига, тормоз бошмоқларининг сақланиши ва ҳисобини юритишга, ҳаракатланувчи таркибнинг ҳаракатланиш хавфсизлиги ва бутлигини таъминлашга масъул шахсларни тайинлаш тўғрисида юридик шахс раҳбарининг буйруғидан нусха;

аризани кўриб чиқиш учун белгиланган йиғимнинг лицензия талабгори

томонидан тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномасининг нусхаси).

10. Лицензия талабгоридан ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясига бевосита, почта алоқа воситалари ёки уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади) орқали электрон шаклда тақдим этилади.

Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар лицензия талабгорининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Лицензия бериш тўғрисидаги аризада лицензия талабгори электрон манзилининг кўрсатилиши унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақидаги хабарномани электрон шаклда олишга розилиги ҳисобланади.

Лицензия олиш учун «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясига тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади ва рўйхатнинг нусхаси ариза берувчига ҳужжатлар белгиланган орган томонидан қабул қилинган сана қайд этилган ҳолда топширилади (юборилади).

12. Лицензия талабгори томонидан лицензия олиш учун тақдим қилинган зарур ҳужжатлар «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси уларнинг аксини тасдиқламагунича барча ҳолатларда ишончли ҳисобланади.

Ишончли бўлмаган ёки сохталаштирилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

13. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясига лицензиялаш учун бошқа ташкилотлар томонидан бериладиган ҳужжатларни олиш талаб қилинган ҳолатларда, лицензиялаш соддалаштирилган тартибда «ягона дарча» тамойили бўйича амалга оширилади ва бунда «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси кўрсатилган ҳужжатларни юридик шахснинг иштирокисиз мустақил равишда олади.

#### **4-боб. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

14. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун ариза берилган кунда қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензия талабгорининг аризаси, шу жумладан Ягона портал орқали тақдим этилган аризалар кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясининг банк ҳисобрақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

15. Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ошмайдиган муддатда қабул қилинади.

16. Лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ва зарур ҳужжатларни (кўрик далолатномаси, техник, эксперт хулосалари ва бошқаларни) тайёрлаш «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг лицензиялашни ташкил қилиш бўлими (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) томонидан амалга оширилади.

17. Ишчи орган ҳужжатларни ариза олинган кундан бошлаб, йигирма иш кунидан ошмайдиган муддатда кўриб чиқади, жойларга бориб лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларини бажариш имкониятини ўрганadi, ўрганиш натижалари бўйича эксперт хулосасини тайёрлайди ва уни «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси раҳбарига (раҳбар бўлмаганда — унинг ўринбосарига) лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги баённома қарорининг тегишли лойиҳаси билан бирга тасдиқлаш учун тақдим этади.

«Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси раҳбари (раҳбар бўлмаганда — унинг ўринбосари) ишчи органнинг эксперт хулосаси олингандан сўнг ўн иш кунидан ошмайдиган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги баённомани тасдиқлайди.

«Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш учун асос ҳисобланади.

18. «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан кейин уч иш кунни мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисобрақамининг реквизитлари, давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этиш сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқишга тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда, шу жумладан электрон шаклда ахборот тизими орқали юборилади (топширилади). Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

Лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси билдиришномасида белгиланган муддатда бартараф этилган тақдирда, ҳужжатлар «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси томонидан лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмайдиган муддатда қайта кўриб чиқилади. Лицензия талабгорининг аризаси қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада аввал кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича лицензия бериш рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори «Ўздавтемирўлназорат» инспекциясининг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек, мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

19. Лицензия талабгори томонидан лицензия беришни рад этиш ҳақидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин тақдим этилган ариза янги берилган деб ҳисобланади.

20. Лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақида билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида «Ўздавтемирўлназорат» инспекциясига лицензия бериш учун давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёки лицензия битимини имзоламаса, «Ўздавтемирўлназорат» инспекцияси мазкур лицензияни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

21. Лицензияловчи орган билан лицензиат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи лицензия битими «Ўздавтемирўлназорат» инспекцияси билан лицензиат ўртасида тузилади ва қўйидагиларни ўз ичига олган бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;

томонларнинг реқвизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилётган аниқ фаолият турининг номи; лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

«Ўздавтемирўлназорат» инспекцияси томонидан лицензиатнинг лицензия битими талаблари ва шартларини бажаришини назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва «Ўздавтемирўлназорат» инспекцияси учун бир нусхадан тузилади.

22. Лицензия махсус бланкада расмийлаштирилади. Лицензия бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланиш даражасига эга бўлади. Лицензия бланкасининг намунаси «Ўздавтемирўлназорат» инспекцияси томонидан ишлаб чиқилади ва «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Лицензиялар бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун «Ўздавтемирўлназорат» инспекцияси раҳбари жавоб беради.

23. Лицензиялар лицензия талабгори давлат божи тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этганидан ва лицензия битимини имзолаганидан кейин икки кун муддатда «Ўздавтемирўлназорат» инспекцияси томонидан расмийлаштирилади ва берилди.

Лицензиялар «Ўздавтемирўлназорат» инспекциясининг бошлиғи (раҳбар бўлмаганда — унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

**5-боб. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва дубликат бериш**

24. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ой муддатда «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясига кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Янги ташкил этилган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган санада бир хил турдаги лицензияланган фаолиятни амалга ошириш лицензиясига эга бўлган лицензиатлар — юридик шахслар қўшилган тақдирда, лицензияни ушбу банднинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади.

Лицензиянинг лицензияланадиган фаолият турининг бир қисми (қисмлари) учун амал қилиши тўхтатилганда лицензия қайта расмийлаштирилади.

25. Лицензия қайта расмийлаштирилгунига қадар лицензиат унда белгиланган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

26. Лицензия қайта расмийлаштирилганда «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Лицензиялар «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси томонидан қайта расмийлаштириш тўғрисида тегишли ҳужжатлар илова қилинган ариза олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида қайта расмийлаштирилади.

Лицензия қайта расмийлаштирилганда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун тўланадиган сумманинг ярми миқдоридида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясининг банк ҳисобрақамига ўтказилади.

27. Лицензиянинг амал қилиш муддати лицензиатнинг аризасига кўра узайтирилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясига лицензиянинг амал қилиш муддати тугашидан икки ойдан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

28. Йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган ва амал қилиш муддати тугамаган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилади.

Лицензия дубликатларини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун тўланадиган сумманинг ярми миқдоридида йиғим ундирилади.

### **6-боб. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

29. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилинади.

30. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишда «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

лицензиатнинг лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширувдан ўтказиш пайтида юзага келувчи масалалар бўйича лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларини бажариш имкониятини жойига бориб ўрганиш;

текширишлар натижалари асосида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилиш ҳолатларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган камчиликларни бартараф этиш мажбуриятини юклайдиган қарорлар чиқариш ва бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан темир йўл транспорти соҳасида йўловчилар ва юкларни ташиш фаолияти лицензиясиз амалга оширилган ҳолатлар аниқлангани тўғрисидаги материалларни солиқ органларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш учун белгиланган тартибда юбориш.

«Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

31. Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларини бузиш ҳолатлари аниқлаганда «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясига аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар беради.

### **7-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

32. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 24-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

33. Амал қилиш муддати тўхтатиб турилган ёки тўхтатилган лицензиялар, шунингдек, бекор қилинган лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар

«Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси томонидан тегишли ахборот ресурсларига киритилади.

34. Қуйидаги ҳолатлар лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўладиган лицензия талаблари ва шартларининг қўпол бузилиши ҳисобланади:

лицензиат томонидан темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида техник тартибга солиш, темир йўл транспортининг ҳаракатланувчи таркиби, объектлари ва техник воситаларини сақлаш, таъмирлаш, уларга хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлар талабларининг мунтазам (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ) бузилиши;

темир йўл транспортида ташишлар жараёни билан боғлиқ ишларнинг тегишли йўналишлари бўйича олий ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумоти тўғрисидаги дипломга эга бўлмаган мутахассислар томонидан амалга оширилиши;

лицензияни олишда қалбаки ҳужжатлардан фойдаланилгани тўғрисидаги далилларнинг аниқланиши.

35. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

### **8-боб. Лицензиялар реестри**

36. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси лицензиялар реестрини юритади. Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак: юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига лицензия бериш тўғрисидаги маълумотлар;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асоси ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилиш асослари ва санаси;

дубликат беришнинг асослари ва санаси.

37. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиш учун очик ҳисобланади.

### **9-боб. Давлат божини тўлаш тартиби**

38. Темир йўл транспортида йўловчилар ва юкларни ташиш фаолияти-

ни амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар берилгани ва уларнинг амал қилиш муддати узайтирилгани учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда давлат божи ундирилади.

Лицензиялар берилганлиги учун ундирилган давлат божи маблағлари «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг банк ҳисобрақамига ўтказилади ва қуйидаги тартибда тақсимланади:

«Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясини сақлашга — 20 фоиз;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига — 80 фоиз.

### 10-боб. Якунловчи қоида

39. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича  
темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда  
юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш СХЕМАСИ

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Лицензия талабгори — юридик шахс	1. Лицензия олиш учун аризани ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни тайёрлайди. 2. «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясига ариза ва ҳужжатларни бевосита, почта алоқа воситалари ёки уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан Ягона портал орқали электрон шаклда тақдим этади.	лицензия талабгори хоҳишига кўра
2-босқич	«Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг лицензиялашни ташкил этиш бўлими (ишчи органи)	1. Ариза ва ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади ва унинг нусхасини ҳужжатлар қабул қилиб олинган санани кўрсатган ҳолда ариза берувчига юборади (топширади). 2. Жойига бориб, лицензияланаётган фаолият турини амалга ошириш учун шароитлар мувофиқлигини экспертизадан ўтказади (текширади), текширув натижалари бўйича шароитларнинг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ ёки номувофиқлиги юзасидан эксперт ҳулосасини ҳамда лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор баённомасининг лойиҳасини тайёрлайди ва уларни «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси раҳбарига кўриб чиқиш учун кирилтади.	ҳужжатлар қабул қилинган кунда  «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясига ариза келиб тушган кундан эътиборан 20 иш кuni мобайнида

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
		3. Илгари лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилгандан кейин лицензия талабгори томонидан ҳужжатлар қайта тақдим этилган тақдирда, ҳужжатларни кўриб чиқади ва эксперт хулосасини тайёрлайди.	ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин 5 иш куни мобайнида
3-босқич	«Ўздавтемир-йўлназорат» инспекцияси раҳбари	Раҳбар ишчи органнинг эксперт хулосасини кўриб чиқади ва баённомани унда лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни кўрсатган ҳолда тасдиқлайди.	эксперт хулосаси тақдим этилгандан кейин 10 иш куни (қайта кўриб чиқилганда 5 иш куни) мобайнида
4-босқич	«Ўздавтемир-йўлназорат» инспекцияси	1. Лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади. Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилингани тўғрисидаги хабарнома билан бир вақтнинг ўзида лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия шартномаси юборилади. 2. Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ҳолларда рад этиш тўғрисидаги хабарнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабабларини ҳамда лицензия талабгори томонидан кўрсатилган сабаблар бартараф этилиб, ҳужжатлар қайта кўриб чиқиш учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).	тегишли қарор қабул қилинганидан кейин 3 иш куни мобайнида
5-босқич	Лицензия талабгори	1. Лицензия бериш учун давлат божини тўлайди ва лицензия битимини имзолайди. 2. Лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларнинг қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.	лицензияга лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан уч ойдан кечикмасдан лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада белгиланган муддатда
6-босқич	«Ўздавтемир-йўлназорат» инспекцияси	1. Лицензия талабгори давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиб, лицензия битимини имзолаганидан кейин лицензия бланкасини расмийлаштиради ва лицензия реестрига тегишли ёзувларни киритади. 2. Лицензияга тегишли лицензияни беради.	лицензия битими имзоланиб, давлат божи тўланганидан кейин икки кун муддатда

Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича  
темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда  
юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

НАМУНА

**Лицензия бериш тўғрисида  
АРИЗА**

1. Юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли:

2. Юридик шахснинг жойлашган жойи (почта манзили):

Индекси: \_\_\_\_\_

Телефон рақами \_\_\_\_\_ факс: \_\_\_\_\_ электрон манзили

3. Банк номи ва банк реквизитлари:

Юридик шахснинг банк ҳисобрақамлари \_\_\_\_\_

МФО \_\_\_\_\_ СТИР \_\_\_\_\_ ОКОНХ \_\_\_\_\_

4. Юридик шахс амалга оширишни кўзлаётган фаолият тури (унинг қисми) ва кўрсатилган фаолият турини амалга ошириш муддати \_\_\_\_\_

5. Аризага илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

(Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди талабларига мувофиқ)

**Ариза берувчи**

**ташкilot раҳбари** \_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл  
транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш  
фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

НАМУНА

\_\_\_\_\_ нинг мулк ҳуқуқи, бошқа ашёвий ҳуқуқлар  
(юридик шахс номи)  
**ёки ижара шартномаси асосида тегишли бўлган ҳаракатланувчи таркибнинг  
РЎЙХАТИ**

1. Вагонлар:

Т/р	Мулкчилик шакли (шахсий, ижарага олинган ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида)	Вагон тури	Вагон рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Охирги таъмирлаш санаси, амалга оширилган жойи	
					ТМ	ТЖ
1.						
2.						
3.						
...						

2. Тепловозлар:

Т/р	Мулкчилик шакли (шахсий, ижарага олинган ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида)	Тепловоз серияси	Тепловоз рақами	Ишлаб чиқарилган йил	Охирги таъмирлаш санаси, амалга оширилган жойи	
					ТМ	ТЖ
1.						
2.						
3.						
...						

Ариза берувчи ташкилот раҳбари

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл  
транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш  
фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

НАМУНА

**Темир йўл транспортида ташиш жараёнига жалб қилинган раҳбарлар ва мутахассислар  
РЎЙХАТИ**

\_\_\_\_\_ (юридик шахс номи)

Т/р	Ф.И.О.	Лавозими	Маълумоти, қайси ўқув муассасасини тугатган ва тугатган йили	Мазкур лавозимдаги иш стажи
1.				
2.				
3.				
...				

*Изоҳ: ушбу рўйхатга локомотив бригадаси ходимининг (машинист ва машинист ёрдамчиси) юк тортувчи ҳаракатланувчи таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномасининг нусхаси ҳам илова қилиниши лозим.*

**Ариза берувчи ташкилот раҳбари**

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

М.ў.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 9 апрелдаги 278-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида  
йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш  
хуқуқини берувчи лицензиялар берилганлиги учун давлат бож  
МИҚДОРЛАРИ**

Фаолият турлари	Бож миқдори (энг кам ойлик иш ҳақи)
Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш	250
Маҳаллий йўналишлар бўйича йўловчиларни ташиш	30
Халқаро йўналишлар бўйича йўловчиларни ташиш	45
Маҳаллий йўналишлар бўйича юкларни ташиш	50
Халқаро йўналишлар бўйича юкларни ташиш	100

*Изоҳ: давлат божининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг лицензия олиш учун давлат божини тўлаш кунда белгиланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда беш йилга белгиланган.*

*Давлат бож лицензиянинг амал қилиш даврида ҳар йили тенг улушларда тўланиши мумкин. Бунда ҳар йилги навбатдаги тўлов лицензиядан фойдаланишнинг навбатдаги йили бошланишидан камида 30 кун олдин тўланади.*

*Навбатдаги тўлов белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда лицензиянинг амал қилиши белгиланган тартибда тўхтатиб қўйилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 9 апрелдаги 278-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхатида:

а) «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» бўлимининг тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўнинчи — йигирма биринчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) «Туман (шаҳар) ҳокимликлари» бўлимидан кейин қуйидаги мазмундаги бўлим қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси.

Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 73-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбоши, шунингдек, қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Авиация транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича тегишли кичик комиссияга эга бўлган Вазирлар Маҳкамасининг Комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) тузилсин»;

в) 3-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баёт этилсин:

«Комиссия авиация транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича кичик комиссиянинг ишини мувофиқлаштиради ва унга умумий раҳбарлик қилади, шунингдек, унинг фаолиятини ҳамда «Дававианазорат» инспекциясининг авиация транспорти соҳасидаги лицензиялаш фаолиятини назорат қилади, лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

кичик комиссия лицензия талабгорларидан тегишли ҳужжатларни қабул қилади, улар бўйича эксперт хулосалар ва Комиссия қарорларининг лойиҳаларини тайёрлайди, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ва қайта тиклаш тўғрисида қарорлар қабул қилади. «Дававианазорат» инспекцияси кичик комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради»;

г) 3-илова 3-банднинг биринчи хатбошидан «ва темир йўл» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 7-илованинг 1 — «Темир йўл транспорти» бўлими ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 30-сон, 344-модда) 16-иловасида:

а) «Авиация ва темир йўл транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг Комиссияси таркиби» сўзлари «Авиация транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг Комиссияси таркиби» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) авиация транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг Комиссияси таркибидаги «Юсупов Б.В. — Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси бошлиғи» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) темир йўл транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича кичик комиссия таркиби чиқариб ташлансин.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ****314 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат  
реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 753-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 6 апрелдаги ҳулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 30 мартдаги ВП/04-01-32-08/397-сон Хорижий валютадаги ҳисобварақларида маблағлари бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджет олдидаги мажбуриятларини бажариш тартибини (рўйхат рақами 753, 1999 йил 21 июнь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш масаласи юзасидан хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хорижий валютадаги ҳисобварақларида маблағлари бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджет олдидаги мажбуриятларини бажариш тартиби (рўйхат рақами 753, 1999 йил 21 июнь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 апрелда эълон қилинган.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 9 апрель,  
217-мх

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**315** Тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг на-  
мунавий шаклларининг 6-иловасига ўзгартириш ки-  
ритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2848-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5278-сон «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 20 декабрдаги 294-мх-сон «Тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг намунавий шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2848, 2016 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 51-сон, 586-модда) 6-иловаси 2 ва 6-бандларидаги «Ягона дарча» марказидан» деган сўзлар «Давлат хизматлари марказидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (О. Файзуллаев) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Давлат хизматлари агентлиги (Х. Турахужаев) ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси (А. Мадаминов) ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодатель-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 апрелда эълон қилинган.

ства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Давлат хизматлари агентлиги директори Х. Турахужаев зиммасига юклансин.

**Адлия вазири**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 9 апрель,  
218-мҳ-сон

*Келишилган:*

*Савдо саноат  
палатаси раиси*

**А. ИКРАМОВ**

*2018 йил 9 апрель*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**316** Юридик шахсларнинг номига давлатнинг расмий номини, шунингдек ундан ҳосила сўзларни қўшиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2633-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5278-сон «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 9 декабрдаги 6 ва 5-мб-сон қарори (рўйхат рақами 2633, 2014 йил 10 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 601-модда) билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг номига давлатнинг расмий номини, шунингдек ундан ҳосила сўзларни қўшиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 2-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«адлия органлари — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари;

рўйхатга олувчи органлар — Давлат хизматлари марказлари».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Адлия вазири**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 апрель,  
4-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 апрелда эълон қилинган.

**Давлат статистика  
қўмитаси раиси****Б. БЕГАЛОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 апрель,  
2-мб-сон

*Келишилган:***Марказий банки раиси****М. НУРМУРАТОВ**

2018 йил 5 апрель

**Хусусийлаштирилган корхоналарга  
қўмаклашиш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат  
қўмитаси раиси****Р. ГУЛЯМОВ**

2018 йил 5 апрель

**Савдо саноат  
палатаси раиси****А. ИКРАМОВ**

2018 йил 5 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**317 Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2361-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 2 апрелдаги 90-сон буйруғи (рўйхат рақами 2361, 2012 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 220-модда) билан тасдиқланган Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 29 март,  
66-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2018 йил 29 мартдаги  
66-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 12-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «дипломнинг нотариал» деган сўзлар «диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«меҳнат дафтарчаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ёки унинг иш берувчи томонидан тасдиқланган нусхаси;»;

еттинчи хатбошидаги «сертификатининг нотариал ёки сертификат» деган сўзлар «сертификати (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ёки ушбу сертификатни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбоши «хужжати» деган сўздан кейин «нусхаси» деган сўз билан тўлдирилсин.

2. 56-банддан «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 58-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «тўлов хужжати» деган сўзлар «тўлов хужжатининг нусхаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 72-банднинг иккинчи хатбошисидан «ва у ички аудит хизматида ишлаб турган хўжалик юритувчи субъектга» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Ўзбекистон аудиторлар палатаси ва Ўзбекистон бухгалтерлар федерацияси билан келишилган.

*Ўзбекистон бухгалтерлар ва  
аудиторлар миллий ассоциацияси  
Кенгаши раиси*

*М. ТУЛАХОДЖАЕВА*

*2018 йил 29 март*

*Ўзбекистон аудиторлар  
палатаси Кенгаши раиси*

*Н. КАРИМОВ*

*2018 йил 29 март*

*Ўзбекистон бухгалтерлар  
федерацияси Бошқаруви раиси*

*Н. ИБРАГИМОВ*

*2018 йил 29 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**318** Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2490-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 23 июлдаги 206-сон «Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ҳамда 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2013 йил 24 июлдаги 01-268-сон буйруғи (рўйхат рақами 2490, 2013 йил 26 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 30-сон, 405-модда) билан тасдиқланган Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандидаги «3 — 15-саналари» деган сўзлар «5 — 20-саналари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ Тошкент давлат юридик университети билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**М. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 4 апрель,  
01-102-сон

*Келишилган:*

*Адлия вазири ўринбосари —  
Тошкент давлат юридик  
университети ректори*

**Е. КАНЬЯЗОВ**

*2018 йил 4 апрель*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎМОНДОНИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**319** Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти базасида идоравий ўқотар қуrol ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2997*

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти базасида идоравий ўқотар қуrol ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Ҳарбий-техника институти базасида идоравий ўқотар қуrol ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Қўмондон**

**Б. ТАШМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 31 март,  
83-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил  
31 мартдаги 83-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти базасида идоравий ўқотар қуrol ва  
махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга  
рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва  
қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Ҳарбий-техник институти (бундан буён матнда Институт деб юритилади) базасида ташкилотларнинг идоравий ўқотар қуrol ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**қуrol** — ташкилотлар ходимлари томонидан олиб юриш ва фойдаланишга мўлжалланган идоравий ўқотар қуrol;

**махсус воситалар** — ташкилотлар ходимлари томонидан олиб юриш ҳамда фойдаланишга мўлжалланган махсус резина таёқлари ва қўл кишанлари;

**махсус курслар** — ташкилотларнинг қуrol ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ходимларини Институт базасида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ташкил этиладиган назарий ва амалий ўқув машғулотлари мажмуаси;

**ташкилот** — ўз фаолияти хусусиятига кўра қуrol ва махсус воситаларга эга бўлган ва улардан фойдаланадиган юридик шахс;

**сертификат** — ходимнинг махсус курслардан муваффақиятли ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**ходимлар** — ташкилотларнинг лавозим мажбуриятлари бўйича зиммасига юклатилган хизмат вазифаларини бажаришда қуrol ва (ёки) махсус воситаларни олиб юрадиган ҳамда улардан фойдаланадиган ходимлари.

2. Махсус курслар (тайёрлаш ва қайта тайёрлаш):

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, мол-мулкни, қимматбаҳо ва хавфли юкларни, махсус почтани қўриқлаш, табиат ва табиий бойликларни муҳофаза қилиш, шунингдек қуrol ва махсус воситалар муомаласига доир қонун ҳужжатларининг асосий талаблари;

қўриқланадиган объектларни (кузатилаётган мол-мулкларни) қўриқлаш, уларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, қўриқланадиган объектларда рухсат бериш ва объект ички режимини таъминлаш, хизмат йўналишлари-

да (постларда) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича хизмат вазифалари, уларни бажариш шакллари ва усуллари;

кўриқлашнинг (мол-мулкларни кузатишнинг) илғор муҳандислик-техник воситалари ва усуллари, замонавий радио ҳамда симли алоқа воситаларининг турлари ва техник тавсифлари, улардан фойдаланиш ва радиоалоқани ташкиллаштириш қоидалари;

уюшган гуруҳ, жиноий уюшма, террорчилик-қўпоровчилик гуруҳлари ва уларнинг аъзолари томонидан қўлланилаётган тактик усуллар ва уларнинг хусусиятлари, улар фаолиятини амалга оширишда фойдаланиладиган портловчи қурилмалар, қурол-яроғлар, техник ва бошқа воситалар;

шахсларни, уларнинг буюмларини ва транспорт воситаларини кўздан кечиришнинг илғор муҳандислик ва махсус техник воситалари, уларнинг турлари, техник тавсифлари ҳамда улардан фойдаланиш тартиби;

тан жароҳатларининг асосий турлари бўйича бирламчи шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмалари;

фойдаланиладиган қурол ва махсус воситаларнинг асосий турлари ҳамда тактик ва техник тавсифлари, уларни сақлаш, олиб юриш ва фойдаланиш тартиби, қурол билан муомала қилишда хавфсизлик қоидалари, қурол ва махсус воситаларни қўллаш ҳамда жисмоний куч ишлатиш усуллари;

табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда ҳодисалар ва вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этишда қатнашиш;

кўриқланаётган объектларни (кузатилаётган мол-мулкни) террорчилик-қўпоровчилик ҳаракатлар содир этилишидан ҳамда жиноий тажовузлардан ишончли кўриқлашни ташкил этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари, жамоатчилик вакиллари билан ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлаш чоралари бўйича назарий билимларни олиш ва амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш мақсадларида ташкил этилади.

3. Ташкилотларнинг идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланиш рухсат берилган ходимларини тайёрлаш курслари ходимларнинг ташкилотларда ташкил этилган идоравий жанговар хизмат, ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-психологик ва жисмоний тайёргарлик курсларида ўзлаштирган бошланғич билимлари, кўникмалари ва тажрибаларини янада такомиллаштириш, мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилади.

4. Ташкилотларнинг идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланиш рухсат берилган ходимларини қайта тайёрлаш курслари ходимларнинг тайёрлаш курсларида олинган билимлари, кўникмалари ва тажрибаларини тизимли чуқурлаштириш, кенгайтириш ва янгилаш, шунингдек уларнинг хизмат фаолияти йўналишлари бўйича зарур, етарли ҳажмдаги янги билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилади.

5. Ходимларни қайта тайёрлаш беш йилда камида бир марта амалга оширилади.

6. Махсус курсларда ўқув машғулотлар Институт бошлиғи томонидан тасдиқланган дастурлар асосида ўтказилади.

7. Махсус курсларни ташкил этиш ва ўқитиш натижаларини таҳлил

қилиб бориш, уларни моддий-техника ва услубий жиҳатдан таъминлаш Институт томонидан амалга оширилади.

8. Махсус курслар ишлаб чиқаришдан (ишдан) ажралган ҳолда, одатда, қатнаб ўқиш шаклида Институт ва ташкилот ўртасида тузилган шартномага мувофиқ пуллик асосда амалга оширилади.

9. Ходимларнинг махсус курслардан ўтганлиги иккинчи таълим олиш ҳисобланмайди.

10. Институтда ўқиш даврида ходимларнинг асосий иш жойи бўйича ўртача иш ҳақи ва эгаллаб турган лавозими сақланиб қолади.

11. Ташкилотлар қурол ва махсус воситалар бириктирилган ўз ходимларини мазкур Низомда белгиланган тартибда махсус курслардан ўтишини таъминлаши лозим.

Махсус курсларга юборилган ходимлар ўқув машғулотларида иштирок этишга, Институтнинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилишга мажбурдир.

## **2-боб. Ходимларини махсус курсларга юбориш**

12. Қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланиш рухсат берилган лавозимларга янгидан қабул қилинган ходимлар ташкилотлар томонидан тайёрлаш курсларида ўқитиш учун юборилади.

Ходимнинг тайёргарлик даражасини ташкилот томонидан текшириш натижалари қониқарсиз деб топилганда, ушбу ходим такроран тайёрлаш курсларига ўқитиш учун юборилади.

13. Ташкилотлар томонидан ходимлар қўйидаги ҳолларда қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш учун юборилиши лозим:

ходимга берилган сертификатнинг амал қилиш муддати тугаётганда;

ходимнинг лавозим мажбуриятлари ўзгарганда (оддий ходимлар таркибидаги лавозимдан кичик ва ўрта бошлиқлар таркибидаги лавозимга ёхуд кичик ва ўрта бошлиқлар таркибидаги лавозимдан катта бошлиқлар таркибидаги лавозимга ўтказилганда).

14. Махсус курсларга тиббий текширувдан муваффақиятли ўтган қурол ва махсус воситалар бириктирилган ходимлар ташкилот раҳбарининг буйруғига мувофиқ юборилади. Тайёрлаш курсларига юборилаётган ходимлар ташкилотларда ташкил этилган идоравий жанговар хизмат, ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-психологик ва жисмоний тайёргарлик курсларидан ҳам муваффақиятли ўтган бўлиши лозим.

15. Махсус курсларга юборилаётган ходимларга ташкилот раҳбарининг имзоси ва ташкилот муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган маълумотнома берилади.

Ушбу маълумотномада ходимнинг ташкилотда ташкил этилган идоравий курслардан (тайёрлов курсларига юборилган ходимлар учун) ва тиббий текширувдан ўтган саналари ҳамда уларнинг натижалари кўрсатилиши шарт.

16. Кейинги йилда махсус курсларда ўқитилиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхати (бундан буён матнда рўйхат деб юритилади) ташкилотлар

томонидан ҳар йили 20 ноябргача мазкур Низомнинг тегишлича 1 ва 2-иловаларига мувофиқ шаклда юқори турувчи ташкилотга юборилади. Юқори турувчи ташкилоти бўлмаган тақдирда, рўйхат ташкилот томонидан ҳар йили 1 декабргача Институтга юборилади.

Рўйхатларни шакллантиришда кейинги йил давомида сертификатининг амал қилиш муддати тугайдиган ходимлар ҳисобга олинади.

17. Юқори турувчи ташкилотлар ўз тизимига кирувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган рўйхатларни умумлаштиригандан сўнг, тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш курсларини алоҳида кўрсатган ҳолда уларни ҳар йили 1 декабргача Институтга юборади.

18. Институт бошлиғи ҳар йили 20 декабргача ташкилотлар тақдим этган рўйхатларга асосан ходимларни кейинги йил учун махсус курсларда ўқитиш жадвали ва машғулотлар жадвалини, ўқув режаларини тасдиқлаш ҳақида буйруқ чиқаради.

Йил давомида ходимларни ўқитиш заруратига ҳамда Институтнинг ўқитиш имкониятларига қараб, ташкилотлардан қўшимча равишда тақдим этилган рўйхатлар асосида белгиланган тартибда махсус курсларга қўшимча ходимлар қабул қилиниши мумкин.

Ўқув режалар ва машғулотлар жадваллари ҳафталарга тақсимланган ҳолда ишлаб чиқилади.

19. Ўқув гуруҳлари, қоидага кўра, йигирма беш кишидан иборат таркибда шакллантирилади. Ўқув гуруҳларига киритилган ходимлар сони барча ҳолларда ўн беш нафардан кам ва ўттиз нафардан кўп бўлмаслиги лозим.

20. Буйруқда қуйидаги маълумотлар бўлиши шарт:  
махсус курс тури (тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш);  
ходимни юбораётган ташкилотнинг номи;  
махсус курсларда ўқиган ходимларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

гуруҳ рақами;

ўқув машғулотларнинг бошланиш ва тугалланиш санаси;

курс бошлиқлари.

21. Рўйхатдаги маълумотларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлганда, ташкилотлар тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни махсус курсларда ўқув машғулотлари бошлангунга қадар юқори турувчи ташкилотга, юқори турувчи ташкилот бўлмаган тақдирда, Институтга юборилади.

22. Ўқув машғулотлари бошланишидан камида ўттиз кун олдин Институт томонидан ўқитиш учун рўйхатлари тақдим этилган ташкилотларга мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда билдиришнома юборилади.

23. Ходимлар билдиришномада кўрсатилган муддатда шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжати), ташкилот томонидан берилган маълумотнома билан бирга Институтга етиб келишлари лозим.

Ташкилот раҳбарлари билдиришномада кўрсатилган ходимларнинг белгиланган муддатда Институтга етиб келиши учун масъулдир.

**3-боб. Махсус курслар ишини ташкил этиш**

24. Тайёрлаш курсларининг умумий давомийлиги икки ярим ҳафта (90 соат), қайта тайёрлаш курсларининг умумий давомийлиги эса, икки ҳафта (72 соат) этиб белгиланади. Бунда, махсус курсларда ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми бир ҳафтада 36 (54 академик) соатни, аудитория машғулотларининг энг кўп ҳажми эса, 24 (36 академик) соатни ташкил қилади.

Аудитория машғулотларининг давомийлиги 80 дақиқани ташкил этади (танаффуссиз, икки академик соат). Ўқув машғулотлари орасида танаффус эълон қилинади.

25. Ўқув машғулотлари Институт профессор-ўқитувчилари томонидан ўтказилади. Ўқув машғулотларини ўтказиш учун, зарур ҳолларда, бошқа вазирлик ва идораларнинг юқори малакали ходимлари ва тажрибали мутахассислари келишув асосида жалб этилиши мумкин.

26. Ўқув машғулотлари маъруза, амалий машғулот, мунозара, тажриба алмашиш, тренинг шаклларида, интерфаол ўқитиш услубларини қўллаган ҳолда ўтказилади. Алоҳида ўқув машғулотлар моделлаштириш ва симуляция ҳамда ахборот-ресурслар марказларида ўтказилиши мумкин.

Ўқув машғулотлари давомида ходимларга назорат топшириқлари (тест, ёзма иш ва хоказо) берилади.

27. Қурол ва махсус воситалар билан муомала қилиш бўйича машғулотлар Институтнинг қурол, ўқ-дорилар ва махсус воситалари билан амалга оширилади. Қуролдан ўқ отишни ўргатиш машғулотлари (ўқув ўқ отиш машқлари) Институтнинг панорамали ўқ отиш тренажери ва ўқ отиш тирида ўтказилади.

Ўқ отиш тиридаги ўқув ўқ отиш машқлари Институт бошлиғи томонидан ушбу машқлар учун масъул ходимлар (ўқ отиш машғулотлари раҳбари, навбатчи шифокор, қуршов гуруҳи) тайинлангандан сўнг ўтказилади. Ўқотиш тиридаги ўқув-отиш машқларини амалий бажаришга фақат ўқув-отиш машқларининг шартлари ва хавфсизлик қоидаларига оид билим ва кўникмалар бўйича ўтказилган назорат синовларидан муваффақиятли ўтган ходимларга рухсат берилади.

28. Махсус курсларда ўқитиш давомида ходимларнинг олган билимлари ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилган факультатив ва мустақил тайёргарлик дарслари ҳамда спорт тадбирлари ўтказилади.

29. Курс бошлиқлари ва ўқитувчилар томонидан амалий машғулотлар ўтказилишидан олдин ходимларга хавфсизлик қоидалари бўйича йўл-йўриқлар берилади, шунингдек ёнғин ва бошқа бахтсиз ҳодисаларнинг (авария, тан жароҳати олиш ва хоказо) олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўрилади.

30. Ўқув машғулотлари жараёнида ходимларнинг дарсларга қатнашиш давомати, уларни ўтказиш санаси, мавзуси, дарс соатлари миқдорлари, назорат топшириқлари натижалари ҳисоби юритилади.

31. Курслар бошлиқлари ва ўқитувчилар ходимларнинг Институтнинг

ички тартиб-қоидаларига амал қилиши ва ўқув машғулотларида иштирок этиши устидан доимий назорат қилиб борилиши лозим.

#### **4-боб. Имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш**

32. Ходимлар махсус курсларда ўқишни тугатгандан сўнг махсус, жисмоний ва ўқ отиш тайёргарлиги бўйича имтиҳонларни топширади.

33. Имтиҳонларни ўтказиш учун камида беш кишидан иборат таркибда комиссияси тузилади. Имтиҳон комиссиясининг раиси, таркиби ва ишлаш тартиби Институт бошлигининг буйруғи билан тасдиқланади.

Комиссияси таркибига бошқа ташкилотларнинг юқори малакали мутахассислари киритилиши мумкин.

Ходимнинг махсус курслардан ўқиш учун юборган ташкилот вакили имтиҳон жараёнида, шунингдек имтиҳонларни қайта топшириш вақтида кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

34. Имтиҳон топшириқлари махсус курслар дастурларига мувофиқ тузилади. Имтиҳон натижалари 100 баллик тизимда баҳоланади. Имтиҳон натижалари бўйича белгиланган энг юқори баллнинг камида 70 фоизини тўплаган ходимлар имтиҳондан ўтган ҳисобланади.

35. Имтиҳондан ўта олмаган ходимлар Институт бошлигининг буйруғига асосан бир иш куни ичида имтиҳонни қайта топшириш ҳуқуқига эга.

Қайта топшириш натижаларига кўра имтиҳонлардан ўта олмаган ходимлар ташкилотлар томонидан имтиҳон ўтказилган кундан бошлаб камида икки ойдан сўнг махсус курсларда ўқитиш учун такроран юборилади.

36. Ходим имтиҳонларда узрли сабабларга кўра (оғир касаллиги, яқин қариндошларининг вафот этганлиги ва шу каби бошқа ҳолатлар) иштирок этмаган тақдирда, ушбу ходим учун имтиҳонлар муддати Институт бошлигининг буйруғига асосан бошқа муддатга кўчирилади. Бунда ходим томонидан узрли ҳолат юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва махсус курсларда ўқиш учун юборган ташкилот раҳбарининг маълумотномаси тақдим этилиши керак.

37. Имтиҳонлар натижалари имтиҳон ўтказилган куни комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланган баённома ва имтиҳон қайдномаси расмийлаштирилади ҳамда ходимларга эълон қилинади.

#### **5-боб. Ходимларнинг махсус курсларни тамомлаганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни бериш**

38. Имтиҳон комиссияси баённомасига асосан бир иш куни ичида имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган ходимларга сертификат, имтиҳонлардан ўта олмаган ходимларга эса, улар махсус курсларни тамомлаганлиги тўғрисидаги маълумотнома берилади. Сертификат ва маълумотномалар Институт бошлиғи томонидан имзоланади.

39. Сертификат беш йил муддатга берилади. Сертификатлар қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланадиган, ҳисобга олиш сериясига,

тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлган махсус бланкаларда расмийлаштирилади ҳамда Институтда махсус курслар тури бўйича юритиладиган тегишли реестрда ҳисобга олинади. Сертификатлар ходимларга реестрда имзо қўйдирган ҳолда берилади.

40. Реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

махсус курслар тури — тайёрлаш, қайта тайёрлаш;

махсус курсларда ўқиган ва сертификат олган ходимларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

ходимни юборган ташкилотнинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта, жумладан электрон почта манзили, телефон рақами;

сертификатни бериш учун асос бўлган комиссияси баённомасининг санаси ва рақами;

сертификатнинг серияси ва тартиб рақами;

сертификатнинг амал қилиш муддати;

сертификат дубликати беришнинг асоси ва санаси.

41. Реестр юритиш, унга ўз вақтида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, сертификатлар бланкалари ҳисобини юритиш, сақлаш ва мақсадли ишлатиш учун Институт бошлиғининг буйруғи билан масъул шахс бириктирилади.

42. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган амал қилиш муддати тугамаган сертификат ўрнига ташкилотнинг мурожаатига асосан, мурожаат келиб тушган кундан эътиборан 10 кун ичида сертификатнинг аввалги ҳисобга олиш серияси ва тартиб рақами ҳамда амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда унинг дубликати расмийлаштириб берилади. Сертификат дубликатининг юқори ўнг бурчагига «Дубликат» деган ёзув киритилади.

43. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган амал қилиш муддати тугамаган сертификатнинг асл нусхаси топилганда, ходим сертификатни дарҳол ташкилотга топшириши ва ташкилот уни уч кун ичида Институтга юбориши керак.

### 6-боб. Яқуний қоидалар

44. Ходим қуйидаги ҳолларда махсус курслардан четлаштирилади:

ўқув интизомини ва Институтнинг ички тартиб-қоидаларини бузганда ёки шахсий интизомсизлиги сабабли;

ўқув машғулотларнинг 10 фоиздан ортиқ қисмини узрли сабабларсиз қолдирганда;

соғлиги сабабли машғулотларни уч кундан ортиқ қолдирганда;

ходим суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига асосан озодликдан маҳрум этилганда;

ходим вафот этганда.

45. Ходимни махсус курслардан четлаштириш Институт бошлиғининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Мазкур буйруқда четлаштириш сабаби ва асослари кўрсатилади.

Ушбу буйруқдан кўчирма бир иш куни ичида ходимнинг иш жойига юборилади.

46. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Марказий банки, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўздонмахсулот» АК, «Ўзэлтехсаноат» АК, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзшаробсаноат» АЖ, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК, «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ билан келишилган.

*Ўрмон хўжалиги  
давлат қўмитаси раиси*

**Н. БАКИРОВ**

2018 йил 26 март

*Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири*

**А. АХМЕДХАДЖАЕВ**

2018 йил 26 март

*Давлат геология ва минерал  
ресурслар қўмитаси раиси*

**Б. ИСЛАМОВ**

2018 йил 26 март

*Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза  
қилиш давлат қўмитаси раиси*

**Б. КУЧКАРОВ**

2018 йил 15 март

*Марказий банк раиси*

**М. НУРМУРАТОВ**

2018 йил 14 март

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат захираларини бошқариш  
қўмитаси раиси*

**М. КУРБАНОВ**

2018 йил 15 март

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»  
МАК бош директори*

**Б. ХАКИМОВ**

2018 йил 15 март

*«Ўзбекистон темир йўллари»  
АЖ бошқаруви раиси*

*А. РАМАТОВ*

*2018 йил 16 март*

*«Ўзкимёсаноат» АЖ  
бошқаруви раиси*

*А. АБДУЛЛАЕВ*

*2018 йил 16 март*

*«Ўзбекэнерго» АЖ  
бошқаруви раиси*

*У. МУСТАФОЕВ*

*2018 йил 12 март*

*«Ўздонмаҳсулот» АК  
бошқаруви раиси*

*С. ХАЙДАРОВ*

*2018 йил 12 март*

*«Ўзэлтехсаноат» АК раиси*

*А. АБДУЛЛАЕВ*

*2018 йил 16 март*

*«Ўзбекнефтгаз» АЖ  
бошқаруви раиси*

*А. СУЛТАНОВ*

*2018 йил 15 март*

*«Ўзшаробсаноат» АЖ  
бошқаруви раиси*

*О. МУСТАФАЕВ*

*2018 йил 16 март*

*«Навоий кон-металлургия  
комбинати» ДК бош директори*

*Қ. САНАҚУЛОВ*

*2018 йил 16 март*

*«Олмалиқ кон-металлургия  
комбинати» АЖ бош директори*

*А. ФАРМАНОВ*

*2018 йил 16 март*

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти базасида идоровий ўқотар қурол  
ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан  
фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини  
тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ га  
(ташкилот номи)

\_\_\_\_\_ га

\_\_\_\_\_ га  
(ташкилот номи)

томонидан идоровий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат  
берилган ходимларни тайёрлаш курсларида 20\_\_ йилда ўқитиш учун юбориладиган ходимлар

**РЎЙХАТИ**

Т/р	Ходимнинг Ф.И.О.	Туғилган йили	Маълумоти	Яшаш манзили	Эгаллаб турган лавозими	Эгаллаб турган лавозими бўйича иш стажи (йил ва ойларда)	Тиббий текширувдан ўтиш санаси, текширув натижалари
...	1	2	3	4	5	6	7

\_\_\_\_\_ га  
(ташкилот раҳбари лавозимининг номи)

\_\_\_\_\_ га  
(имзо) \_\_\_\_\_ га  
(Ф.И.О.)

20\_\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник  
институти базасида идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни  
олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган  
ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш  
курслари тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ га  
(ташкилот номи)

\_\_\_\_\_ га  
(ташкилот номи)

томонидан идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ходимларни қайта тайёрлаш курсларида 20\_\_ йилда ўқитиш учун юбориладиган ходимлар  
**РЎЙХАТИ**

Т/р	Ходимнинг Ф.И.О.	Туғилган йили	Маълумоти	Яшаш манзили	Эгаллаб турган лавозими	Эгаллаб турган лавозими бўйича иш стажи (йил ва ойларда)	Қайта тайёрлашга юбориш учун асос	Тиббий текширувдан ўтиш санаси, текширув натижалари
...	1	2	3	4	5	6	7	8

\_\_\_\_\_ га  
(ташкилот раҳбари лавозимининг номи)

\_\_\_\_\_ га  
(имзо)

\_\_\_\_\_ га  
(Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник  
инститuti базасида идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни  
олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган  
ташкilotлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш  
курслари тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ (ташкilot номи)

\_\_\_\_\_ га

## БИЛДИРИШНОМА

\_\_\_\_\_ -сон

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Ҳарбий-техник институти бошлигининг 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги буйруғига асосан, 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_\_ да қуйидаги рўйхатга киритилган ходимларнинг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чорсу қўрғонида жойлашган Ҳарбий-техник институти биносига тайёрлаш (қайта тайёрлаш) курсларига етиб келишини таъминлашингиз сўралади:

Т/р	Ташкilot нонми	Ходимнинг Ф.И.О.	Эгаллаб турган лавозими	Ўқув гуруҳи рақами	Ўқув гуруҳи тоифаси
...	1	2	3	4	5

Ўқув жараёни 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да бошланади ва 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тугалланади.

Ҳарбий-техник институти бошлиғи

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (унвони ва Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**320** «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти базасида идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2740-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 36-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2015 йил 4 ноябрдаги 179-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти базасида идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2740, 2015 йил 14 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 50-сон, 629-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Марказий банк, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўздонмахсулот» АК, «Ўзэлтехсаноат» АК, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзшаробсаноат» АЖ, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 31 март,  
84-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 апрелда эълон қилинган.

## Келишилган:

*Қишлоқ хўжалиги вазири*

**Б. ЮСУПОВ**

*2018 йил 26 март*

*Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири*

**А. АХМЕДХАДЖАЕВ**

*2018 йил 26 март*

*Давлат геология ва минерал  
ресурслар қўмитаси раиси*

**Б. ИСЛАМОВ**

*2018 йил 26 март*

*Экология ва атроф-муҳитни  
муҳофаза қилиш давлат  
қўмитаси раиси*

**Б. КУЧКАРОВ**

*2018 йил 15 март*

*Марказий банк раиси*

**М. НУРМУРАТОВ**

*2018 йил 14 март*

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат захираларини бошқариш  
қўмитаси раиси*

**М. КУРБАНОВ**

*2018 йил 15 март*

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»  
МАК бош директори*

**Б. ХАКИМОВ**

*2018 йил 15 март*

*«Ўзбекистон темир йўллари»  
АЖ бошқаруви раиси*

**А. РАМАТОВ**

*2018 йил 16 март*

*«Ўзкимёсаноат» АЖ  
бошқаруви раиси*

**А. АБДУЛЛАЕВ**

*2018 йил 15 март*

*«Ўзбекэнерго» АЖ  
бошқаруви раиси*

*У. МУСТАФОЕВ*

*2018 йил 12 март*

*«Ўздонмахсулот» АК  
бошқаруви раиси*

*С. ХАЙДАРОВ*

*2018 йил 12 март*

*«Ўзэлтехсаноат» АК раиси*

*А. АБДУЛЛАЕВ*

*2018 йил 16 март*

*«Ўзбекнефтгаз» АЖ  
бошқаруви раиси*

*А. СУЛТАНОВ*

*2018 йил 15 март*

*«Ўзшаробсаноат» АЖ  
бошқаруви раиси*

*О. МУСТАФАЕВ*

*2018 йил 16 март*

*«Навоий кон-металлургия  
комбинати» ДК бош директори*

*Қ. САНАҚУЛОВ*

*2018 йил 16 март*

*«Олмалиқ кон-металлургия  
комбинати» АЖ бош директори*

*А. ФАРМАНОВ*

*2018 йил 16 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**322** «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёж-лари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1675-5*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги 149-сон «Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 апрель,  
72-сон

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 апрель,  
288-В-5-сон

*Келишилган:*

*Қишлоқ хўжалиги вазири*

**Б. ЮСУПОВ**

*2018 йил 2 апрель*

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 апрелда эълон қилинган.

*Ўзбекистон фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари  
кенгаши раиси в. б.*

**М. АНАРБОЕВ**

*2018 йил 2 апрель*

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги, Марказий банк  
бошқарувининг 2018 йил 6 апрелдаги  
72, 288-В-5-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 13 мартдаги 30 ва 288-В-сон «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1675, 2007 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 16-сон, 168-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқарувининг 2011 йил 23 февралдаги 8 ва 1/2-сон «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1675-1, 2011 йил 7 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 145-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил 16 февралдаги 10 ва 288-В-2-сон «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1675-2, 2015 йил 19 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 7-сон, 85-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил 28 сентябрдаги 86 ва 288-В-3-сон «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1675-3, 2015 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 39-сон, 515-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк Бош-

қарувининг 2016 йил 15 августдаги 62 ва 288-В-4-сон «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1675-4, 2016 йил 18 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 33-сон, 399-модда).

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2018 йил 7 апрелдан 13 апрелгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 16 мартдаги 62-сон «Ўзбекистон Республикаси ордени ва медаллари билан мукофотланган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағларни ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1505-1.**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/4-сон «Ўзбекистон Республикаси автоматлаштирилган банк тизимларидаги антивирус химояси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 910-1.**

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги 217-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чiqариш тўғрисида»ги буйруғи.

**2018 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 753-1.**

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги 218-мх-сон «Тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг намунавий шаклларининг 6-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2018 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2848-3.**

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 5 апрелдаги 4, 2-мб-сон «Юридик шахсларнинг номига давлатнинг расмий номини, шунингдек ундан ҳосила сўзларни қўшиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2633-3.**

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 29 мартдаги

66-сон «Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2018 йил 10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2361-1.**

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2018 йил 4 апрелдаги 01-102-сон «Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2018 йил 11 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2490-2.**

8. Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси кўмондонининг 2018 йил 31 мартдаги 83-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти базасида идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2018 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2997.**

9. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 31 мартдаги 84-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти базасида идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2018 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2740-1.**

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 5 апрелдаги 71, 12/2-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига берилган ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кафолатланган хорижий валютадаги кредитларни қайтаришда ўзаро ҳисобкитоблар вақтинчалик тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 180-1.**

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 6 апрелдаги 72, 288-В-5-сон «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» ги қарори.

**2018 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1675-5.**

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона кўмитасининг 2018 йил 9 апрелдаги 73, 01-02/8-32-сон «Ўзбекистон Республикаси худудига жисмоний шахслар томонидан акциз солиғи солинмай олиб кириладиган товарларнинг миқдорий нормалари, шунингдек уларга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 412-3.**

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона кўмитасининг 2018 йил 9 апрелдаги 74, 01-02/8-31-сон «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига товарларни божсиз олиб киришнинг миқдорий нормалари, шунингдек уларга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 279-3.**

## **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти базасида идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2740, 2015 йил 14 декабрь).

**Адлия вазирининг 2018 йил 12 апрелдаги 223-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига берилган ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кафолатланган хорижий валютадаги кредитларни қайтаришда ўзаро ҳисоб-китобларнинг вақтинчалик тартиби (рўйхат рақами 180, 1995 йил 6 октябрь).

**Адлия вазирининг 2018 йил 13 апрелдаги 224-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1675, 2007 йил 14 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1675-1, 2011 йил 7 апрель), (рўйхат рақами 1675-2, 2015 йил 19 февраль), (рўйхат рақами 1675-3, 2015 йил 29 сентябрь), (рўйхат рақами 1675-4, 2016 йил 22 август).

*Адлия вазирининг 2018 йил 13 апрелдаги 225-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан акциз солиғи солинмай олиб кириладиган товарларнинг миқдорий нормалари (рўйхат рақами 412, 1999 йил 13 март), шунингдек уларга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 412-1, 2000 йил 7 июль), (рўйхат рақами 412-2, 2009 йил 3 сентябрь).

*Адлия вазирининг 2018 йил 13 апрелдаги 226-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

5. Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни божсиз олиб киришнинг миқдорий нормалари (рўйхат рақами 279, 1996 йил 10 сентябрь), шунингдек уларга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 279-1, 2010 йил 20 январь), (рўйхат рақами 279-2, 2015 йил 21 апрель).

*Адлия вазирининг 2018 йил 13 апрелдаги 227-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**